
ISSN 0134—2207



ГУЛИСТОН

R 496

6
1989



Байрам.

Р. Шагаев фотолари
(ЎзТАГ)

Боғча.



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№6 (472)
Июнь
1989

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:
С. АЗИМОВ,
Б. АМИНОВ,
Н. ИБРОҲИМОВ,
Э. МУҲАММАД
(масъул котиб),
М. МЎИДИНОВ,
С. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
А. ҚАЮМОВ,
О. ҲУСАНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
К. ЯШИН

Бош рассом
Т. САЪДУЛЛА

Тех.ред. М. Абдуллаев
Корректор М. Набиева

МУҚОВАДА

Биринчи бет:
Хевадаги савдо маркази.
Р. Шагаев фотоси

Тўртинчи бет:

Кўкартирсанг боғ,
Элинг кўнгли чоғ.
Н. Шарипов фотоси

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари — 33-35-90; масъул котиб — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-77.

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.



31-қурилиш бошқармаси Сергели-8 мавзеида ҳар йили 80 минг квадрат-метр уй-жой қуриб фойдаланишга топшираяпти.
Р. Ғафуров [ЎзТАГ] фотоси.

БУ СОНДА:



ТАВАЛЛО:

ГБ УзССР
Ж

Осмондаги тайёралар, боқғил қаёнга боралар,
Эй нафс ила оворалар, нечун кўролмайсиз ҳануз.
Симсиз бировлар сўйлашиб, миллат ғамини ўйлашиб,
Юрганда сиз тўй-тўйлашиб, ҳеч бир уёлмайсиз ҳануз.

(10—12-бетлар)



АННА АҲМАТОВА:

Осиёий уйим пойидор —
Ҳар қандай хавф хаёлдан холи...
Бот келурман. Гуллайвер ҳовли,
Мавжланабер, эй ҳовуз бедор.

(26-бет)



МЕНГЗИЁ САФАРОВ:

...— Сенга ким қўйипти, дейман, катталар билан чап бўлишни, оёғингга қараб, кўрпа бичмайсанми.
— Ростгўй одам баъзан дакки ейди.
— Ҳасадгўй-чи?
— Буниси виждонига ҳавола...

(13—16-бетлар)

© «Гулистон» № 6, 1989 й.

ТАБИАТ ЭҲСОНИДАН АЙРИЛМАЙЛИК

Ориф АЛИМОВ,

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти президиуми раисининг ўринбосари

Бугун жумҳуриятимиз муҳитининг аҳволи ҳаммани ташвишга солаётгани бежиз эмас.

Шу пайтгача табиат неъматларидан фойдаланувчи министрлик ва идоралар, корхона ҳамда ташкилотлар жамоатчиликнинг бу ҳақдаги фикрларига тўраларча муносабатда бўлдилар. Эътиборсизлик қон-қонига сингиб кетган, ўзини ватанпарвар қилиб кўрсатиб, аслида била кўратуриб табиатга зарар келтирадиган ишларга бош-қош бўлиб юрганлар туфайли табиат мувозанати бузилди. Партиямиз ҳужжатларида табиатни асрашнинг ягона сиёсати мамлакатда табиат мувозанатининг бузилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, асосий кучларни бирлаштириш ва мақсад сари йўналтира билиш эканлиги қайта-қайта таъкидланиб турилипти. Бунинг учун чиқитсиз ишлайдиган ёки жуда кам чиқитли техникавий жараёнларни амалда қўллаш, уларни тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий этиш керак. Шундагина табиат муҳофазаси ҳақидаги қонунлар «чақириқ»дан иборат бўлиб қолмайди. Табиатни жамоатчилик кучи билан муҳофаза қилиш тадбирларини белгилаш, табиатбузарларга муросасиз кураш олиб боришда уларга ҳуқуқ ва ваколатлар бериш лозим. Бошқа республикалар аҳолисига нисбатан юртдошларимиз табиат инқирози масаласига эътиборсиздай туюлади кишига. Бундай лоқайдлик табиатимизга шу қадар сингиб кетганки, ҳатто шундай ўзимиз ўтирган шохни қирқаётганимизни ҳам англамай турамиз. Ана шундай «сен менга тегма» қабилида иш тутганимиз натижасида кўп жойларда табиат мувозанати бузилди. Ва бу бузилиш эндиликда баъзан ошкора қаҳр билан ўз қасдини олаяпти. Ҳозирги кунда ўлкамизнинг суғориладиган катта-катта майдонлари емирилиш касалига дучор бўлган. Бу ўта хавфли бўлиб, қони бузилган инсон организмидаги ҳалокатли жараёнлар билан баробардир.

Хўш, қандай қилиб шу аҳволга тушиб қолдик? Жавоб битта. Кўп пахта етиштириш пайига тушиб, экин майдонларига керагидан зиёд кимёвий ўғит солиш, майдонларнинг табиий имконияти ҳисобга олинмай ўзлаштирилиши туфайли шу дардга чалинди. Маълумки, Ўзбекистон ҳар бир гектар ерга заҳарли кимёвий дориларни қўллаш бўйича мамлакатимизда «илғорликни қўлдан бермай» келаяпти. Сув бойлигимизга шу даражада хўжасизларча муносабатда бўлаяпмизки, кўз ўнгимизда Орол денгизи ҳалокат ёқасига келиб қолди. Оролнинг жон томирлари Аму ва Сир соҳилларидаги тўқайзорларнинг тугатилиши, шу атрофдаги ҳайвонот оламининг ғариблашуви, ер, ҳаво, сувнинг ҳаддан зиёд ифлосланишига олиб келди. Маълумотларга қараганда, республикамизда 700 минг гектар ҳайдаладиган ер ўнглаб бўлмас даражада ишдан чиққан. Унинг 80 фоизи шамол ва сув емирилишига учраган бўлиб, 150 минг гектари такроран шўрланган. Бу аҳвол жумҳурият Давлат агросаноати, партия ва совет ташкилотларидан доимий эътибор талаб қилади. Ер мулкимизга бундай беписанд қараш ўзлигимизни оёқ ости қилиш билан баробар. Чунки элни тўйдирадиган ҳам, кийинтирадиган ҳам мана шу Она заминимиздир. Усимликларни биологик усул билан ҳимоя қилишни қўллаш ўрнига «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик кимёси»нинг «муваффиқиятли» иши—ерни минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий дориларга бўктиришга кенг йўл очиб берган ҳам ўзимиз. Сабаби маълум. Қишлоқ хўжалик раҳбарлари мўл ҳосил кетидан қувиб ерни керагидан ортиқча миқдорда сурункали ўғитлашни одат қилиб олишди. Жамоатчиликни ташвишга солаётган сув масаласи кескинлигича турипти. Энди ғайрат кўрсатиб, сабот билан ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатадиган вақт бўлди.



Асрий чинор соясида. В. Лещенко фотоэтюди

Яқинда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти ўлка телевидениеси билан ҳамкорликда Зарафшон дарёси ўзанидаги, атрофидаги табиий кўринишларни ўрганиб чиқдилар. Нақадар аянчли манзаралар кўз олдимизда намоён бўлди. Бир пайтлар Зарафшон деган машҳур номи бўлган дарё эндиликда Самарқанддан то Бухоро вилояти чегараларигача бўлган майдонда жойлашган саноат корхоналарининг чиқинди сувларини оқизиб кетадиган ўзанга айланиб қолган. Сув ҳаммага баравар, табиат қонунини менсимайдиган, мазкур дарёнинг тақдирига совуққонлик билан қараётган масъул доиралар ҳалигача ўз қилмишлари учун жазоланмай келинаётир. Дарё бўйида жойлашган ўнлаб чорвачилик фермалари, Самарқанд вилоятидаги завод ва фабрикалар кўп йиллардан буён ўз чиқитларини тозаламасдан дарёга оқизиб, Зарафшонни заҳарлашаётир. Дарё суви далалардан тушувчи минерал ўғит ва заҳарли кимёвий дорилар, саноат корхоналарининг оқова сувлари билан тўлиб-тошган. Айниқса, Каттақўрғон шаҳрида неча ўн йилдирки, тозалаш қурилишларининг тўла қувват билан ишга туширилмаганлиги сабабли ана шундай аянчли аҳволга тушиб қолди.

Табиатни муҳофаза қилиш идоралари Зарафшон дарёсини фалокатдан асраб қолишда давлат назоратини тўла амалга ошира олмаётганини, шунингдек, Ўзбекистон ССР Табиатни асраш Давлат қўмитаси ҳам бу соҳада етарли даражада жонбозлик кўрсатмаётганлигини тан олишимиз керак.

Сирдарё, Чирчиқ ва уларга қуйиладиган ирмоқларнинг аҳволи ҳам Зарафшондан асло қолишмайди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, жумҳуриятимиздаги барча дарё ва сув ҳавзалари учун бундай аҳвол хос.


Сув манбаларини ифлослантираётган айбдор ташкилотлар, шахслар фаолияти билан ҳуқуқ-тартибот идоралари жиддий шуғулланишлари, муносиб жазо белгилашлари керак. Шуни алоҳида қайд қилишимиз керакки, табиатни муҳофаза қилиш ишини қайта қуришга қаршилик қилаётган катта бир тўсиқ бор. Дарёларни, атроф муҳитни ифлослантираётган корхоналарни тугатиш ёки тозалаш иншоотларини қуришнинг жўяли программасини ишлаб чиқишни энди пайсалга солиб, кечиктириб бўлмайди. Жумҳуриятимизда бу соҳада тозалаш иншоотлари қурилиши муттасил бажарилмай келаётир. Ўтган йили ҳам шундай бўлди. Ва бунинг учун, афсуски, ҳеч ким на маънавий, на моддий жавобгарликка тортилди. Ўлкамиз

оби-ҳавосини, табиатини ниҳоятда ифлослантираётган Олмалиқ конметаллургия корхонасининг фаолияти ҳам жиддий назорат талаб қилади. У ерда мис эритиш печидан таркибида зарарли олтингугурт моддаси бўлган газ тозаланмасдан ҳавога чиқариб юборилмоқда. Бу ҳақда қанча гап-сўзлар бўлди, лекин аҳвол ҳамон эскича. Сувга, ҳавога, одамлар саломатлигига катта зарар келтираётган бу ўзбошимчаларнинг жиловини маъмурий йўл билан тортиб қўйиш зарур. Ҳавога бир йилда 100 минг тоннадан ортиқ ифлослантирувчи чиқитлар чиқариб юбораётган Давлат агросаноат корхоналари фаолиятини ҳам жиддий кўриб чиқиш керак. Чунки бу корхоналар асосан аҳоли зич бўлган районларда жойлашган. Айниқса, Фарғонадаги «Нефторгсинтез», Жиззахдаги оҳактош корхонаси, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Оҳангарондаги цемент заводи, «Навоиазот» каби ўнлаб инсон саломатлиги учун хавфли бўлган газлар билан ҳавони ифлослантиришда «етакчи»лик қилишаётган корхоналарнинг сони ошиб кетаяпти. Умуман, Ўзбекистонда аҳолиси зич, бунинг устига сейсмик жиҳатдан хавотирли жойларда кимёвий корхоналар қурилишини ўйлаб кўриш керак. Табиатга ваҳшийларча муносабатда бўлаётганларга Ўзбекистон Ўлка соғлиқни сақлаш министрлигининг озодалик хизмати, ҳавони муҳофаза қилиш давлат маъмурияти қўллаётган жазо чоралари сўзсиз кучайтирилиши лозим.

Табиат муҳофазаси ишига тўраларча муносабатда бўлиш ярамайди. Табиатни муҳофаза қилиш ўлка жамиятининг олдида турган масалалар ниҳоятда кўпайиб бораётгани бежиз эмас. Жамиятимиз ташаббуси билан ўтказилган текширишлардан бири шу нарсани кўрсатдики, Угам-Чотқол зонаси ўз мувозанатини йўқотиб, фалокат бўсағасига бориб қолибди. Бу ерда тоғ ва тоғ ёнбағирларида чорва моллари боқилаётир, ўрмонлар аёвсиз кесиб кетилаётир. Ута тартибсиз суръатда бу ерларда дам олиш уйлари, дала ҳовлилар қурилаётир. Тошкент вилоят ижроия комитети аҳолини газ, кўмир, ўтин билан таъминлашга эътибор бермаётганлиги туфайли дарахтлар ўтин учун кесиб кетилаяпти. Шунингдек, тоғ ёнбағирларига молларни ўғринча ёйишга ҳам барҳам бериш керак. Ўрмончилик хўжаликлари ўсимликларни пайҳон қилаётганларга, дарахтларга қирон келтираётганларга қарши аёвсиз кураш олиб боришлари лозим. Тоғ ёнбағирларида иҳотали экинларни кўпайтириш керак. Ўрмон ва кўкаламзорлаштириш ўлкамизда давлат миқёсидаги ишдир.

Жумҳурият Олий Совети Президиуми яшил бойликларимизни кўпайтириш ишига катта аҳамият бериб, ҳар йили ўрмон ва боғ бунёд этиш икки ойлигини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди ва Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг аҳолига Мурожаати маъқулланди.

Шуни таъкидлаш керакки, кўчат ўтқазиш жойларда муваффақиятли, ҳатто ошириб бажарилаётир. Ўтган йили бу соҳадаги план 115,5 фоиз, яъни 117 миллион туп дов-дарахт, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳрида 1,5 ҳисса кўп ниҳоллар ўтказилди. Аммо ток кўчатлари экиш ҳажми атиги 64 фоиз бажарилди. Сирдарё, Бухоро вилоятлари, жумладан бир қанча министрлик ва идоралар эса бу хайрли ишга совуққонлик билан қарадилар. Зиммаларига олган иш ҳажми умуман бажарилмади. Фақат кўчат ўтқазиш билан боғ-роғлар бунёд бўлиб қолмайди. Биз кўчат экилганлиги ҳақидаги маълумотлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, ўлкамиз аллақачон дов-дарахтларга бурканган бўларди. Лекин амалда бунинг тескариси юз бермоқда ва яқин ўртада ҳам аҳволни ўнглаб олиш гумон. Чунки маълумотларда кўчатнинг тутиб кетиши эмас, балки экилиши назарда тутилган. Биз энди эътиборимизни, кучимизни шу масалага қаратишимиз керак. Бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш йўли билан, ниҳолларнинг тутиб кетишига эришишимиз мумкин. Шу мақсадда табиатни муҳофаза қилиш жамияти манфаатдор ташкилотларни табиатдан фойдаланиш ва уни асрашга биргаликда ҳал қилишга чақиради.



А. Ковтун фотолари (ЎзТАГ)

СССР Рассомлар союзининг аъзоси, ғурумсаройлик кулол Мақсудали Туропов умр йўлдоши Хосият-хон билан бирга Москвада ўтказиладиган сопол буюмлар кўргазмасида ўз санъати билан қатнашишга тайёргарлик кўрмоқда.



МАСЪУЛИЯТ БОСҚИЧИ

Суҳбатни **Олимжон ХОЛДОР** уюштирди

Маълумки, ватанимиз пойтахти Москвада ўтган йилнинг октябрь ойида врачларнинг Бутуниттифоқ съезди бўлиб ўтган эди. Врачларнинг бу тарихий анжуманида республикамиздан 277 нафар делегат қатнашди. Булар орасида Андижон область Соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Баҳодир Усмонович Йўлдошев ҳам бор эди. У съездда республикамиз шифокорлари номидан сўзга чиқди, ўз нутқида қатор муаммоларни ўртага ташлади. Қуйида Баҳодир Усмоновичнинг ёзувчи Олимжон Холдор билан қилган суҳбатини журналхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

— Баҳодир Усмонович, 1970-1980 йилларнинг бошларида мавжуд бўлган табобат соҳасида йўл қўйилган камчиликларнинг оқибатлари қандай тугатилмоқда?

— Ўша йилларда бошқа соҳаларда бўлгани каби вилоятимиз соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятида ҳам турғунлик даврининг асоратлари сезиларли даражада эди. Табобатга алоқаси бўлмаган тасодифий одамларнинг тиббий муассасаларга жойлашиб олганликлари, талабчанлик, интизом ва назоратнинг сусайиши тузатиб бўлмас хатоларни келтириб чиқарди.

Партия XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Январь (1987) пленуми қарорлари соғлиқни сақлаш ишида ҳам туб ўзгаришлар, сўздан амалий ишга, ишлаганда ҳам шахсий масъулиятни ҳис этган ҳолда виждонан, самарали ишлашга ўтиш даврини бошлаб берди. Соғлиқни сақлаш ишини қайта қуриш вазифалари эса КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори ҳамда врачларнинг Бутуниттифоқ съезди белгилаб берган кўрсатмалар асосида ташкил этилмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг соғлиқни сақлашга қаратилган тарихий қарорини ҳамда съезд кўрсатмаларини областимиз аҳолиси ва тиббиёт ходимлари мамнуният билан кутиб олдилар.



Областимизда фақат кейинги икки йил давомида 120 ўринли ва 300 ўринли иккита болалар касалхонаси, Советобод шаҳрида юқумли касалликлар шифохонаси, болалар учун 450 ўринли вилоят юқумли касалликлар ва 300 ўринли катталар учун шаҳар касалхоналари очилди. Шунингдек, ички безлар касалликлари шифохонаси ҳамда бир муддатда 150 кишини қабул қиладиган поликлиника қурилиши бошлаб юборилди. Яқинда Андижонда Ўрта Осиё тиббиёт иншоотларини лойиҳалаш институти филиали иш бошлади. Бу ерда 40 дан ортиқ инженер-техник ходим ишламоқда. Область соғлиқни сақлаш бўлими ихтиёрида қурилиш ташкилоти тузиш ва ишга тушириш ҳаракатидамиз.

Шифокор кадрларни яхшилаш асосида ишни ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Врачлар малакасини ошириш масаласи ҳам ҳар қачонгидан кўра катта аҳамият касб этмоқда. Бу соҳада турли шакл ва усуллардан фойдаланмоқдамиз. Шифокорларимиз Тошкент, Киев, Ленинград, Харьков, Ереван, Москва, Қозон ва бошқа шаҳарлардаги малака ошириш институтларида бўлишиб, ўз назарий билимларини бойитиб келмоқдалар. Кейинги икки йилнинг ўзидаёқ 1 минг 243 врач ўз малакасини оширди. Даволаш-профилактика муассасаларидаги ўрта бўғин раҳбарларидан 707 киши аттестациядан ўтказилди. Бунда 44 киши эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилди, 181 киши эса шартли равишда ўз ишида қолдирилди.

— Андижон вилоят партия комитети ва вилоят ижроия комитетининг қарори билан 1988—1989 йиллар соғлиқни сақлаш йили деб эълон қилинди. Бу борада қилинган ишлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Вилоятимизда аҳоли ниҳоятда зич эканлигини ҳамма билади. Халқимизнинг 70 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Бунинг устига кўп болали оилаларнинг ҳам аксарияти қишлоқларда истиқомат қилишади. Шу боисдан биз энг аввало қишлоқ аҳолисига медицина хизматини яхшилашга астойдил киришдик. Албатта, шаҳар касалхоналаридаги қулайликлар, техника, асбоб-ускуналари қишлоқларда йўқ. Ўтган бир йилнинг ўзида бизда элликдан ортиқ қишлоқ амбулаториялари қурилди. Булар халқ ҳашари йўли билан бунёд этилди. Бундан ташқари, жойларда маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ёрдамида соғлиқни сақлаш муассасалари учун етмиш бешта маъмурий бино шифохона-тиббиётга мослаштирилди. Вилоятда ўтган йил мобайнида учта районлараро ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил қилинди. Мавжуд туғруқхоналарнинг деярли ҳаммаси асосли ремонтдан чиқарилди, айримлари қайта қурилди. Ўн бешта даволаш-профилактика муассасалари иссиқ сув билан таъминланди. Ҳозир учта неонатология маркази ишлаб турибди. Еттита районда ва барча шаҳарларда жонлантириш бўлимлари беморларга хизмат кўрсатмоқда. Биз меҳнаткашларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, шифокорликда ҳам бригада усулини жорий этмоқдамиз. Область клиник касалхонасида, область бадан тарбия шифохонасида, Ленинск шаҳар марказий касалхонасида ва бир қатор район касалхоналарида бу усул шифокорларимизга қўл келмоқда. Уй ҳамда кундузги кўчма шифохоналарда каравотлар сони 458 та бўлиб, шундан болалар учун 240 та ўрин ажратилди. Бу борада қилинган ишлардан кўра қилиниши керак бўлган вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Бу йил олтита районда жонлантириш бўлимларини очишимиз, тез ёрдам станциялари бўлимларида 23 кардиология ва 24 педиатрия бригадалари ташкил этишимиз керак. Қишлоқлардаги тиббий биноларда канализация тармоқларининг йўқлиги, оқава сув ва чиқиндиларни тозалаш учун йилига 1,5 миллион сўм маблағ сарф қилинмоқда. Шунинг учун ҳам биз шифохоналарга чиқинди қувурлари ўрнатишимиз, уларни иссиқ ва совуқ сув билан тўла таъминлашимиз керак.

— Узоқ умр кўриш муҳофазадан бошланади. Унинг самарадорлигини оширишда шифокор ходимлар томонидан қилинаётган ишлар нималардан иборат?

— Тиббиётда муҳофаза самарадорлигини ошириш — соғлиқни сақлаш тартиботимизнинг бош йўлидир. Бу тиббиётни ривожлантиришга қаратилган Асосий йўналишларда ҳамда Бутуниттифоқ Врачлар съезди қарорларида қайта-қайта таъкидланди.

Касални даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ. Энг аввало, соғлом турмуш тарзи учун курашмоқ керак. Ўз моҳиятига кўра, муҳофаза инсоннинг соғ-саломат юришини, унинг узоқ умр кўришини таъминлашга, касалликларнинг ҳар қандай сабабларини бартараф этишга, аҳолининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар туркумидан иборатдир. Бу масалага агар ҳар биримиз онгли равишда, кундалик турмушда амал қилмасак, тиббиёт муассасаларида ва ишлаб чиқариш корхоналари миқёсида белгиланган тадбирларнинг таъсир кучи бўлмайди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари зиммасига катта масъулият юкланади. Айтайлик, иш жойи зах, ҳавоси ёмон. Бу ерда овқатланиш, чой ичиш,

ором олиш учун шароит бўлмагач, ишчи тез-тез шамоллаши — тумов, грипп, ошқозон-ичак касалликларига чалиниши турган гап. Мен яқинда икки коллективдаги икки воқеанинг гувоҳи бўлдим. Теримчи аёл тушликка чиқди, қўлини ювмай овқатланди, сўнгра боласини овқатлантирди, у шахсий озодалик қоидасига амал қилмади. Завод ишчиси тушликка ўтиришдан олдин қўли мой ҳолда кетма-кет сигарета чекди, сўнгра овқатланишга ўтирди. Бу албатта соғлом ҳолат эмас. Жамият соғлиги ҳар биримизнинг соғлигимиз йиғиндисидан ташкил топади. У ишга ҳам, ҳаётга ҳам, оилага ҳам таъсир кўрсатади.

— Қишлоқ меҳнаткашларига табобат хизмати қандай, вилоятда бу борада нималар қилинаяпти?

— Биз қишлоқларда муҳофаза тадбирларини кучайтиришда тиббиёт муассасаларининг меҳнат шароитларини яхшилаш ва уларни малакали кадрлар билан таъминлашни амалга оширишдан бошладик. Бугунги кунда вилоятимизда 516 фельдшерлик-акушерлик пунктлари ишлаб турибди. Булар қишлоқларда даволаш-муҳофаза ишларини олиб борувчи дастлабки қуйи звенодир. Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда қишлоқларда ҳам тиббиёт хизматига муносабат кескин ўзгарди. Жойларда иш унумининг биринчи омили кишилар саломатлиги эканлиги тушунилди. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ Советларининг раислари, шифокорлар ва улар ишлайдиган касалхоналарнинг шароитини яхшилашда яқиндан кўмаклашмоқдалар. Хўжаобод, Москва районларида ҳамда Ленинск шаҳрида бу борада олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Хўжаобод районидаги «Правда», Москва районидаги «Ленинград», «Октябрь 60 йиллиги» колхозларида, Ленинск шаҳрига қарашли «Правда Востока», Андижон районидаги Карл Маркс номли, Избоскан районидаги Димитров номли, Балиқчи районидаги М. Горький номли, «КПСС XXV съезди» колхоз ва совхозларидаги амбулаторияларнинг тиббий асбоб-ускуналар, техника қуроллари билан жиҳозлантирилди. Қишлоқ врачлик амбулаторияларининг ишларидан бугун кўпчилик мамнун. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари болалар ва болали аёлларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган кундузги стационар хизмати устидан назоратни кучайтирдилар. Қишлоқ врачлик амбулаторияларини қурилишига алоҳида эътибор берилаётир. XII беш йилликда қурилиш ишлари ўтган XI беш йилликка қараганда уч баравар кўпайтирилди. Агар ўтган беш йилликда 17 миллион сўмлик иш бажарилган бўлса, бу беш йилликда 50 миллион сўмликка яқин ишлар қилинди, тиббиёт муассасаларининг техникавий базалари мустаҳкамланди.

— Сув, ҳаво, умуман, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда зарарли одатлар — алкоголизм ва гиёҳвандлик, кашандаликка қарши кураш қандай бормоқда?

— Врачлар съездида табиатни муҳофаза этиш, экология масалалари ҳақида атрофлича фикрлар алмашилди. Сув — табиатнинг буюк инъоми. Ҳозирги кунда шаҳар ва қишлоқлардаги анҳорлар, ариқлардаги оқар сувлар шу даражада ифлосланганки, бу саломатлик учун ўта хавфли. Юқумли оғир ичак касалликлари, заҳарланишлар шундан келиб чиқмоқда. Чунки сув манбалари бўлган ариқлар ва сойлар «очиқ канализациялар»га айланиб қолаяпти. Шийпонларда, ариқ бўйларида заҳарли кимёвий дориларнинг сочилиб ётганини кўрамиз. Кўпгина хўжалик ва корхона раҳбарлари тозалик иншоотлари билан шуғулланишни ҳамон иккинчи даражали масала деб билмоқдалар. Комсомолобод районидаги «В. И. Ленин 10 йиллиги», Қўрғонтепа районидаги Ҳамза номли, Андижон районидаги «Москва», Пахтаобод районидаги марказий касалхонада тозалаш иншоотларининг аҳволи ёмон. Табиат хатоликларни кечирмайди.

Вилоятимизнинг экологик ҳолати, айниқса, Андижон шаҳри экологик мувозанати ҳақида ижобий гап айтиш қийин. Турғунлик йилларининг яна бир асорати шуки, шифохоналар деворлари тутун ва газ ҳиди чиқарувчи корхоналар билан ёнма-ён. Оқибат натижада бугунга келиб шаҳарнинг экологик ҳолати ҳаммани ташвишга солаётир. Пахта еридан бир қадам ҳам қурилиш учун берилмади, доим планни, пахтани ўйладик. Шаҳарнинг энг гавжум жойларида завод ва фабрикалар қурилишига бефарқ қаралди.

Алкоголизм, гиёҳвандлик ва кашандалик жамиятимиз ва соғлигимизга ашаддий душманлигини ҳамма яхши билади. Областимиз районлари ва шаҳарларида заҳригиёҳий кабинетлар ишлаб турибди. Шунингдек, яширин-даволаш кабинетлари мавжуд. Бироқ, ичиш, чекиш, гиёҳвандлик, кашандалик давом этмоқда. Мазкур иллатларга қарши қилаётган ишларимиз талаб даражасида эмас.

— Ҳомиладор оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббиёт хизмати даражаси қай аҳволда?

— Барча яхши нарсаларни болаларга деймиз. Областимизда ҳозир ишлаб турган ва қурилаётган шифохоналарнинг кўпчилигини болалар касалхоналари, шифохоналари ташкил қилади. Бироқ, тан олиш керакки, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Областда ҳануз болалар врачлари етишмайди. 800 участка болалар врачи ўрнига 245 киши ишлаб турибди. Бунинг устига, туғруқхона ва болалар муассасаларининг моддий-техника базалари мустаҳкам эмас. Аҳолининг санитария-гигиена фаолияти даражаси паст. Оқибатда ёш болалар турли касалликларга чалинмоқдалар.

Пахтага сиғиниш йиллари оналар ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тамоман унутилди. Пахтага хилма-хил кимёвий дориларнинг сепилиши кўплаб юқумли касалликларни келтириб чиқарди. Сариқ касаллиги авж олди. Болалар ўртасида ўлим кўпайди. Кейинги йилларда қилинган ҳаракатларимиз эвазига областимизда болалар ўлими 10 фоизга камайди, юқумли касалликлар эса 25—50 фоизгача озайди. Лекин, бари бир касаллик кўп. Бир шифокор пландагидан 3—4 баравар кўпроқ беморга хизмат кўрсатмоқда. Нима бўлганда ҳам ҳануз шифокорларга етарлича ғамхўрлик қилинмаяпти. Уларни рағбатлантириш, орден ва медалларга, мукофотларга тақдим этиш, дам олиш уйларига жўнатиш, уй-жой билан таъминлашда ҳамон эскича қараш ҳукм сурмоқда. Энди шифокорлар уйи, дам олиш зоналари, турли профилактор ийлар ташкил этишнинг вақти келди.

— Баҳодир Усмонович! Мана, Сиз врачларнинг Бутуниттифоқ съездида қатнашдингиз ва республика шифокорлари номидан сўзга чиқдингиз. Съезд таассуротлари билан ўртоқлашсангиз?


— Уч кун давом этган съезд жуда ишчанлик ва фаоллик билан ўтди. Нотиқлар тиббиётимизнинг ютуқлари ҳақида эмас, камчиликлари ва муаммолари ҳақида жиддий гапларни айтишди. Бу гал уларнинг нутқида насиҳатбозлик, аравани қуруқ олиб қочишлар, ҳисоботларни айтиб, мақтанишларга чек қўйилди.

Мен съездда баъзи республикалардан қатнашаётган делегатлар ўз нутқларида муаммо деб кўтариб чиққан масалалар марказий шаҳарларда аллақачон ҳал этилганини мисоллар билан айтиб, бу нотекисликнинг оқибатлари эканлигини, ҳеч бўлмаса ҳар кварталда бир марта ахборот бюллетени чиқарилиб ва тарқатилиб турилганда бу ҳол бўлмаслигини айтиб, шундай бюллетенни ташкил этишни таклиф этдим.

Съездда жуда кўп таниқли олимлар, академиклар чет эл тиббиётининг ютуқларини кўкларга кўтариб мақташди. Минг эшитгандан кўра, бир кўрган яхши, дейди халқимиз. Ўша ютуқларни қани эди беморлар билан ҳар куни, ҳар соатда учрашадиган, уларнинг дардларига малҳам бўлаётган шифокорлар ҳам кўришса ва амалий ишда қўллашса. Балки бизнинг чет элликларга ўргатадиган ишларимиз ҳам бордир, деган мулоҳазани ҳам билдирдим.

Республикамизда ўнлаб мебель фабрикалари туриб, биз нима учундир ишга яроқсиз стол ва стулларни Шимолий Осетиядан олаётганимизни, медицина кадрларининг сифати ҳали ҳам ёмонлиги, тасодифий кишилар ҳамон ишимизга ва обрўйимизга путур етказаётганлигини, қуриладиган шифохоналар лойиҳасини ўзимиз маҳаллий шароитга қараб қуриш ҳуқуқига эга эмаслигимиз, республикада смета қиммати тўрт миллион сўмликдан ортиқ бўлган объектни қуриш учун СССР Давлат план комитетининг розилигисиз планга киритиш ҳуқуқига эга эмаслигимиз, хуллас, марказнинг розилигисиз ишни битириш қийинлигини таъкидлаб, соғлиқни сақлаш объектлари қурилиш планини белгилашни иттифоқдош республикаларнинг ўзларига рухсат этишни таклиф қилдим. Қишлоқ врачлик амбулаторияларини қурилишидаги тажрибаларимизни ҳам съезд делегатларига гапириб бердим.

Ёмон сотувчи, ёмон рассом, ёмон артист, ёмон раҳбар бўлиши мумкин. Уларнинг хатоларини тузатиш, таҳрир қилиш мумкин. Аммо шифокор хатога йўл қўйдими, тамом — иш фожиа билан якунланади. Демак, шундай касб эгаларига бўладиган ғамхўрлик ҳам талаб даражасида бўлиши керак-да!



Деҳқончиликда биологик усулни қўллаш, атроф-муҳитнинг тозалиги учун фойдалидир. Қаршидаги биофабрика йилига 10.000 гектар майдонга биологик ишлов бериш имконига эга. Қашқадарё вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг мудири (чапдан ўнгга) Холмирза Назаров, биофабрика бош агрономи Исматилла Иноятов ва Моҳира Эломоновалар.

Ш. Шарипов фотоси (ЎзТАГ)



Вали МАЖИДОВ, УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

СПИД ҳақида Ўзбекистон матбуотида ҳар турли хабарлар эълон қилинди. Уларни қайта-қайта ўқисангиз ҳам, барибир, бу касаллик ҳақида аниқ тушунчага эга бўла олмайсиз. Республикамиз аҳолиси бу ҳақда ҳали етарли маълумотларга эга эмас. Ҳаттоки, тиббиёт ходимларининг ҳам СПИД ҳақидаги билимлари етарли эмас.

Ваҳоланки, СПИД Ер юзидаги ҳамма мамлакатларда катта шов-шувларга сабаб бўлаётган, тез суръат билан тарқалиб кетаётган, жуда кўп одамларнинг ёстиғини қуритаётган, талайгина мамлакатларда катта талафот келтираётган бедаво офатдир.

Хўш, СПИД илгари йўқ эди-ку, у қаердан пайдо бўлди, деган савол туғилиши мумкин. Бу касаллик биринчи марта 1981 йилда АҚШда кенг тарқалиб кетди, одамлар нобуд бўлди ва шундан сўнг у СПИД номи билан матбуотда эълон қилинди.

1983 йили Париждаги Пастер институтида А. Монтанье ва 1984 йили АҚШнинг Калифорния университетида Д. Галло СПИД қўзғатувчи вирусни топдилар. Бу вирус ҳақида илгари ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Вируснинг қаердан пайдо бўлгани ҳақидаги масала анча вақт номаълум бўлиб қолди. Кейинчалик олимлар, СПИД вируси Африкадан келиб чиққан, деган фикрга келдилар. Мазкур назария бўйича, мазкур вирус Марказий Африка ўрмонларида яшовчи яшил рангли, мартишка деб аталадиган маймунлардан одамларга ўтган. Одамлар эса ўз навбатида вирусни АҚШ ва Кариб денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга келтирганлар. Шундан сўнг у тезда бошқа мамлакатларга тарқалиб кетган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий ахборотига кўра, 1988 йилнинг 31 декабригача Ер юзининг 142 мамлакатида 132 минг 976 нафар СПИД билан оғриган бемор борлиги аниқланган. Бу ҳисобга илгари шу касалликдан ўлганлар кирмайди.

Ҳали касал бўлмаган, лекин СПИД вирусини тарқатиб юрадиганлар сони 5 миллионга етди. Мутахассисларнинг фикрича, 1989-1990 йилларда СПИДга йўлиққан беморлар сони 400 мингга етади, яъни уч марта кўпаяди. Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Марказий Африкада СПИД энг кўп тарқалган. Америка қитъасида 91 минг бемор бор, бу Ер юзидаги беморларнинг 71 фоизини ташкил этади. АҚШнинг ўзида 78 минг бемор борлиги маълум.

СПИД ҳозирги вақтда АҚШда айниқса катта талафот келтирмоқда. Ер юзидаги СПИД билан оғриган беморларнинг 75 фоизи АҚШда яшайди. АҚШнинг барча штатларида СПИД бор. У айниқса Нью-Йорк, Сан-Франциско, Лос-Анжелес каби кўп миллионли катта шаҳарларда кенг тарқалган. Беморларнинг кўпчилиги қора танлилардир. Р. Рейган 1987 йили Филадельфияда тиббиёт ўқув юртлари студентлари ҳузурида сўзлаган нутқида «СПИД Американинг биринчи ўриндаги энг ёвуз душманидир», деб таъкидлаган эди. СПИД АҚШнинг миллий фалокатидир. 1988 йилнинг ўзида бу касалликка қарши кураш учун АҚШда 1 миллиард доллар сарфланди.

Расмий далилларга кўра, Африка аҳолисининг 10 фоизига СПИД юққан. СПИД тез суръат билан тарқалиб бормоқда. АҚШда бир йилда СПИД билан оғриган беморлар сони икки баробар, Европада эса ундан ҳам тезроқ кўпаймоқда.

СПИД биринчи навбатда ҳарбий хизматчилар орқали АҚШнинг ҳарбий базалари жойлашган мамлакатларга тарқала бошлади. Жумладан, Японияда вирус юқтирганларнинг сони 10 минг нафарга етди. Бу мамлакатда СПИДга қарши кўрилаётган чоралар қаторида америкаликларни ресторан ва шу каби жойларга киргизмаслик каби тадбирлар ҳам бор. Бироқ СПИДга бундай чоралар тўсиқ бўлмаяпти.

Эндиликда у АҚШ, Гаити, Марказий Африка, Англия, Дания, Германия Федератив Республикаси, Франция, Швейцария, Австралия ва бошқа мамлакатларда тез-тез учраяпти.

Америкалик машҳур олим, Нобель мукофотининг лауреати Болтимор: «СПИД билан кураш масаласи келгуси асрда соғлиқни сақлаш ташкилотларининг олдида турган асосий муаммо бўлиб қолади. СПИД оқибатида кўп мамлакатларнинг халқлари қирилиб кетиш хавфи бор», деб таъкидлади.

СПИДни ядро қуролидан ҳам қўрқинчли офат десак муболаға бўлмайди. Ядро қуроли жуда хавфли, албатта, аммо у одамлар ихтиёрига бўйсунади. СПИД эса ҳозирча одамлар ихтиёридан ташқари, ҳеч қандай назорат чораларига итоат қилмаётир. Унинг тез суръат билан тарқалишининг олдини олиб бўлмаяпти. Модомики, СПИД ҳамма мамлакатларда учрар экан, унинг тарқалиб кетмаслигини бирор мамлакат территориясида амалга ошириш мутлақо мумкин эмас. Бир вақтда, келишилган ҳолда бутун Ер юзидаги мамлакатларда тегишли чоралар амалга оширилгандагина маълум натижага эришиш мумкин. СПИДнинг тарқалиб кетиши жуда кўп омилларга, биринчи навбатда, одамларнинг ахлоқи, қолаверса, инсофи каби жуда нозик ва мураккаб омилларга боғлиқ.

СПИД бизнинг мамлакатда ҳам учраяпти. 1988 йилнинг декабригача Совет Иттифоқида текширилган 17 миллион кишидан 112 совет граждани ва 334 хорижий мамлакат граждани-ларида СПИД вируси борлиги аниқланди. СПИД вируси бор чет элликларнинг кўпчилиги ўз мамлакатларига жўнатилдилар.

Юқорида келтирилган далилларга қараб, СССРда СПИД жуда кенг тарқалмаган экан, деб хотиржам бўлишга ҳеч қандай асос йўқ. Чунки, юқорида айтганимиздек, ҳали унинг тарқалишининг олдини оладиган самарали усул йўқ. Бу масалага жиддий қараб тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур. Акс ҳолда ёмон оқибатлар юз бериши мумкин.

Одам организми бир неча миллион йиллар давомида ривожланиб тараққий этган. Шу даврда ҳар турли зарарли таъсирлардан ўзини ҳимоя қилиш воситалари пайдо бўлган. Ана шу ҳимоя воситалари одамнинг терисида, шиллиқ қаватларида ва ташқи муҳит (ҳаво, сув, тупроқ)да кенг тарқалган турли-туман микробларга қаршилик кўрсатиб туради. Организмнинг ўзини ҳимоя қилиши мураккаб жараён бўлиб, бунда жуда кўп аъзолар иштирок этади ва бу тиббиётда иммун системаси номи билан юритилади.

Турли таъсирлар одам организмига зарар етказмаслиги учун зарур бўлган вақтда қайд қилинган ҳимоя воситалари маълум бир йўналишда бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳаракат қиладилар ва организмнинг, яъни бутун аъзоларнинг меъёрли фаолиятини таъминлаб турадилар.

Ана шу ўзини ҳимоя қилиш жараёнида қон таркибидаги лимфоцит деб аталувчи ҳужайралар (қон таначалари) муҳим роль ўйнайдилар. Улар организмга ҳар хил таъсирлар, шу жумладан, микроблар зарар етказмаслиги учун тайёр бўлиб гўё соқчилик вазифасини бажариб, ҳар қандай бало-қазога қалқон бўлиб турадилар. Лимфоцитлар етарли ва фаол бўлса, организмнинг ҳимоя кучи ҳам яхши бўлади. Аксинча, лимфоцитларнинг сони камайса ва фаолияти суст бўлса, организм нимжон, касалчан бўлади ва кўпинча бундай кишилар узоқ яшамайдилар.

СПИДнинг вируси ана шу лимфоцитларга ўч бўлади ва тезликда уларга ёпишиб олиб, чала жон қилади ва кейин ҳалок қилади. Натижада СПИД юққан одамнинг лимфоцитлари камайиб кетади ва қолганларининг фаолияти сусаяди. Бинобарин, организмнинг ҳимоя қуввати камайиб пировардида йўқ даражага келади.

Шу сабабдан СПИДга йўлиққан одам организмига илгари зарарли таъсир кўрсата олмаган турли-туман микроблар энди осонгина ҳужумга ўтадилар, натижада ҳимоясиз организмда ҳар турли касалликлар пайдо бўлаверади.

Шу тариқа СПИД билан оғриган беморда кўпинча саркома (рак касаллигининг бир тури) пайдо бўлади. Саркоманинг келиб чиқиши ҳам ўша қайд қилинган ҳимоя системасининг ишдан чиқишига боғлиқ. Организмда ўзини ҳимоя қилиш кучи етарли бўлганда саркома ҳужайраларининг кўпайишига йўл қўймайди. СПИД оқибатида ҳимоя кучи камайиши билан оқ саркома ҳужайралари ҳеч қандай тўсиқсиз тез кўпая бошлайдилар.

Худди ниҳол ўсимликка печак ўти чирмашиб, уни қуритганидек саркома ҳам организмни аста-секин емира боради. Агар у ўз вақтида таг-томири билан кесиб ташланмаса, ёмон оқибатга олиб келади. Шундай қилиб, СПИДнинг касофати ўзини ҳимоя қилиш қобилиятидан маҳрум бўлган организмнинг ҳар турли касалликларга чалинавериши ва пировардида ҳалок бўлишидан иборатдир.

СПИД вируси ҳали касалланмаган, лекин организмида вирус бор кишиларнинг қони, спермаси ва сўлагида бўлади. СПИД аввало жинсий алоқа орқали юқади. Айниқса, СПИД-



нинг тарқалишида баччабоз (гомосексуалист)-лар асосий сабаб бўладилар.

Шимолий Америка, Европа ва Австралиядаги СПИД билан оғриганларнинг 70 фоизини баччабозлар ташкил этади. Баччабозларнинг энг хавфлиси эркаклар билан ҳам, аёллар билан ҳам жинсий алоқада бўладиган ашаддий нопок кимсалардир. Баччабозларнинг битта эмас, балки анча-мунча мижозлари бўлади. Шу сабабдан битта баччабоз ўнлаб кишиларга СПИД юқтириши мумкин. Масалан, АҚШда битта баччабознинг 40 нафар одамга СПИД юқтиргани қайд қилинган. СПИД қон орқали ҳам юқади. Бу йўл билан СПИДнинг юқиши бангиларда (наркоманларда), гемофилия касаллигига йўлиққан ва шу туфайли қон қуйиш усули билан даволанадиган одамларда учрайди. Бангилар ўзларини маст ва қарахт қилиш учун ҳар турли заҳарли дорилар (афюн дорилар)дан укол қабул қиладилар. Одатда бир неча бангилар қайнатилмаган битта шприц ва игнадан фойдаланадилар. Бунинг оқибатида бангиларнинг биттасида СПИД вируси бўлса, у осонгина бошқаларга юқади.

Гемофилия касаллиги бор одамнинг қони ўз вақтида ивимайди ва бирор жойи шикастланса, қон оқаверади. Бу касалликни қон қуйиш усули билан даволайдилар. Агар қуйиладиган қон СПИД вируси бор одамдан олинган бўлса, бу оғир дарднинг устига СПИД ҳам юқади.

Бир неча йил илгари Ғарбий Германияда гемофилия билан оғриган беморлар орасида СПИД тарқалиб кетган. Текширишлар натижасида ГФРга АҚШдан кўп миқдорда қон келтирилгани ва донорлар (қон берганлар)-нинг орасида СПИД вирусини ташиб юрувчилар бор эканлиги аниқланган.

Ёш бир француз йигити 1978 йилда автомобиль фалокати натижасида оғир яradор бўлади. Унга қон қуйишади. Орадан беш йил ўтгач, у СПИДдан ўлади.

СПИД эркаклар орасида аёлларга қараганда ўн бир марта кўп учрайди. Баччабозлар ва бангилар ўта ахлоқсиз кишилар бўлиб, ҳаддан ташқари тартибсиз ҳаёт кечирадилар, дуч келган одам билан жинсий алоқада бўлиш уларнинг одатий «машғулотлари»дир.

Африкада эркаклар ва аёлларда СПИД деярлик баробар учрайди. Афтидан, баъзи Марказий Африка мамлакатларида кўп эрлик ёки кўп хотинлик бўлиш одати сабаб бўлса керак.

Енгил табиатли, фавқулодда танишган кишилар билан алоқада бўладиган эркак ва аёллар турли таносил касалликлари (захм, сўзак) қаторида СПИДни ҳам тарқатадилар.

СПИД юққандан сўнг орадан беш-олти ойдан беш йилгача вақт ўтгачгина беморда турли касалликлар пайдо бўла бошлайди. Беморнинг иситмаси чиқиб, кечалари терлайди, ширшир ичи кетади, кундан-кунга силласи қуриб, асаби бузилади. Озиб кетади, лимфа безлари шишади. Териси, оғзи, бурни ва бошқа шиллиқ қаватлари шилиниб, яра-чақалар пайдо бўлади. Кўп ўтмай ички аъзолар зарарланади, ўпка яллиғланади, қон-йиринг аралаш ичи кетади. Тахминан ҳар учинчи беморда бошмия йирингланади ёки мияда шиш пайдо бўлади. Бундай беморларнинг аҳволи жуда оғир бўлиб, жинниларга хос ҳаракат қиладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, беморларнинг қайси аъзоси зарарланмасин, барибир, ҳеч қандай дори-дармон фойда қилмайди.

СПИД бедаво дард, унинг олдини олиш учун эмлайдиган зардоб (вакцина) ҳам йўқ. Шу сабабдан СПИД тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун аҳоли бу касаллик ҳақида маълум бир тушунчага эга бўлиши зарур. СПИДнинг қандай йўллар билан юқишини яхши билгандагина унга қарши курашиш мумкин.

СПИД юқмаслиги учун биринчи навбатда тартибли, соғлом турмуш тарзи бўлмоғи керак. Жинсий алоқанинг узоқ асрлар давомида ота-боболардан расм бўлиб келган, ҳар жиҳатдан расмийлашган оилада ва ахлоқ доирасида бўлиши жуда муҳимдир.

Тартибсиз ҳаёт кечириш, фақат ҳирсий талабни қондириш учунгина фавқулодда танишган бегона одамлар билан алоқада бўлиш жуда хавфлидир. Ана шундай тартибсиз ҳаёт кечирадиган одамларнинг кўпчилигида таносил касалликлари (захм, сўзак) ва СПИД бўлиши мумкинлигини ҳеч эсдан чиқарманг. Юқорида АҚШда СПИДнинг кенг тарқалганлиги қайд қилинди. Сабаби нима? У ерда СПИД юқиши ва тарқалишига қулай шароит мавжуддир. Бир неча йил муқаддам АҚШда бўлганимизда Чикаго аэропортида ўта танноз, лекин деярли яланғоч бир қиз худди маймунга ўхшаган, бутун бадани жун билан қопланган жулдур трусидан бошқа кийимсиз бир йигитни скамайкада қучоқлаб ётганини кўриб, «тавба» деб ҳайрон бўлган эдик. Нью-Йоркнинг Бродвей кўчасидаги тун бўйи бетўхтов ишлайдиган ҳар хил қаҳвахоналардаги қип-яланғоч аёллар ўйинга тушаётганини, жиркантирадиган парнографик фильмлар кўрсатувчи махсус кинозалларни кўриб, Бродвей кўчаси ҳар хил майнавозчилик ва бузуқчиликларнинг макони эканини сезган эдик. Бу қаҳвахоналар ва кинозаллар қошида махсус хилватхоналар ҳам бор. Демак, бундай шароитлар ёшми-қарими, эркакми-аёлми, барибир, ахлоқий бузилишга сабаб бўлади, албатта. Аммо қаҳвахона ва кинозалларнинг эгалари эса чўнтакларини долларларга тўлғазиш билан овора эдилар.

Баччабозлик ҳам, бангилик ҳам, бузуқлик ҳам ўзига хос касалликдир. Уларга нисбатан мамлакатимизда қабул қилинган қонун доирасидагина чора кўриш мумкин. Уларнинг ҳаммасини жиноятдан четлаштириш ҳали ҳал бўлмаган муаммодир. Икки йил муқаддам АҚШда СПИДни тарқатганлиги учун баччабозларни судга беришган эди. Шу масала атрофида жуда кўп шов-шув бўлди. Баччабозлар уюшмаси (ўша ерда шундай уюшма бор) намойиш ташкил этди. Барибир, судья баччабозларнинг бу ифлос одатининг ғайри табиий эканлигини таъкидлаб: «Бу худонинг иродасига қарши ҳаракат», деб қаттиқ қоралади.

Хўш, нима қилмоқ керак? Аввало аҳоли орасида, уни тарқатадиган баччабоз ва бангиларга қунт билан тушунтириш ишлари олиб бориш керак. Бу ишни фақат тиббиёт ходимлари эмас, балки ҳар бир онгли одам ўз бурчи деб билмоғи керак. Бегона одам билан жинсий алоқада бўлиш СПИД юқишига сабаб бўлишини унутмаслик зарур. Қайнатмасдан битта шприц ва игнадан бир неча одамга укол қилиш, бошқа одамнинг соқол оладиган асбоби, тиш тозалайдиган чўткаси, тирноқ тозалайдиган пичоқ ёки қайчисидан фойдаланиш хавфлидир.

СПИД ер юзидаги барча мамлакат халқларига алоқадор катта хавфдир. Ҳозир тараққий этган мамлакатларда СПИДни юқтириши мумкин бўлган одамлар махсус лабораторияларда текширилмоқда. АҚШнинг Чикаго шаҳридаги Эббат фирмаси СПИДнинг бор ёки йўқ эканини аниқлайдиган махсус препаратни 12 миллион дозада (бир дозаси битта одамни текширишга етади) ишлаб чиқариб, ҳар бир дозасини тўртбеш доллардан сотиб, катта бойлик орттирмоқда.

СССРда академик Д. В. Петров тавсия этган препарат етарли миқдорда ишлаб чиқарилмоқда. Бизда СПИД касали бор ёки йўқлигини аниқлаш учун текшириш бепул, албатта. Мамлакатимизда 300 га яқин лабораториялар ишлаб турибди. Текширишни махфий равишда, яъни одамнинг исми-шарифини сир сақлаган ҳолда амалга ошириш мумкин.

1987 йил СССР Олий Совети Президиуми қабул қилган махсус қонун бўйича СССРга уч ойдан кўпроқ муддатга келган ҳар бир чет эллик граждан махсус текширувдан ўтиши керак. Текширувдан бош тортганлар уларнинг элчихоналари воситасида СССРдан чиқариб юбориладилар.

СПИДга даво топиш устида кўп мамлакатларда, шу жумладан, СССРда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Олимлар асосан СПИДга қарши эмлаш ва шу йўл билан уни юқтирмайдиган махсус вакцина топиш устида ишламоқдалар... Шояд, яқин келажакда ана шундай вакцинани топиш ва Ер юзидаги халқларни бу қўрқинчли офатдан қутқариш имконияти туғилса.

Редакция почтасидан

ҚОЧ, СУҒУРТАЧИ КЕЛАЯПТИ!

Турмушимизда тез-тез давлат суғурта идораларига ишимиз тушиб туради. Турли табиий офатлар ва тасодифлар, фалокатлар туфайли бу идорага боришга мажбурмиз. Ахир кимдир машинасини, уйини, мебелларини, шахсий чорвасини суғурта қилдириб қўйган бўлиши табиий. Мабодо фалокат юз берса, суғурта идоралари уларга товон тўлаши қонун билан муқаррар қилиб қўйилган. Шу ерда бир қизиқ воқеа кечади. Дейлик суғуртачилар уйма-уй юриб, ихтиёрий ва мажбурий суғурта шартномаларини тузишга ва бадалини ўз вақтида ундириб олишга уста. Бошига ташвиш тушган одам ўзига тегишли лозим бўлган товон пулини олиш учун сўзсиз 2—3 ой овора бўлиши тайин.

Сабаби ҳаёт билан, суғурта идораларининг фаолиятида номутаносиблик мавжуд.

Масалан, Фарғона вилояти, Фрунзе районида 16 мингдан ортиқ хўжалик бор. Давлат суғурта идораси ходимларига бу хўжаликлар билан шартнома тузиш йилнинг тўрт кварталига бўлиб берилади.

Маъмурий буйруқбозлик, яъни юқоридан берилган кўрсатма туфайли район давлат суғурта идораларининг планлари йилдан-йилга ортиб бораётир. План — қонун деб билган раҳбарлар ходимлардан унинг тўлишини қатъий талаб қилишади. Бу планнинг ошиши эса кўпроқ меҳнаткашнинг чўнтагини қоқлаш ҳисобига бўлаётир. Суғурта вакиллари колхоз ва совхоз идораларига бориб, ишчи ва колхозчиларни турли керак ва нокерак суғурта шартномаларига қўл қўйдиришга мажбурлайдилар. Масалан, райондаги Охунбобоев номли совхознинг бригада бошлиғи М. Усмонов ва унинг ишчи оила аъзолари ҳақидан 5 сўмдан 20 сўм пул Давлат суғурта идораси ҳисобига чегириб қолинган. Лекин М. Усмонов шу йилнинг апрель ойида мол-мулкини ихтиёрий суғурта қилдириб 15 сўм нақд пул тўлаган эди. Бундай мисолларни керагича келтириш мумкин.

Чунки давлат суғурта идораси ходими қанча кўп шартнома тузса, шунча яхши моддий манфаатдор бўлади. Суғурта ходимларининг маоши уларнинг халқдан қанча пул ундирганига қараб тўланади.

Кейинги пайтларда улар қишлоқ ораласа, одамлар юрак олдириб қўядиган бўлиб қолишди. Қораси кўринди дегунча дарвозаларини таққа-так ёпиб қўядилар. Ахир пул олишга уста-ю, тўлашга келганда сарсон-саргардон қиладиган суғурта иши кимга керак?

Яқинда шу районда яшовчи Ф. Турдиев сигирини ихтиёрий суғурта қилдирган бўлса-да, давлат суғурта идорасидан пул олиш умидини узиб қўл силтаб кетди. Чунки давлат суғурта идорасидан пул ундириш учун темир асаб, бекорчи вақт, толиқмайдиган оёқ керак.

Масалан, бирортасининг сигири ҳаром ўлиб қолди дейлик. У ўлимтани жониворлар врачига кўрсатиб, бир неча киши гувоҳлигида акт туздириши шарт. Сўнг ўлимтани ўзи улов ёллаб, райондан 30—40 чақирим узоқликдаги марказий ахлатхонага олиб бориб кўмиши, у ердан кўмганлиги тўғрисида справка олиши керак. Сўнгра яна совхоз зоотехнигидан сигирининг ҳақиқатан ҳаром ўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат, қишлоқ Советидан справка олиб, суғурта идорасига олиб бориб топшириши шарт. Идора ходими тайёрланган хужжатларнинг у ер-бу ердан камчилик топиб, яна уни бир-икки кун овора қилгач, тўловни почта орқали жўнатади. Фақат тез-тез келиб суғурта инспекторларининг эсига солиб турсангиз, пулингиз 5—6 ойда қўлга тегиши мумкин!

Хўш, инсоф билан айтганда, кимга кераги бор бунақа суғурта хизматининг?!

Ҳозир мамлакатимизда қайта қуриш, янгиланиш кетаётир. Шу ўринда давлат суғурта идораларининг иш структурасини ҳам тубдан ўзгартириш вақти етди, бундай ташкилотлар меҳнаткашлар манфаатига хизмат қилиши шарт.

Рустам ОБИДОВ

Фрунзе райони

Ҳабиб РАҲМАТ

ХЎТИКЧА

Қўнғир тусли хўтикча,
Уйнар отиб шаталоқ.
Ағанашни хуш кўрар
Қаерда бўлса тупроқ.

Дум, оёқ-ла ер топтаб,
Кўтаради чанг-тўзон.
Усти чангга беланиб
Қўзичоқ сўзлар ҳайрон:

— Минг шукурки, мен сендек
Хўтикча бўлмаганман.
— Сенга нима, бу ишни
Отамдан ўрганганман.



Сафар БАРНО

ЯНГИ ЭЪЛОН

Эълон шундай: мен ва Латиф
Очдик катта ко-пе-ра-тив.
Ғунча эдик, мана энди,
Илдиз отиб гул-лай-миз.
Булутларни тарозуда
Тортиб, Сизга пул-лай-миз...

Баҳодир ЎРИНОВ

ТАФТИШЧИЛАР КЕЛГАНДА

— Дада, бугун боғчада
Уйинчоқлар ўйнадик.
Боғча опам бош бўлиб
Ашула ҳам куйладик.
Шашка суриш баҳсида
Ғолиб келди Мирфозил.
Унинг ақли, зеҳнига
Ҳаммамиз қолдик қойил.
— Шундайми, ўғлим, ҳар кун?
Бахтларинг хўб кулган-да.
— Уйнадик фақат бугун
Тафтишчилар келганда.

Абдулла ТУРДИЕВ

ЖИДДИЯ

Йўллардайин энг узун
Бу фанонинг қўлими?
Юракда туйғу — маҳзун —
Болаларнинг ўлими.

Ғўза унган жўяклар —
Қора шарпа йўлими?
Тупроқ кўмган юраклар —
Болаларнинг ўлими.

Ҳайҳот, Орол ўлимнинг —
Кўз илғамас чўлими?
Хазонидир гулимнинг —
Болаларнинг ўлими.

Ўзбекистон — она юрт
Эломонлар элими?
Мени чаққан — қора қурт —
Болаларнинг ўлими.

Бу ҳолга бефарқ кимдир,
Дард эзмаса кўнглини?!
Ўшанинг ўлимидир —
Болаларнинг ўлими.

Дилмурод ШОКИРОВ

БОТАНИКА ДАРСИДА

Ботаника дарсида
Ўқитувчи дер: — Ҳасан,
Олмаларнинг неча хил
Навларини биласан?
— Икки хилин биламан,
Айтсам, гапнинг очиғи,
Ширин нави бўлади,
Бўлар яна аччиғи...



Шоди САТТОР

ЛЕНИН СИНФИ

Ленин синфи мактабимиз
Фахри доим.
Шу синфда дарс беради
Менинг ойим.
Бу синфнинг болалари —
Аълочилар.
Бу синфда баҳри-дилинг
Зап очилар.
Бу синфнинг болалари —
Энг ибратли.
Ленин каби меҳнатсевар,
Энг ғайратли.
Сафимиз ҳам чорак сайин
Ошиб борар,
Бошқаларнинг меҳри бизга
Тошиб борар.
Заррача гард юқтирмаймиз
Синфимизга.
Аъло ўқиб, қўшилингиз
Сафимизга.



БИРИНЧИ

Алфавитнинг энг бошида,
«А» ҳарфи.
Сен бўлсанг-чи,
ўртароқда —
«П» — Парфи.
Қўлингни бер, танишайлик:
Мен — Аҳмад.
Шундай исм қўйганларга —
Минг раҳмат!
Чунки, номим ҳар рўйхатда —
Биринчи,
Ўзим бўлсам, куч-ғайратда —
Биринчи.
Топишмоқни топишда ҳам —
Биринчи.
Пойгаларда чопишда ҳам —
Биринчи.
Парфи дейди:
— Шошма бирпас,
Биринчи!
Мақтанишда бўлмасанг бас —
Биринчи.

МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖ МУАММОЛАРИ

Жамиятимизда узоқ муддат ҳукм сурган турғунлик, ижтимоий адолатсизлик кишиларнинг маънавий камолотига путур етказди. Бошбошдоқлик авж олди. Ҳар ким ўз билганича кун кўришга мажбур бўлди. Бу эса, такаббур ва андишасиз одамларнинг ошиғини олчи қилди, маиший тўкинчиклар кетидан қувиш расм бўлди. Ғояларимиз амалда эмас, кўпроқ тилда қарор топди, сўз билан иш ўртасида узилиш содир бўлди. Маънавий эҳтиёжларни юксалтириш йўлида эркинлик, ижодий руҳ ва ошкоралик сафсатага айлантирилди. Натижада моддий эҳтиёжлар маънавиятни ютиб юборди. Шунинг учун қайта қуриш даврида маънавий эҳтиёж жуда катта муаммо бўлиб юзага чиқди. Ҳозирги кунда инсон маънавиятига жамиятнинг катта қуввати, руҳий хазинаси сифатида қаралмоқда.

Эҳтиёж ижтимоий муносабатлар бирлиги эканлигини кўрсатувчи дастлабки ва асосий омилдир. Улар инсонни табиат ва атроф муҳит билан чамбарчас боғлаб туради ва у узлуксиздир. Эҳтиёж яна бошқа турли-туман эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Ана шу тариқа у инсоннинг жисмоний ва маънавий қудратини ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Оддий ва содда эҳтиёжларни қондириш туфайли инсон нозик ва мураккаб маънавий эҳтиёжлар томон юксалиб боради.

КПСС XXVII съезди совет кишилари, айниқса, ёшларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига жуда катта аҳамият берди. Маънавий эҳтиёж муаммоси психология, этика, эстетика, социология, педагогика ва фалсафа фанларининг диққат марказига кўчди. Илмий-техника инқилоби даври инсон эҳтиёжларини ёппасига ўрганишни тақозо этаяпти. Турғунлик даврида инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари унутилдики, бу ижтимоий адолатсизлик ва турли кўнгилсизликларга олиб келди. Масалан, эстетика, бадиий ва аҳлоқий эҳтиёжлар бирлиги масаласини олиб қарайлик. Ёшларимиз тарбияси борасида мана шу уч хил эҳтиёжни қондириш ва такомиллаштириш устида жиддий ишлар қилинмаётгани сезилиб қолаётир. Тошкент геология-қидирув техникумида битта телевизордаги программаларни қайси тилда томоша қилиш хусусида кўтарилган жанжал 300 талабанинг муштлашувига олиб келган. Балки ҳар бир дам олиш хонасида телевизор турганида, ёшларнинг эстетик, бадиий ва аҳлоқий тарбияси уларнинг моддий-маиший талаблари билан қўшилиб олиб борилганида, бундай кўнгилсиз воқеа содир бўлмас эди.

Агар фақат моддий эҳтиёжларни (кийим-кечак, емоқ-ичмоқ, турар жой ва ҳоказоларни) ўйлаб, буларни яратиш ва уларга пок йўл билан эришиш асосида ижтимоий фойдали меҳнат ётгани унутилса, кишининг ҳаётда нотўғри йўлга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Агар инсон эстетик ва бадиий эҳтиёжларни енгил-елпи ўйин-кулгу ёки ҳавойи майллардан иборат деб тушунса ёки шунга интилиб яшаса, бундай ҳаёт ҳам маънан, ҳам мазмунан қашшоқлашади. Баркамоллик омили моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг ахлоқий кўникмаларга мос келиши ва меҳнат натижалари билан ҳамоҳанглигидир. Тўғри, маънавий эҳтиёж ҳар доим моддий талаб ёки имкониятларга мос келавермаслиги мумкин. Кўнгил нималарни тусамайди дейсиз! Аммо кўнгил майлини оқилона жиловлаш маънавий эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади. Маънавий эҳтиёжларни қондиришда инсоннинг онги, иродаси, ҳиссиёт ва дунёқараши, маълум синф ва халқнинг ижтимоий тажрибаси иштирок этади. Бунинг учун у аввало жамиятда эркин яшаши керак. Маълумки, маънавий эҳтиёжларни тўғри йўлга солишда бўш вақт катта ижтимоий аҳамиятга эга. Мабодо одам ўзининг бўш вақтини тўғри ташкил этишга ожиз бўлса, масалан, «киномания», ўқимай китоб йиғиш — «китоб жинниси»га айланиб қолса, «телекасаллик»ка берилиб ўзини овутса ёки «видео оғу» исканжасига тушиб қолса, киши ўз маънавиятини парчинлаб ташлайди.


Бўш вақтни тўғри ташкил қилиш, ҳозирги кунда ёшлар орасида жуда катта ижтимоий муаммо бўлиб турибди. Талабалар ва ишчи ёшлар ўз ҳолларича яшайдилар. Уларнинг иш ва ўқишдан кейинги бўш вақтлари корхона, ўқув юртлари раҳбарлари ҳамда комсомол ташкилотлари томонидан яхши уюштирилмаётир. Бўш вақтини «ўлдириш» учун, гўё маънавий эҳтиёжни қондириш учун айрим ёшлар соатлаб магнитофон қули бўлиб ўтирадилар, тамаки чекиш ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш билан овунадилар. Безорилик, аҳлоқсизлик кўчаларига кириб кетадилар.

Талабалар ётоқхоналаридаги, ўқув ва иш жойларидаги тозалик ҳолатининг ўта ёмонлиги, эстетик тарбиянинг умуман йўқлиги маънавият кушандасидир. Биз ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда уларни меҳнатга жалб қилишни оқилона ташкил этишга эришишимиз зарур. Афсуски, ҳозиргача на Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетида, на ўқув юртларида, на ишчи-ёшлар жалб этилган корхоналарда маънавий-тарбиявий йўл-йўриқлар тартиботи ишлаб чиқилган. Ахир ёш йигит-қиз кийиб юрган кийими, қўлидаги магнитофон, еб юрган овқати ва чўнтагидаги пулининг қаердан, қандай қилиб ва қайси меҳнат эвазига келганини юракдан ҳис қилмаса, вояга етганида ҳам яшаш мазмунини тараллабедодликдан иборат деб тушунмаслигига ким кафил бўла олади?

Маънавий эҳтиёжлар хусусида гап кетганда, ҳозирги ёшлар руҳиятидаги бадиий қадриятларга бўлган муносабатни четлаб ўтиб бўлмайди. Бадиий эҳтиёжлар деганда кўпинча кишиларнинг ўз даври бадиий тараққиётига муносабати, адабиёт ва санъат асарларини идрок этиш хусусиятлари ва бадиий билиш натижаларини кўзда тутамиз. Санъат функциялари орасида унинг таълимий, тарбиявий ва эстетик томонлари биргаликда келади. Тарбиявий аҳамияти йўқ асар эстетик завқ бахш этишдан маҳрум. Эстетик завқ олган одам бадиий тарбияланмай қолмайди. Лекин бадиий эҳтиёжларни қондиришда ҳозирги айрим ёшлар бир томонлама иш кўраётгандай туюлади. Фақат чет эл эстрадаси ёки енгил музикага ҳавасманд бўлиш, кийим танлашда хорижий латта-путталар кетидан қувиш, бадиий мутолаага вақт ажратмаслик, телевидение сингари XX асрнинг энг ноёб санъат турига фақат ахборот тарқатувчи восита деб қараш, чинакам эстетик бадиий қадриятлар ўрнига сийқа ва олди-қочди намуналарга қизиқиш кишининг бадиий дидини инқирозга олиб келади.

Бадиий китоб ўқишга бўлган эҳтиёжнинг камайиб кетгани шу куннинг жуда катта ижтимоий-психологик муаммосидир. Тўғри, ҳар кимнинг диди ҳар хил. Лекин биз умумий бадиий эҳтиёж, умумий маданий савия хусусида фикр юритмоқдамиз. Шунинг учун маънавий эҳтиёжларни юксалтириш моддий бойликларни кўпайтиришдан кўра мураккаб ва зарур эканлигини таъкидламоқчимиз. Биз маънавий эҳтиёжларни баравар-лаштириш ёки тенглаштириш хусусида гапираётганимиз йўқ. Гап ҳаёт каби ранг-баранг маънавий эҳтиёжларнинг камалак янглиғ товланувчи бегубор тараққиёти устида бораяпти. Социалистик турмушимиз ва қайта қуриш давридаги улкан вазифаларимиз одамлар қалбидаги ёруғ ниятлар, онгидаги порлоқ тасаввурлар соф ва юксак маънавий эҳтиёжлар натижаси бўлсин демоқчимиз.

Гули МАҲМУДОВА



Кеккайиш фақат катталарга хос эмас.


Н. Шарипов фотоэтюди

ТАВАЛЛО

Бегали ҚОСИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Унинг номи бугунги ўқувчига унчалик яхши таниш эмас, 20-йиллардаги авлод уни яхши билган. Машъум 30-йилларда бу ном Беҳбудий ва Фитрат билан бир қаторда унутилган эди. Тўғрироғи, китобхонлар қалбидан кўплаб шу хил номлар қаторида ситиб чиқарилди. Замона зайли билан 60-йилларда яна тилга тушди. Ҳатто уч-тўртта шеъри матбуотда ҳам чиқди. Бироқ кўп ўтмай, тўхтаб қолди. Ва бу қайта қуриш шабадалари эсгунга қадар давом этди.

Тўлаган Хўжамёров — Тавалло 1882 йилда Тошкентнинг Кўкча даҳасида зиёли оиласида туғилди. Эски мактабда саводини чиқаргач, «Беклар беги» мадрасасида ўқиди. Эски Жўвада — ҳозирги Калинин майдонининг кунботарида жойлашган ва ур-йиқит йиллари тўс-тўполонда бузиб юборилган бу мадрасанинг ўз даврида эътибори баланд эди. Икки қаватли ҳужралари шимол ва жанубга қараб тизилиб кетган, олд томондаги тик зинапоялар текис, катта саҳндан тўппа-тўғри гавжум бозорга олиб тушувчи бу маскан ўтган 90-йилларда Тошкентдаги қизғин адабий даргоҳлардан эди. Унинг ҳужраларидан бирида Муқимий ва Фурқатнинг яқин дўсти, даврнинг машҳур шоирларидан Каримбек Шарифбек ўғли Камий (1865—1922) фақирона ҳаёт кечирарди. Яна бирида Шайх Саъдийнинг «Гулистон»-ини шу йиллари ўзбекчага ўгирган Муродхўжа домла истиқомат қиларди. Доврукли шоирлардан Юсуф Сарёмий (1840—1912) Тошкентга ҳар келганида бу ерга албатта тушар эди. «Калила ва Димна»нинг таржимони, ўзбек, форс, араб тилларида бирдай ижод қилувчи қўштутлик закий ва нозиктаъб Қори Фазлуллоҳ Алмаий кунда-шунда эди. Бу ерга қўшни «Кўкалдош» талабаларидан Мулла Қўшоқ Мискин (1880—1937), Саид Ҳайбатуллохўжа Хислат (1880—1945), Сирожиддин Сидқий-Хондайлиқий (1884—1934) тез-тез чиқиб туришарди. Мушоира-мусоҳабаларни кўпинча мадрасанинг бош мударриси улуғ ёшли «ҳазрати домла» Шомаҳмуд (1903 йилда вафот этган) бошқарарди. Бедилхонликда эса муаммони Тошкентда тан олинган етти бедилхоннинг бири, «Бароқхон» мадрасаси мударриси Алоуддин Фунуний (1861—1932) ажрим қилиб берарди.



Расмни Т. Саъдулла чизган

«Беклар беги»даги бу муҳит ёш Тўлаганнинг қаламкаш сифатида шаклланишига катта таъсир кўрсатди. 1913 йилда Тавалло шоир Юсуф Сарёмийнинг «Девон»ини нашрга тайёрлар экан, шундай ёзади:

Эдим бу соҳиби девона шоирд,
Этардим хизматини аз дилу жон.
Отамнинг номи Хўжамёр эрди,
Маним отим эди Мирзо Тўлагон.
«Тавалло» деб таҳаллус лутф бирлан
Жаноби устозим манго қўйгон.

Уфадаги «Олия»да ўқиб келганлиги ва янгипараст бўлганлиги учун «Мўмин кофир» лақабини орттирган, «Беклар беги»да Тавалло билан деярли бир вақтда — 1898—1905 йилларда таҳсил кўрган Мўминжон Муҳаммаджонов (1883—1964) Юсуф Сарёмийнинг Тошкентга келганида доимо қаландархоналик шеър муҳиби Қосимхонтўранинг уйига қўнганини маълум қилади. Бу уйда самарқандлик Саидаҳмад Васлий (1870—1925), хўжандлик Тошхўжа Асирий (1864—1916), тошкентлик Каримбек Камий, Мираҳмадхон Мирий (1833—1916), Мулла Қосим Омилий (1868—1944) ва ёш ҳаваскор шоирлардан Хислат билан Тавалло тез-тез шеър суҳбатига йиғилиб турар эдилар. Қосимхонтўранинг ўзи ҳам Мунтариб (1858—1944) тахаллуси билан ғазал машқ қилар эди. Гоҳо Юсуф Сарёмий Сайрамдан миниб келган отини шу ҳовлида қолдириб, Самарқанд, Бухоро, Фарғона шаҳарларига — дўстларинкига йўл олар экан.

1905 йил воқеалари Туркистонга ҳам етиб келди. Маҳаллий матбуот изга тушди. Бешёғочлик Нозимахонимнинг «Қонли якшанба» воқеалари таъсирида ёзилган, эзилган халқ ҳуқуқини ҳимоя қилувчи шеъри босилиб чиқди.

10-йилларда Марказий Россияда юз берган очарчилик ўзбек қаламкашларининг асарларида акс-садо берди.

Каримбек Камий:

Оч қолдилар Уфаю ғариб Оренбург,
На парча нон аларда ва на бор қатра дуғ.
Аҳли аёл бирла чўжуқлар еб сағир,
Тарки ҳаёт қилди десам, сўз дегил, дариғ.
Боён, вақт этсангиз, имдод вақтидур,
Вайрона дилни айлангиз, обод вақтидур, —

деб ёзди. Улкан Россия бағридаги эзилган миллатлар ва миллатлар ичидаги синфлар ўртасида қандайдир ҳамият, ҳамдардлик ва ҳамкорлик пайдо бўла бошлади.

1913 йилнинг охирларида Абдулла Авлонийнинг ташаббус ва ғайрати билан тошкентлик тараққийпарвар ёшларни ўз атрофига уюштирган «Турон» театр труппаси ташкил топди. 1914 йилнинг 27 февралида «Колизей» (ҳозирги Свердлов концерт зали)да труппанинг биринчи спектакли — Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари илк марта намойиш қилинди. Бу кунни маҳаллий газеталар «тарихий кун» деб ёзди.

Томоша олдидан Мунаввар Қори нутқ сўзлади. Халқ унинг сўзларини олқиш ва қарсак билан кутиб олди. Залда «сартия» — ўзбеклардан ташқари «рус, арман, татар» миллатларидан ҳам бор эди. 1916 йилда Тошкентга келган шарқшунос А. Н. Самойлович «Колизей»га тушиб, маҳаллий спек-

такларни кўрар экан, «Туркистонда янги адабиёт майдонга келди. Бу мен учун кутилган ҳол эди», деб ёзди. Ўзбек театрининг майдонга келиши чиндан ҳам Туркистондаги тараққийчиликнинг энг муҳим белгиларидан эди. Театр учун кураш тараққиёт учун курашнинг рамзига айланиб кетди.

Тавалло театрга бағишлаб тўртта шеър ёзди. Уларнинг иккитаси бевосита 1914 йил 27 февраль таассуротлари, қувончлари асосида майдонга келган эди.

Кўрунди кўзга букун миллат(н)инг ҳаёт асари,
Театр ўйнади ёшлар — тараққийнинг хабари.
Келинг, кўринг, югуринг, сиз эмди ёшу қари,
Верар натижалар, аммо йўқ бунинг тамом зарари.

Кўрингки, миллата эмди бу бир ҳаёт асари,
Театр ўйнади ёшлар — тараққийнинг хабари, —

деган сатрлар билан бошланар эди уларнинг бири.

1914 йил 30 августда бир гуруҳ тошкентлик тараққийчи ёшлар «Нашриёт» ширкатини туздилар. Улар орасида Тавалло ҳам бор эди. Санаи таъсиси ўша йил 19 сентябрь деб белгиланган бу ширкатнинг нотариус Дм. Егоров томонидан тасдиқланган нусхаси сақланган. Унда қуйидагиларни ўқиймиз:

«Минг тўққиз юз ўн тўртинчи йилда 30 августда Тошканд шаҳрида биз, тубанда қўл қўювчилар — Тошканд мусулмонларидан: Охунжон Абдулраҳим ўғли, Абдулҳаким Саримсоқов, Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Мулло Абдулла Авлонов, Тожихўжа Азизхўжа ўғли, Муҳаммадхон Подшохўжа ўғли, Ҳусанхўжа Дадахўжа ўғли (ёзувчи Саид Аҳмаднинг отаси — Б. Қ.), Убайдуллахўжа Умархўжа ўғли, Тўлаган Хўжамёров, Саидабдулло Саидкарим ўғли Саидазимбоев (машҳур бойлардан — Б. Қ.), Илҳомжон Инъомжон ўғли ҳам Комилбек Норбековлар тубандаги моддалардан иборат ширкат аҳдномасига содиқ бўлмоқ учун иттифоқ ясадук».

«Аҳднома»нинг биринчи пункти қуйидагича эди:

1) Биз, юқорида ёзилган кишилар Туркистон мусулмонлари орасига жарида[1], мажла[2] ва китоб каби матбуот нашр қилиб, Оврупо маданиятига халқимизни бошламоқ ва аҳолини оқартмак нияти ила «Нашриёт» ном бир ширкат ясадук. Мазкур ширкатга тамом шериклик ҳуқуқи ила биз, тубандаги кишилар бош муассислар бўлиб саналамиз...»

Жадидчилик деган гап узоқ йиллар миллатчиликдек қабул қилиниб келди. Пантуркизм, панисломизм ҳамиша унинг икки қаноти сифатида талқин этилди. Ҳолбуки, юқоридаги фактлар бунинг аксини кўрсатиб турибди. Улар ўз халқини «Оврупо маданиятига бошлаган» эдилар, «ўзбеку тотор»нинг «рус», «арман» билан ёнма-ён ўтириб театр кўришидан мамнуният изҳор этдилар.

1914—1917 йиллар матбуотида Таваллонинг шеър ва мақолалари кўп учрайди. Умуман, бу йиллар шоир ижодида муҳим йиллар бўлди. 1914 йилда унинг «миллий шеърлар»ининг биринчи жузъи босилиб чиқди. Шоир уни «Равнақул ислом» деб атаган эди. Аслида унда ислом эмас, Туркистон мусулмонлари — тубжой халқ равнақи кўзда тутилган бўлса-да, бу ном узоқ муддат тадқиқотчиларни ҳуркитиб келди.

Китобнинг бошқа жузлари ҳақида маълумот йўқ. Уларнинг босилган-босилмагани, ҳатто тайёрланган-тайёрланмагани ҳақида бир нарса дейиш қийин. Мазкур биринчи жуз 64 саҳифа, 70 тача шеърни ўз ичига олган. Дастлабки шеърни ҳисобга олмаганда, тўпламда бирорта диний шеър йўқ. Ўша шеърнинг ўзи ҳам пировард-оқибатда замонавий масалалар билан боғланади.

«Равнақул ислом» мудроқ, гунгу лол, «икки елкасига тепсалар ҳам индамас» Туркистонни уйғотиш дарди билан ўртанган шоирнинг изтироб тўла кечинмалари билан йўғрилган.

Ватан мавзуи, хотин-қизлар озодлиги, маънавий-ахлоқий камолот XX аср боши ўзбек шеъриятининг энг долзарб масалаларидан бўлган эди. Тавалло бу мавзуларда ҳам бир қатор эсда қоларли шеърлар ёзди. Масалан, «Қариндош ва ҳамшираларимиз — мазлума қизлар тилидан» шеърида қизлар оталарига хитобан уларни «ҳалокатдан», «маломатдан» қутқаришни — ўқитишни, эрк ва ҳурлик беришни илтижо қиладилар. Бугина эмас. Келажак оила, тенг ва саодатли, муҳаббатли ва садоқатли турмуш масаласини ҳам кўзгайдилар:

Ўқутғон сўнгра вергонда кўёв тенгдошимиз ўлсун,
Иков ҳам илмлик, ёшликда — бирдек ёшимиз ўлсун.
Жаҳонда шод ўлуб, ҳамохират қардошимиз ўлсун,
Агар чолларга тушсак, заҳр ичгон ошимиз ўлсун,
Илоҳо, сақла бизни дунёда мундоқ фалокатдан.

Мана, «Равнақул ислом»да 1914 йилда босилган шеър!

Шоирнинг «Суюкли ватан ҳақинда» шеъри

Моваройннаҳрдур тарихда бизларга ватан,
Арзиғай бизлар санга хизматда бўлсак жону тан, —

деган сатрлар билан бошланар эди. У ватанни васф этаркан, баданга қиёслайди, «бу ватандандур бадан» деб ёзади. Бинобарин, у ҳар бир инсоннинг тан-жонига уланган вужуди. Инсон деган тушунча бор экан, у — мавжуд. Инсоният яшар экан, у муқаддас.

1915—16 йилларда «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон» саҳифаларида, журналлар, «Сабзазор» каби тўпламларда Таваллонинг жуда кўплаб шеърлари босилган. Жумладан, 1916 йилги қаҳатчилик муносабати билан ёзилган ва «ТВГ»нинг ўша йил 13 ноябрь сонида босилган «Дариғ» радифли ғазали илгарироқ Комил Яшин мақолаларидан бирида келтирилган ҳам эди. Унда қуйидаги сатрларни учратиш мумкин эди:

Камбағал бечоралар ҳолин сўрар кимса йўқ,
Тортадур қимматчиликда кунда заҳматлар, дариғ.
Бойлар олди ғалла арзон чоғда омбор тўлдуруб,
Камбағаллардан чиқар ганч, қилса ҳасратлар, дариғ,
Ўлди бу қимматчиликдан камбағаллар ҳоли танг,
Илтифот этмас ғанилар, йўқму тийнатлар, дариғ...
Ўйлангиз инсоф этиб, ёшу қарилар, эмди оз,
Езаман ҳаққонасин, йўқ манда туҳматлар, дариғ.
Кел, Тавалло, сен ҳақиқат сўзни ёз ёшурмайин,
Зое ўлмас миллата ҳар қанча хизматлар дариғ.

Октябрь инқилобидан кейин у 1918 йилдаёқ партия сафига кирди. Эски шаҳар фавқулодда комиссияси бошлиғи бўлиб ишлади. Сўнгроқ бутунлай адабий ишга ўтди. «Муштум» журналининг муассисларидан бўлди. Ўзбек совет ҳажвиётининг ажойиб намуналарини яратди. Кекса журналхонлар унинг «Мағзава» лақаби билан босилган кескин сатирик шеърларини ҳали-ҳануз эслайдилар. Ленин ва Октябрь ҳақидаги ғоявий, бадиий баркамол шеърлари сиёсий-бадиий лирикамиз ривожида, умуман ўзбек совет поэзиясининг майдонга келишида маълум роль ўйнаган эди.

Тавалло 1939 йилда вафот этди.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу шеърлар шоирнинг «Равнақул ислом» (Т., 1914) тўпламидан ва даврий матбуотдан олинди.

---

[1]. Газета
[2]. Журнал

ТАВАЛЛО

ЎЗ ВИЖДОН — ВУЖУДИМА ХИТОБ



Эй, қўлум, пул тутма ҳеч, миллатга ёрдамлашмасанг,
Бўлма хушнуд, эй дилим, миллат ғамин ғамлашмасанг,
Равшан ўлма, эй кўзум, ёшинг тўкуб намлашмасанг,
Фикрим очилма, агар шеъринг ёзиб ҳамлашмасанг,
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Лол агар ўлсун тилим, мундин бўлакни сўйласа,
Захм етсин ҳуша миллатдин дигарни ўйласа,
Ҳеч димоғ очилмасун, ким ўзга гулни бўйласа,
Тўймасун қорнум мани, бир кунда беш тўй тўйласа,
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Соч оқарса қайғу миллатда, ёронлар, шодман,
Томса тинмай ёшларим, ўрниға қонлар, шодман.
Ҳасрати миллат учун қилсам фиғонлар, шодман,
Уккидек тутсам хароботда маконлар, шодман,
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

На учун синсун аёғим деб ёзурман, дўстлар,
Чандир ўлсун нега ёғим деб ёзурман, дўстлар,
Кар нечук бўлмас қулоғим, деб ёзурман, дўстлар,
Билмасун ҳеч ис димоғим деб ёзурман, дўстлар,
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Кўрди элни кўзларим бир зарра ибратланмади,
Бошқалар қилғонин ақлим билди, ғайратланмади,
Борча элдин ортда қолиб ҳам журъатланмади,
Миллат учун қайғурурга дил ҳамиятланмади,
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Доимо юрдим бекор, миллатга хизмат қилмадим,
Едим, ичдим, ухладим, миллатни қадрин билмадим.
Ўзгинамни ўйладим, эл-юртни кўзга илмадим,
Жаҳлдин шарбат ичиб хотирда ўзга келмадим,
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Беҳуда пул сарф этиб, уч пул газетга бермадим,
Менга ким қилди насиҳатлар сўзига кирмадим,
Олмадим журнал, газет, ҳар сатридин гул термадим,
Миллатим аҳволини ёдимга ҳам келтурмадим,
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

Дейдилар, бас қил, Тавалло, шеърлар манзур эмас,
Миллати маҳв ўлса, парво қилмаюрлар, ғам емас,
Бунларинг шўрбо, палов, норин ебон чой ичса бас,
Сўнгра икки елкасига тепсалар ҳам индамас,
Чиқ ичимдан, жоним эй, сан манга ҳамдамлашмасанг.

ҚАРИНДОШ ВА ҲАМШИРАЛАРИМИЗ — МАЗЛУМА ҚИЗЛАР ТИЛИНДАН

Атолар, кўрсатинг, йўл бизга ҳам илму синоатдан,
Ўқутинг, қутқаринг бечора қизларни ҳалокатдан,
Солинг ҳар ерга мактаб, қўл йиғинг бугзу адоватдан,
Зарурдур илм ўқутмоқ бизлара ҳар қайси бобатдан,
Келингиз, фоида йўқ сизлара тўю зиёфатдан.

Олинг бизлар учун балдоқ, маржонлар керакмаздур,
Беринг коғаз, қаламлар, зеби ғардонлар керакмаздур,
Тумору чўлфи-сўлфи, дурри ғалтонлар керакмаздур,
Тўқуз-тўқуз чўяндин бизга қумғонлар керакмаздур,
Илм бизлар учун ортиқ сизи қилғон бизоатдан.

Букун безордурмиз сизни қилғон қўш фалаклардан,
Босуб чанг ётгучи дорларни устида алаклардан,
Зару кимхобу шолу атласу турлук ифаклардан,
Қасам биллоҳи кечдук баргаку олтун зираклардан,
Ўқутинг, қутқаринг дунёда бизларни маломатдан.

Илоҳи тикка-тикка ўлсун ул қўлтуқ туморимиз,
Чунон юз пора ўлсун уй ичинда зардеворимиз,
Нисор ўлсун, ато, урфон учун бу йўқу боримиз,
Бўлакдек биз ҳам эмди илм ўқумоқға хуморимиз,
Канизакмизму бизлар, қўрқунг, эй, ваҳму қиёматдан.

Дуо айланг, анолар, эмди бидъатлар қуруб кетсун,
Бизичун сизни қилғон мол сандуқда чуруб кетсун,
Атолар раҳм эдуб, мактаб солуб, бизларни ўқутсун,
Агар ўқутмаса, Лут қавмидек бизларни ер ютсун,
Ўлум бизларга ортуқ илмсиз дунёда роҳатдан.

Ўқутғон сўнгра вергонда, куёв тенгдошимиз ўлсун,
Иков ҳам илмлик, ёшликда бирдек ёшимиз ўлсун,
Жаҳонда шод ўлуб ҳамохират қардошимиз ўлсун,
Агар чолларга тушсак, заҳр ичкон ошимиз ўлсун,
Илоҳи сақла бизни дунёда мундоқ фалокатдан.

Худоё, баҳра вер бизларга ҳам илму фунунлардан,
Хабардор ўл ҳамиша биз каби бахти забунлардан,
Маориф ёди бирлан кўзадин оқғон чашми хунлардан,
Етуштур илм ўқуғон бизга ёраб, раҳнамунлардан,
Тавалло айлаюрмиз кўз тутуб тонг-ла шафоатдан.



ТОТОР ҚАРДОШЛАРИМИЗНИНГ МАШҲУР ШОИРИ МАРҲУМ АБДУЛЛА АФАНДИ ТЎҚАЕВНИНГ ШЕЪРИНА ТАЗМИН

Жумла фикрим кеча-кундуз сизга оид миллатим,
Сен саломат — мен фароғат, иллатингдур иллатим.
Марҳум Абдулло Тўқайдек ёш чоғимда кетмасам,
Ожизона шоиринг бўлмоқға вордур нийятим.
Энди йил тўлди вафотиға Тўқайни деб бу кун,
Боғладим шеърина тазмин, ёдланиб дурри ятим.
Эй кўзум нури, белимни қуввати, жону дилим,
То тирикман, мадҳ этарман миллатим, миллиятим,
Сан туфайли мақсада етсам тонг эрмас деб умид,
Айларам хизмат санга, йўқ бошқа машғулиятим.
Қалбу виждоним мани андин бўлакни истамас,
Гар хаёл айларда сансан, вой мамнуниятим.
Булбулинг гул ишқида қилса чаманда нолалар,
Бир нафас тинмас сани кўйингда мавжудийятим.
Ҳар замон дод айлаюрман шеъра, танқид айлаюб,
Авф қилғил, ёзаман, тутганда мажнуниятим.
Ҳар замон ёд этса миллат бизни Абдуллодек,
Шул манга иқболу мақсад, бахту масъулиятим.
Миллатим, миллиятим, бир яхши хизмат қилмадим,
Қил садо, бошимға кел, кетсун бошимдан ғафлатим.
Гар Тавалло шеъри Абдуллога ёқса не ажаб,
Топишурди охиратда ёш-ёш икки ятим.

ОЛАМГА БИР НАЗАР

Осмондаги тайёралар, боқғил қаёнга боралар,
Эй нафс ила оворалар, нечун кўролмайсиз ҳануз.
Симсиз бировлар сўйлашиб, миллат ғамини ўйлашиб,
Юрганда сиз тўй-тўйлашиб, ҳеч бир уёлмайсиз ҳануз.
Аскар отиб ел замбурак, борларни қилди бод(па)рак,
Сиз боғда чолиб тартарак, сопқон отолмайсиз ҳануз.
Ғирромофўн айлар садо, бир игна бирла минг наво,
Фатнус олуб, эй бедаво, тинч ухлаёлмайсиз ҳануз.
Гимнозу симнорга боруб, таҳсил улум этти ўқуб,
Сизлар ҳамон занбил тўқуб, адрес ёзолмайсиз ҳануз.
Мактабни қадрин билмайин, инсон каби иш қилмайин,
Ҳозирда ўзга келмайин, ҳеч ибрат олмайсиз ҳануз,
Руслардин ибрат олмайин, ёшларни йўлга солмайин,
Тўй-маъракадин қолмайин, ҳеч бир туролмайсиз ҳануз.
Чиқди бировлар осмон, мошинаси — айруплон,
Сизлар трамвайдин ҳамон, нечун тушолмайсиз ҳануз?
Эй Тошканд аҳли, бугун, сизлар ўқунг илми фунун,
Илмсиз киши бўлғай забун, ёким билолмайсиз ҳануз?!
Ғафлатда кўр чойхоналар, боқур кўринг бедоналар,
Билмам қачон уйғоналар, сиз уйғотолмайсиз ҳануз.
Кўр, Еврупо аҳли, недан, тинмай ўқурлар илму фан,
Кўкрак очиқ сизлар чапан, инсон бўлолмайсиз ҳануз.
Ёзди Тавалло ҳасратин, билдурди сизга ниятин,
Суйган аё ўз миллатин, деманг ёзолмайсиз ҳануз.

ҚАЛАМГА ХИТОБ

Эй, қалам, сирримни сен эттинг жаҳонга фошлар,
Бу сабабдан бир нечалар бўлдилар кундошлар.
Тўғри ёзғил ҳасрату, андуҳу меҳнат эй қалам,
Аҳли виждон ўқиса оқсин кўзидин ёшлар.
Бизни элга тўғри сўз ёқмас такаллуф бўлмаса,
Қил ҳамиша онлари ҳаққинда сан махтошлар.
Илму фансиз нечалар айлаб ўзини «образон»,
Ман тараққий айладим деб урса лоф хархошлар.
Соч қўюб, фальто кийиб, бир русча мактаб кўрмайин,
Айласа санга насиҳат айлағил бардошлар.
Кўр, тараққийға қадам қўйсанг кўролмас, эй қалам,
Қобилият маҳв этар бир неча монеъ ёшлар.
Аввало симнору гимноз борсун, ўргансун илм,
Бас, келиб андин кейин берсун санго кенгошлар.
Сан қалам, қўйғил қадам, турма аёғинг кўтаруб,
Чолмасун бир хил сани бетарбият бебошлар.
Нега кор этмас мани ёзғонларим деб ранжима,
Фойдаму олғой агар ёқғонда ёмғур тошлар.
Қилмайин инсоф ўзи йўл олмайин ётса ҳамон,
Ё малакларму тушуб онларни йўлга бошлар.
Миллатинг қайғуси хўбдур ема бошқа қайғуни,
Эй қалам, айлар адам, борма худойи ошлар.
Кел, Тавалло, бўл мусаввир, ол қаламни қўлға сан,
Чек фронтлар суратин кўрсун ҳама наққошлар.

ҲАҚҚОНА БИР СЎЗ

Фош ўлди олам ичра бул, эй дўстлар, аҳволимиз,
Ҳайратда қолди кўрган эл, бизни қилан афъолимиз.
Ғурбатда ранги сарғайиб, беҳуда умрин ўтказиб,
Ешлар такаллуф ахтариб, нафсониятда чолимиз.
Қилғон иши доим зиён, ҳеч бир кушода кўрмагон,
Кетти недан, билмам, қаён аввалдаги иқболимиз.
Ғафлаткашида биз каби, ғам бирла кулфат ҳамдами,
Шод ўлмадик биз бир даме, ҳасратда қадди долимиз.
Мактабни қадрин билмаюр, бир эзгу ишни қилмаюр,
Ҳаргиз кўчадин келмаюр, нодон бизи атфолимиз.
Босмай тараққига қадам, ўткузсамиз бизлар бу дам,
Ғафлат бизи айлар адам, бўлмаски қилу қолимиз.
Кўргил замона ёшларин, не ерга урди бошларин,
Олди ўзин қардошларин, бизни тўқулсун ёлимиз.
Тушсак кураш, тиксоқ ямоқ, буми ҳунар чопсоқ улоқ,
Исриқ супурги бойламоқ, йўқтур бўлак аъмолимиз.
Йўқ бизда бир фикр ўйласак, арзир букун қон йиғласак,
Тил йўққи, бир сўз сўйласак, дунёда гунгу лолимиз.
Ёзса Тавалло, турмади, мактаб сариға юрмади,
Сўзлар қулоқға кирмади қирқ йилги ёткон шолмиз.

Тошкент





МУЗЛИК ҚУШЛАРИ

Сукунат ҳукмрон бўлган доимий музликлар ўлкаси ўзининг олам-олам сир-асрорларини очмоқда. Ҳар бир топилма илмий оламда катта воқеага айланмоқда. Асримиз бошларида швед археологлари Антарктидада қачонлардир ўсимликлар ўсганлигини, ҳайвонот олами бой бўлганини аниқлаган эдилар. Яқинда олимлар экспедицияси музликлар қаъридан қадимги фикус (ҳамиша кўмкўк турадиган ялпоқ баргли тропик ўсимлик)нинг, дафна ва игнабаргли дарахтининг тошга айланган қолдиқларини топишга муваффақ бўлдилар.

Ниҳоят, катта шов-шувга сабаб бўлган воқеа улкан қуш қолдиқларининг топилишидир. Топилманинг ҳажмини хаёлингизга ҳам сиғдиролмайсиз: ҳозирги энг катта қушларимиз қадимги авлодлари билан солиштирилганда, уларнинг олдида қарғадай бўлиб қолди. АҚШ ва Янги Зеландия олимларининг биргаликдаги экспедицияси эса жанубий қутбда қушлар тумшуқларининг тош қотган қолдиқларини топди. Бу ҳақда «Антарктик джорнэл» журнали қуйидагича изоҳ берди: топилманинг ёши 46 миллион йилдир. Қуш ниҳоятда оғир ва бесўнақай, унинг қандай учганлигини тасаввур ҳам қилиш қийин. Лекин унча катта бўлмаган қанотлари, патли думи ва ниҳоят, бақувват оёқ панжалари унга туя-қушдан, ҳатто отдан ҳам тез югуриш имконини берган деб ҳисоблашмоқда. Олимлар уни бекорга «даҳшатли қуш» ёки «патли қароқчи» деб аташмаяпти. Улар ўз даврида қушларнинг энг каттаси бўлган. Боши отнинг бошидан ҳам катта бўлиб, баландлиги 3,60 метрдир. У ўзининг бақайбат тумшуғи билан осонликча кичик қушларни бурдалаб ташлай олган.

Бу ноёб топилмани кўздан кечирган олимлар, Антарктиданинг табиати қачонлардир илиқ бўлганини тасдиқлашмоқда. Ўша даврдаги ҳайвонлар, патли баҳайбат қушлар ҳам қотиб қолишган. Ҳароратнинг ҳаддан ташқари тушиб кетиши ўсимликлар ва ҳайвонот оламини йўқ қилиб юборган. Натижада улар миллион йиллар мобайнида муз тобутлардан жой олишган.

Т. БУЛАНОВА



Менгзиё САФАРОВ

ЛОЛАЛИ ДАРЁ

ҲИКОЯ

Эрталабки совуқ юмшаб, асов оқим узра тўлғанаётган оқиш тутундек дарё ҳовури ҳавога сингиб борар, олис соҳилларни элас-элас пардага чулғаётган рутубатли ғубор чор-атроф сарҳадларни кўздан бекитар эди. Тонг саҳарлаб дала-даштга учиб кетган қарға, зоғча, зағизғонлар ўз манзилларига қайтишмоқда. Оломон тўпланган соҳил ҳаво ва заминнинг ғалати, сирли талвасасидан бўғриқмоқда.

— Ҳавонинг авзойи бузилди, сезаяпсизми? — деди озғин зиёлинамо киши кўм-кўк плашининг ёқасини кўтариб олган шеригининг ҳорғин юзига боқиб.

— Ҳа-я. Бундай кунда иссиқкина хонада ўтириб, ошхўрлик қилишдан кўра завқлироқ ермак бўлмас-ов.

— Ҳали ҳам кеч эмас, — жонланди ҳамроҳи чўнтагидан дастрўмол олиб, қизарган узунчоқ бурнини қоқаркан. — Уйлаб кўрсам, келганингиздан буён дурустроқ меҳмон ҳам қилолмапмиз.

— Мен-ку жон-жон деб рози бўлардим, аммо сезиб турибман, Дазирага бугун ўтмасак, кейин иложи бўлмайди. Озиб-ёзиб бир келибман-у, дўстимни кўрмай кетсам инсофдан бўлмас. Келишимдан хабари ҳам бор. Ишонмасангиз, мана, ўқиб кўринг, — чўнтагидан букланган сарғиш телеграммани олиб зиёлинамо кишига узатди.

— «Келишингни эшитдим. Кўриб кет мени. Соғинганман. Хабар берсанг, бас, кутиб оламан. Наврўз», — овоз чиқариб ўқиди шериги.

— Биласиз, кейин бир умр ўпка-гина қилиб юради... Нима дединг из? Йўлга чиқдик — қайтиш йўқ. Ахир бу сафарни мен неча йил орзиқиб кутдим...

Район газетасининг муҳаррири Турғун Назарни ҳам, марказдан келган машҳур адиб Чори Чағонни ҳам орқаворотдан танийдиган одамлар ўзларини таниб-танимаганга солишиб, уларнинг ўзаро суҳбатига зимдан қулоқ тутишиб атрофларида айланиб юришарди. Буни сезган муҳаррирнинг завқи ошиб, кичкина бошини мағрур тутишга уринарди, гоҳ-гоҳ оломондан четда, соҳилдан ўпирилиб тушган ғўла устида ўтирган одмигина телпакли кишига қарабқараб қўярди.

— Ана у кимсани танидим, — деди шивирлаб Турғун Назар. — Туҳматчиликда айбланиб, қамалиб кетган эди. Газетада танқид ҳам қилганмиз. Шу оқланиб чиқанмиш.

— Бундайлар ҳозир кўп, — деди бепарво Чори Чағон. — Мансабдорми?

— Оддий ўқитувчи. Сенга ким қўйипти, дейман, катталар билан чап бўлишни. Оёғингга қараб, кўрпа бичмайсанми... Сездингизми, янги мақол. Бирон жойга илдириб қўйинг.

— Ростгўй одам ҳамиша дакки ейди.

— Ҳасадгўй-чи?

— Буниси виждонига ҳавола... Ана уларни ҳам танирсиз? — адиб мийиғида кулиб, қия соҳилдан қўл ушлашиб юқорига кўтарилаётган йигит ва қизни кўрсатди.

— Иўқ, — норози оҳангда жавоб берди муҳаррир.

— Мен эса танийман. Севишганлар. Балки қонуний келинкуёвдир.

— Жуда ёш-ку улар.

— Биламан, ишонмайсиз. Қараб туринг, ҳозир гул билан қайтишади. Айтди дерсиз.

* * *

Қоп-қора тутун буруқситиб келаётган теплоходнинг яқинлашганини кўплар сезмай қолди. Оломон орасида ғала-ғовур, тартибсиз ҳаракат бошланди. Елкаларига халта, сумка осган, қўлларида чамадон, дипломант кўтарганлар элдан бурун ғимирлаб қолишди. Пахталик шим ва енгсиз, авраси жун нимча кийган қотмагина йигит палубада занжирли чангакни соҳилдаги йўғон темир қозиққа залвар билан отишни мўлжаллаб келарди.

— Қочинглар, чангак тегиб кетади! — деб бақирди кемачи йигит. У қулочкашлаб отган чангак панжалари темир қозиқдан анча юқорига, соҳилга санчилди. Узи ҳосил қилган тўлқинда лапанглаб турган кема ҳамон оқим ҳукмида бўлганидан занжирли чангак таранг тортилди ва нам тупроқни тирнаб, пастга қараб силжиди. Шу пайт оломон орасидан чопиб чиққан собиқ маҳбус чангакка чанг солди ва уни ердан суғуриб олиб, қозиққа илдирди.

— Бор экансиз-ку, — деди нашъа қилиб кемачи йигит. — Хизмат ҳам бўлса, ака, энди бунисини ҳам ушлайсиз. — У палуба устида занжирларини шилдиратиб судраб келган, бир учи кема қуйруғига боғланган иккинчи чангакни узатди. — Ўртоқлар! — оломонга мурожаат қилди кемачи йигит. — Шошмангизлар, ҳозир сизлар билан капитан гаплашмоқчи.

Кемачи йигит занжир занги юқини ислиқи ялтироқ пахталик шимига артди-да, бошқарув бўлинмага, дарға ёнига кириб кетди. Ташвишманд оломон жимиб, дарғанинг палубада пайдо бўлишини кута бошлади. Капитан қораси ҳадеганда кўринавермагач, ғала-ғовур авж олди.

— Шунча кутганимиз каммиди? — деди кимдир норози овозда.

— Тартиб бўлмади бўлмадида.

— Ўзбошимчаликларга қачон чек қўйиларкан?

— Тепса тебранмас экан-да.

— Бас қилинглар, келаяпти!

Палубага ётқизилган тунука қоплама устида гурс-гурс қадам ташлаб келган яғриндор, мўйловига оқ оралаган барваста дарға оломонга бепарво назар ташладида, секин йўталиб гап бошлади:

— Кечирасизлар, тутилиб қолдим. Рация орқали гаплашаётган эдим. Гап бундай: кеча тоғларда кучли ёмғир ёғибди. Дарёдан сел келаяпти.

— Сел! — оломон орасида саросимали шовқин тўлқини кўтарилди.

— Ҳа. Ҳали у биздан узоқда. Аммо манзилга етгунча у бизга етиб олиши ҳам мумкин. Рациядан айтишларича, катта сел.

— Буёғи нима бўлди?..

— Шунинг учун огоҳлантираяпман. Кейин мендан нолиб юрманглар. Кемага чиқиш ихтиёрий. Кимнинг юраги бетласа, марҳамат.

Турғун Назар адибнинг енгидан тортди:

— Нима қилдик? — жовдираб қаради у ранги қув ўчган ҳолда.

— Такрор айтаман, — дерди овозини баралла қўйиб капитан,— селда қолиш ҳеч гапмас. Кейин доди-фарёднинг фойдаси бўлмайди.

— Сиз-чи. Сиз нима қиласиз?

— Ҳм, — кулди дарға ҳамон бепарво оҳангда. — Биз кетамиз. Ишимиз шунақа. Кемани бу ерда қолдириб бўлмайди. Писта пўчоғидек ўйнатиб, олиб кетади. Хавфдан холи ўз қўлтиғимизга лангар ташламасдан иложимиз йўқ.

— Биз-чи, биз нима қиламиз?

— Айтдим-ку, ихтиёрий, деб.

— Кемага тушганнинг жони бир. Биз сизга ҳамроҳ, — соҳилдан ўктам овоз янгради. Ҳамманинг боши ўша томонга ўгирилди. Тик қирғоқда йигит ва қиз ёнма-ён туришарди. Улар қўл ушлашиб, тупроқ чангитишиб, пастга тушишди. Қизнинг қўлида бир даста чучмома, лолақизғалдоқ, йигит сершох чўлковракни қўлтиқлаб олган.

— Трапни ташла! — деди дарға шеригига. — Вақт зиқ. Беш минут...

— Айтганим бўлдими, — деди Чори Чағон жилмаяркан, ёнидан коврак анқитиб ўтган йигитга маҳлиё боқиб.

— Қўйсангиз-чи, нима гап бўлаяпти-ю, сизнинг хаёлингиз қаёқда.

— Қани бошланг, — Чори Чағон ўзини четга олиб, Турғун Назарга йўл берди.

— Қадамингиз қаерга бошлаётганини англаяпсизми? Бошингизни тебратманг... Улар гўдак, нимани тушунади, ўшаларга эргашамизми?

Собиқ маҳбуснинг трап-зинадан юқорига кўтарилаётганини кузатиб турган адиб ҳамон мийиғида куларди. Одамлар турнақатор изма-из палубага чиқишмоқда эди.

— Мен уяламан, — деди Чори Чағон.

— Оломоннинг ярмидан кўпи жойидан жилгани йўқ...

— Уларнинг йўриғи ўзлари билан... Иўл беринглар-чи, — адиб кемага чиқаётганлар сафига қўшилди.

— Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. — Турғун Назар чорасизликдан зир қақшаб, одамларга мўлтираб қаради... Кема уч марта қисқа-қисқа «хўп-хўп-хўп» этиб босиқ гудок берди.

— Ҳой, мухбир ака, чангакни қозикдан бўшатиб юборинг, — деди кемачи йигит.

— Қанақа мухбирман, сенга!

— Кечирасиз, ака. Илтимос, чангакни узатинг.

— Трапга тегма, — ўшқирди муҳаррир қўллари қалтираб, чангакни бўшатаркан. У кимнингдир ёрдамга келганини, қўл узатганини кўриб, трапга чопди. Муҳаррир кемага чиқиб, соҳилда сеҳрлангандек тик турган одамларга суқланиб қараби, вужуди бўшашиб, юраги қинидан чиққудек гупиллаб ураётганини сезди-да, лоҳасланиб секин палуба тўсинига белини тираб, ўгирилиб олди.

* * *

Кема шитоб билан оқим сари сузиб кетди. Тумшуқда дизель мотор пот-потлар, қуйруқда сув пўртана ҳосил қилиб қайнар, йироқларда ўпирма соҳиллар гир айланар ва тобора кичрайиб, кўздан узоқлашар эди. Дарғанинг таҳдидли огоҳлантиришини ҳисобга олмаганда кеманинг сузиш зайли одатдагилардан фарқ қилмасди. Палубага талайгина одам чиққан, баъзилар чамадонлари қиррасига қўнимли ўтириб олишиб, сигарета тутатишар, бир неча ёш-яланг тўсинга бел бериб, магнитофондан таралаётган хорижий рок-музика тинглашарди, бўғиқ оҳангда ўзаро гурунг қилишарди. Бу хотиржамлик Турғун Назарга далда бўлди. У бошини кўтариб, кема қуйруғидан ҳар иккала тарафга ёйилиб, бир бирини қувлаётган тўлқинларга қаради, улар бир-бирининг устига сапчиганда шалоплаган овозлар эшитди. У меҳмонни кўзлари билан излаб кетди. Чори Чағон кема саҳни ўртасида оёқларини хийла ёйиб, бошқарув бўлинмаси баланд тахта тўсинига қоқилган «ЭРКИН» деган ёзувга қараб турарди. Муҳаррир у сари қадам ташлаган эди, боши айланиб, яна кўнгли беҳузур бўлди. Қандайдир бадбўй, ўткир талх ҳид томоғига тиқилиб, нафасини бўғди. Тумшуқдан эсаётган шабада қўланса коврак ҳидини тўзғитиб эсаётганини англагач, юраги баттар ўқчиб кетди. У тўсиндан ушлаганча йигит билан қизга яқинлашди:

— Ука, шу коврагингни ташла, кўнглимни айнитиб юборди.

Турғун Назарнинг гапини тушунмаган йигит кулимсираби:

— Ҳалитдан-а?

— Илтимос...

— Буни дарёга ташлаш учун даштдан терганим йўқ.

— Ҳиди қурсин.

— Биламан, ҳиди ёмон, таъми ундан беш баттар — тахир, аччиқ. Лекин даво. Шунинг учун ковракни яхши кўраман... Кечирасиз.

Гапини икки қилишга одатланмаган димоғдор муҳаррир ижирғаниб пўнғиллади, тўсиндан ушлаганича, кема қуйруғига ўтди. Чори Чағон кема саҳнидан юриб, унинг ёнига келди. Елкасига қўлини қўйди:

— Сизни соҳилда қолиб кетдиёв, деб ўйлагандим, — деди у паришон.

— Нега қоларканман? — сир бой бермади муҳаррир. — Чангакни ечиб узатдим.

— Бало экансиз. Лекин толиққансиз, ранги-рўйингиз айтиб турибди.

— Иў-ге, фақат ковракнинг ҳидига тоқатим йўқ. Ҳайронман, ана у қиз қандай чидаётган экан.

Чори Чағон кулди.

Кема саҳнида дарға ёрдамчиси пайдо бўлиб, одамлардан четда, тўсинга кўкрак тираб, дарёга тикилиб кетаётган ўқитувчи ёнига борди ва билагидан тутиб «ЭРКИН» деган ёзув четига суяб қўйилган лангарчўпни кўрсатиб, нималарнидир тушунтирди.

— Номи ғалати-я — «Эркин». Ўғлининг исмими, дейман. Арзандасини яхши кўрса керак.

Муҳаррирнинг бу ўринсиз топқирлигидан Чори Чағоннинг афти буришди, лекин чурқ этмади. Дарға ёрдамчиси улар тарафга шахдам қадам ташлаб келарди.

— Мухбир ака... — унинг гапи оғзида қолди.

— Ҳой, қанақа мухбир?! — ўшқирди муҳаррир. — Ҳа деб мухбир, мухбир дейсан.

— Кечирасиз, газетанинг каттаси-да сиз.

— Бу бошқа гап. Газетанинг каттасини муҳар-рир, дейдилар.

— Биз — авом. Ҳаммасини мухбир деймиз. Сизни капитан сўраяпти. Енига бораркансиз... Ҳа-ҳа, сизни, муҳар-рир ака.

Йигитга эргашиб алпанг-талпанг пилдираб кетаётган муҳаррирнинг ҳаракатига разм солган Чори Чағон, яхшиямки жуссаси кичик, бўлмаса талвасаси сезилиб қолиб, шарманда бўларди, деб кўнглидан ўтказди. Шу чоқ у ўзига қадалиб турган собиқ махбус — ўқитувчининг нигоҳини сезди. Бу кўзлар унга таниш ва қадрдон эди. Китобларини ўқиган, суҳбатларини тинглаган минг-минглаб мухлисларга хос суқли, эркаловчи, суйканувчан самимий бир назар юрагига жиз этиб тегди. Зум ўтмай кўзлардаги холис жилва, суқ йўқолди-ю, ўрнини ҳақир андиша ва заиф нотавонлик эгаллади. Адибнинг кўнгли алланечук ўксинди. Шу тобда ўқитувчини гапга солиш, кўнглини овлашга эҳтиёж сезди. Бироқ капитан бўлинмасидан оғзи қулоғига етгудек бўлиб чиқиб келаётган Турғун Назарга кўзи тушдию, ўйлаган қарорини қочириб қўйди.

— Тинчликми? — деди у ёнига келган муҳаррирга.

— Капитан бало экан. Сизни танипти. Бир китобингизни кўрсатди — ёғ босиб муқоваси титилиб кетибди. Суратингиз бор экан. Шуми, деб сўради. Салом денг: айтинг, биз уни, китобларини яхши кўрамиз, деди.

Орага ноқулай жимлик чўкди.

— Сизга ҳавасим келади, — ниҳоят Чори Чағон сўз қотди.

—Нимамга?

— Ҳамиша одамлар орасидасиз. Неки бўлса кўз ўнгингизда.

— Қайдам. Қани бунга вақт бўлса: чопа-чоп, елиб-югуриш, топшириқ, мажлис. Булар эса четда қолиб кетади, — муҳаррир қўли билан доира ясаб палубадаги одамларга ишора қилди.

— Булар эмас, биз — яъни сиз-у мен, десангиз тўғри чиқаркан.

— Ҳар кимнинг юмуш-ташвиши ўзига яраша, етиб-ортади. Тўғри айтдингиз, энг муҳими шу юмушлардан кераклисини — лавозим, нуфуз, касбга бевосита дахли борларини топиб олиш керак.

* * *

Қирғоқдан хийла узоқлашган кема дарё ўртасига қараб катта тезликда сузиб борар, икки ёнга таралаётган ўркачли тўлқинлар соҳиллар томон кўпикланиб чопар, қумлоқ канорага шалоплаб урилар, сапчир, қулатар ва шугина насиба билан кифояланар эди.

Орадан ярим соат ўтгач, дарё кўпириб, ваҳимали талвасага туша бошлади. Кема зўриқиб, палуба тунука қопламалари зириллай кетди. Ҳаводаги рутубатнинг сийраклашгани йўловчиларни сергаклантирди. Улар ўринларидан туришиб, атрофга олазарак назар ташлашарди.

— Йўловчилар, диққат!— деди қичқириб, бўлинмадан югуриб чиққан дарға ёрдамчиси. — Ўн-ўн беш минутлардан кейин сел етиб келади. Фақат ваҳима бўлмасин. — Кемачи йигит ҳаяжонини ҳарчанд босишга уринса-да, номаълум хавфнинг шаксиз, аммо ҳали юз бермаган зарбасидан довдираётганини яширолмади. — Ҳамма кубрикка тушсин. Палубада бирон зот қолмасин. Ўртоқлар, такрор айтаман, ваҳима бўлмасин, капитанимиз бунақа селларнинг кўпини кўрган. Мухбир ака... ҳа, эсим қурсин, кечирасиз, сизлар биринчи, бошлангизлар.

Кубрик кеманинг пастки саҳнидаги команда хонаси бўлиб, ашёлари дағал ва саноқли бўлса-да, мустаҳкам эди. Эски тахта ва қандайдир туриб қолган оғир ҳидни туйишга улгурмаган Турғун Назар йигит қўлидаги ковракни кўриши билан бурнини жийриб, бармоқлари билан қисиб олди.

— Ҳозир, акажон, — деди йигит шошиб, целлофандаги шоколадни ағдараркан. — Йўлини қиламиз, ҳидини беркитамиз... Мана, хурсандмисиз?

Бироқ коврак ҳиди хонага таралиб улгурган, йигит эса ўрнидан туриб зўр берганича бурун катакларини кенг очиб, ҳаво симирарди.

— Қўявер, — деди Турғун Назар, — бўлар иш бўлди.

Кеманинг бутун гавдаси илкис-илкис зириллади ва бир ёнбошга оғиб, ўқтин-ўқтин лапанглай кетди.

— Нима бало, оқимга қарши сузаяпмизми? — муҳаррир калта бўйнини чўзиб, қулоғини кубрик деворига тутди. — Бизни жаҳаннам оғзига кўндаланг қилмоқчи шекилли.

Пойгакда тиззаларига қўлини қўйиб ўтирган ўқитувчи ўрнидан туриб, темир зинадан юқорига, бошқарув хонасига чиқиб кетди.

— Сизга йўл бўлсин? — муҳаррир Чори Чағоннинг ўрнидан турганини кўриб, саросимага тушди.

— Кўришим керак.

— Нима деётганингизни билмаяпсизми? Шаштингиздан қайтинг!

— Қизиқ-да. — Чори Чағон кулди ва қувноқ чеҳраси синиқа бошлаган, нигоҳлари беқарор қизга қаради. — Кемага тушганинг жони бир: кўрдинг нима-ю, кўрмадинг нима. Шундайми, ука?

Хаёлсираб ўтирган йигит аввал талмовсираб қаради, кейин қуноқларигача қизариб кетди. Адиб зинанинг ярмига бориб, ортига ўгирилди. Турғун Назар хона ўртасида юра бошлаган эди.

Капитан ортдан одам шовурини сезиб, ўгирилиб қаради ва адибни кўриб ҳўмрайди. Бу пайтда кема ўнгланиб олган, дарё кучли зилзилада суви чайқалган улкан сарҳовуздек лапанглай кетди: ички, кўзга кўринмас тўлқинлар ларзага тушди, яқин-йироқларда бешик-бешик тартибсиз тўлқинлар, уюр-уюр пўртаналар қурилаб, чарх айлантира бошлади. Дарға олға қараб турар, қандайдир мурватлар, ойнаванд милли ускуналар ҳаракатига разм солар ва, қулай фурсат топиб ҳамла қилишга чоғланаётган ваҳший маҳлуқдек, ўз-ўзидан кучаниб, пайлари бўртиб, бўзариб-қизариб борарди.

Йироқда дарёнинг кенг саҳнида ғалати қора девор ҳошияси пайдо бўлди. Дизеллар бор куч билан ўкира кетди. Қора девор билан орадаги масофа яқинлашгани сайин кема тезлиги ҳам ошиб борарди. Дарёдаги оқим, бешик-бешик тўлқинлар, чарх урган пўртаналар бир зум ҳаракатдан тўхтади. Кейин тўсатдан бўларнинг ҳаммаси — тўлқин ҳам, пўртана ҳам, оқим ҳам бир жон, бир тан бўлиб худди гала йиртқичдек бирваракайига олдинга, қора девор оғушига чопа кетди. Гўё тубсиз даҳшатли ўпқон ҳосил бўлган-у, ҳаммаси сеҳрланган кўйи унинг беаёв домига зириллаб югурарди. Бу — атрофни ваҳшатга солиб, улкан дарё оқимини тилсимлаб, жиловлаб, ўз комига тортган аждаҳо куч — сел эди.

Дарға рўпарасидаги ёмғир тозалайдиган чўткалар шиғиллаб ишлаб кетди. Чори Чағон шу дақиқада кемада кетаётганини, энди эса қоп-қоронғу жаҳаннамга дуч келишини, ҳали бир замон тубсиз чоҳга қулаяжагини жисман ҳис этди-ю, юраги ўйноқлаб, оёқлари қалтираб, вужудини совуқ тер босиб, темир устунга беҳол ёпишди.

— Ўзингизни тутинг, домла, — шивирлади қулоғига унинг қўлтиғидан тутган ўқитувчи.

Чори Чағон хиралашиб тинаётган кўзларини очди: нишабликка шаҳд билан кетиб борар, олдинда эса ваҳимали, афсонавий малла тоғ кўпириб, елка-ўмровларини шиширибе, ёлларини шопириб, беаёв бостириб келарди. Кема қора девор тўшига бор куч билан кўкрак урди. Пастда, кубрикда нимадир полга гурсиллаб қулади. Одамларнинг аюҳанноси, қийчуви эшитилди. Лаҳзада атрофни зулумот қоплади. Кема тумшуғига нималардир гуп-гуп урилди.

Адиб ўзини йўқотди. Унинг кўз олди батамом тиниб, қоронғулашди. Бутун вужуди, онги ҳаётида биринчи марта унга, унинг идрокига бўйсунмади. Сип-силлиқ ялтироқ темир тутқични қўллари билан тутганча, сирғалиб, полга беҳол чўкди.

Чори Чағон ўзига келганида боши узра одамлар тўпланиб турганини кўрди. Қулоғига кимнингдир дарғазаб фиғони эшитиларди:

— Бу иблис ҳаммамизни бир гўрга тиқиб, нобуд қилмоқчи. Билатуриб шундай хавфга ташлаганини кўринг-а!

Адиб кўзини очди. Енида қиз чўккалаб ўтирар ва унинг пешонасига қўйилган ҳўл дастрўмолни узунчоқ, нозик панжалари билан босиб турарди. Турғун Назар эса сассиқ ковракни кап-кап чайнарди ва дағдаға қиларди:

— Биласанми, ким кетаяпти кемангда, а? Бошинг билан жавоб берасан.

— Ҳе, мухбир ака, чўксак бирга чўкамиз. У ёқда ҳаммага бир кўз билан қарашади: айбсиз, айбдор, номсиз, номдор деган гап бўлмайди.

— Ақл ўргатма! Сендан сўраётганим йўқ... Ана, капитанингга қара, яна ҳўмраяди-я.

— Нима, сизлардан бошқа одам йўқми кемада, — дарғанинг овози дўриллади. — Бунча ваҳима!

Чори Чағон дарғанинг бир лаҳза ўгирилган юзида ҳалокатли хавф-хатардан эмас, ошкора қўрқоқликдан, ожизликдан жирканиш ифодасини кўрди. Шу чоқ унинг аъзойи-бадани аччиқ аламдан қизиб кетди. Ана шу вайсақи муҳаррирчалик ҳам бўлмаганини — руҳан, жисмонан заифлигини одамлар олдида кўр-кўрона намойиш этганини ҳис этди-ю баттар терга ботди.

— Қаердан олдингиз ковракни, ё пирим-ей! Бу ёққа беринг. Унингсиз ҳам гапларингиз сассиқ, — деди йигит муҳаррир қўлидан целлофан халтачани юлқиб оларкан.

— Ҳе, қизғанчиқ, — Турғун Назар афтини буриштирди.

Дарға ёрдамчиси шкафдан термос олиб, пиёлага чой қуйди-да, Чори Чағонга узатди:

— Ичинг, амаки, ҳеч қиси йўқ, ўтиб кетади, — деди ва ўрнидан тураркан баланд овоз билан қичқирди. — Энди ҳамма бўлинмани бўшатсин. Истаганлар палубага чиқиши мумкин. Халақит берманглар бизга.

Ташқарида эса қуёш олмос нур сочар, чарақлаб кўз қамаштирар, нилий уфқлар тип-тиниқ, ложуварда қучоғини кўз-кўз қилар эди.

Дарёда бўтана қайнаб, оқим ҳансирар, ҳалокатли хавф ўтгани билан селнинг шашти ҳали сўнмаган эди. Ҳавода нам тупроқ ва чиринди, ўткир ўт-ўлан ҳиди анқийди. Кема оқимни қия кесиб, яқинлашиб қолган тўқайзор қирғоқ сари оҳиста сузиб борарди.

Еш йигит ранги оппоқ оқарган қиз олдида гирди капалак. Овунтирмоқ билан овора. Турғун Назарнинг чеҳраси тунд. Ковракнинг бадбўй талх таъмини эндигина сезгандек юзини ҳадеб бу-



А. Нажмиддинов чизган расм

риштиради, ўқтин-ўқтин кекиради. Ўқитувчи белини палуба темир тўсинига тираган кўйи телпагини тиззасига уриб қоқаяпти. Кимдир буруқситиб, сигарета тортаяпти.

Чори Чағоннинг дарға билан гурунглашгиси келди. У бошқарув бўлинмасига кириб, дарға ёрдамчисига, жойни бўшат, деб ишора қилди.

— Келинг, домла, ўтиринг. Қандай, ўтиб кетдими?

— Ўтишга-ку ўтди-я, лекин уялтириб кетди-да...

— Эътибор берманг, бундай ҳоллар бўлиб туради.

— Мана, чойдан ичинг, — деди Чори Чағон термосдан пиёлага чой қуйиб дарғага узатаркан.

— Раҳмат. Чойни кейин ичамиз. Соҳилда, — унинг кенг юзи ёришиб кулди, мўйловини мушти билан тузатди.

Шу пайт кема бёхосдан қалқиб, силкиниб кетди. Қуйруқ томонда ниманингдир кемага урилган кучли залворли дукур-дукури сезилди. Дақиқа ўтмай шарпаси чап биқинда пайдо бўлди. Кема қуйруғи сувдан ҳийла кўтарилиб тушди.

— Домла, ёрдамчини чақиринг, — деди дарға пешонасини қаширкан.

Чори Чағон ёрдамчининг бўлинмага чопиб тушганини ва шу заҳотиёқ палубада дарғанинг қораси кўринганидан жиддий ишкал чиққанини пайқади. Палубада ҳаллослаб юрган дарға тунука қопламали полга ялпайиб ўтириб олган муҳаррирга қоқиниб кетишига сал қолди.

— Бошқа жой қуридими, домла? Кубрикка тушиб ўтиринг.

— Нима қилай, коптокдек ўйнатаяпти. Кубрик ҳам очиқ лаҳат.

Дарға унинг ҳасратини эшитмади. Қуйруқнинг гоҳ чап, гоҳ сўл томонига гавда ташлаб пастга қаради. Қандайдир сирли, даҳшатли маҳлуқ кема қуйруғини қўлида ушлаб, элакдек нари-бери ўйнатарди.

— Падарига лаънат! — деди дарға ўқитувчи ёнига келгач. — Катта дарахт чангалига тушиб қолганга ўхшаймиз. Сиз ҳар эҳтимолга қарши лангарчўпни олинг... Ҳой, ука, сиз бу ёққа келинг, — қиз ёнида турган йигитни чақирди. —Бу кишига зарур бўлганда ёрдамлашиб юборасиз. Ҳозир ёрдамчим ҳам чиқади. Фақат эҳтиёт бўлинглар.

— Хотиржам бўлинг, капитан! — деди йигит шўх кулиб, қизнинг билагидан тутиб, кубрикка қузатаркан.

Мотор бир меъёрда гуп-гуплаб ишлар, сел ихтиёрида қолган кема онда-сонда гоҳ қуйруққа, гоҳ биқинга урилаётган зарбдан зирзир титрар эди. Дарға ниҳоят аниқ бир қарорга келди чоғи, моторга газ бериб, рулни оқим ўртасига бурди. Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Руль дарғага бўйсунмай қўйди. Кема чуқур оқимга киргач, пўкак сингари доира ясаб, айлана-айлана оқимга ўз ихтиёрини берди. Дарғанинг пешонасини тер қоплади.

— Неча селга дуч келганман, лекин бундай аҳволга тушмаганман, — деди у ўзи билан ўзи гаплашаётгандек вазмин оҳангда. — Қизиқ... Афтидан, кема қуйруғи дарахт танаси билан томирлар

орасига тиқилиб қолган. Ажралиб чиқолмаяпти. Бу чангалдан чиқиш керак.

Кабина қаттиқ силкинди, кема тагидан гурс-гурс зарб урилди. Кабина томида шатир-шутур овоз эшитилди. Бу улкан тут дарахтнинг барг ёзиб улгурмаган ялангоч шохлари эди. Кема тут танаси устида ғалтак сингари сирғалар, тезкор оқим эса узун ва бақувват шохларни чархпалакдек ўйнатиб, кема биқинида айлантирарди.

— Лаънати, саккиз оёқнинг чангалига ўхшайди-я, қаранг, домла. Боплаб туширди, дейман, — ҳамон мулоҳаза қиларди дарға. — Оқимга кўндаланг ҳайдасам, тут бўйи-басти билан тик туриб кетиб, кемани чаппа қилиши тайин... Оқим билан кетсакчи? Бўлмайди. Йўқ, йўқ. Узиб ташлаб кетиш мушкул... Селга қарши шаҳд билан газ босиб ҳайдасак-чи?.. Кучимиз икки баравар ошади. Бошқа йўл йўқ. Бу ҳамроҳдан қанча тез қутулсак, шунча яхши. Саёзроқ жойга боргудек бўлсак, кемани тешиб юбориши ҳеч гапмас.

Дарға тормозни боса-боса кема тумшуғини оқимга қарши бир амаллаб буриб олди. Дизель мотор зўриқиб гуриллади, кема танаси тўлғоқ уриб титрай кетди. Ниҳоят кема ўкириб-бўкириб, олға ташланди: тўши бир неча бор турган жойида депсинди, кўтарилиб тушди, тагида катта тўлқинлар пайдо бўлди. Кема қуйруғида нимадир қасирлади, гавдаси талвасага тушди, сўнгра оқимга қарши енгил сузиб кетди.

— Чангалдан қутулдик шекилли, — дарға пешонасидаги терни енги билан сидирди. — Домла, чиқиб қаранг-чи, ташқарида нима гап.

Ўқитувчи лангарчўпни тик тутганича, қўли билан забардаст танаси гоҳ кўриниб, гоҳ чўкиб чикка-пукка бўлиб оқиб кетаётган тутни кўрсатиб кулар, юзидаги терни телпаги билан артар эди.

— Илдизлари ўзидан баттар қўрқинчли-я. Сал қолди чангалида илиб кетишига. Қаранг, ҳалиям ловуллаб турибди. Қамчидек тегди-я, — дерди йигит чаккасини қизга тутиб.

— Домла, бекор кубрикка тушдингиз-да, — деди дарға ёрдамчиси адибга ўқитувчининг кўлидан лангарчўпни олиб, жойига қўяркан. — Текин томошадан қуруқ қолдингиз.

* * *

Одамлар енгил нафас олишди. Палубада яна ўзаро гангир-гунгур суҳбатлар бошланди. Чори Чағон қуйруқ тарафда, одамлардан холироқ жойда тўсинга кўкрак ташлаб пўртанани, тараладётган тўлқинларни, нилуфар осмонни томоша қилар, руҳияти яна асл ибтидосига қайтаётганидан, вужуди нурланиб бораётганидан шодланарди. У йироқ тоғ ўнгирларида туни билан селоба ёмғирини ташлаб, юкидан қутулиб, юксакликларга кўтарилган хирмон-хирмон парқу булутларга, улар орасидаги тубсиз чинни кўлчалардек зумрад кўк парчаларига суқланиб қараб, беихтиёр энтикарди...

Капитан ёрдамчиси улар томон тез-тез юриб келди:

— Домла, сизларни Наврўз ака соҳилда кутишаяпти.

Капитан рациядан хабардор қилган экан.

Чори Чағон ҳаяжонини яширолмади:

— Капитанга раҳмат айтинг.

— Хўп бўлади.

Ёрдамчи йигит кетмоқ бўлиб бурилган эди, муҳаррир гап қотди:

— Нима, капитаннинг тили танглайига ёпишиб қолганми?

— Мухбир ака... яна, — йигит томоғини кирди. — У киши рулда.

— Одамларнинг жоҳил, тажанг бўлиб бораётгани мени чўчитади... Дарғани олинг. Студентни олинг. Турган-битгани заҳар.

— Қўйинг, Турғун Назарович, — юпатмоқчи бўлди адиб. — Уларнинг иши шунақа: кўраверіб, эшитаверіб кўникиб кетишган.

— Йўқ, нимасига мунча чиранади. Бўлса қўлида руль бўптида. У бўлмаса бошқаси...

— Бу гапингизга қўшилолмайман. Ахир одам ўзини ўзи мустақил тутса, идора этса ёмонми?

— Мустақиллик, эркинлик, ишонч. Ҳаммаси бўлмағур сафсата.

— Дарғага нега таъна қилаяпсиз? Қўлини кўксига қўйиб, қуллуқ қилганича итоат бажо келтирмагани сизга ҳурматсизлик бўлиб туюлдими? Ахир у бундан жиддийроқ иш билан банд-ку. Дарға ўз касбига, қўлига, кўзига, тош-метин қалбига мute. Бошқа мутелиги йўқ. Қарам ва муҳтож ҳам эмас. Унинг хатти-ҳаракати буни инкор этади.

— Чори ака, айлантирасиз-ўргилтирасиз ўзингизникини жуфт қиласиз,— қувлик билан деди муҳаррир калта бўйнини қаширкан.

— Одамлар ундан ҳайиқди. Нега? Чунки ҳали айтганингиздек раҳнамо, руль қўлида. Биз ҳам ўзимизда йўқ журъатни унда кўрдик. Бунга ишондик ва ихтиёримизни унга бердик. Бошқа илож ҳам йўқ эди. Биз бўлса ундан иллат излаб турибмиз...

— Булар манман, худбин, айтди дерсиз. Манманлик шилимшиқ, юқумли хислат. Ароқхўрники кўзга ташланиб туради, у ўз муттаҳамлигини сезади. Манмана эса ўз ҳаракатини фазилат деб билади. У ўзинигина эмас, яқинлашган ҳар бир кимсани заҳарлайди... Гапларим нотўғрими?

Адибнинг ҳамиятига тегаётган бўлса ҳам Турғун Назарни охиригача эшитишга жазм қилди:

— Қизиқ. Давом этаверинг.

— Кибр-ҳавони сенга ким қўйипти. Бу турқи совуқ иллатни қаердан илаштирдинг?.. Студентку ҳали гўдак. Ёнидаги соҳибжамолга ўзини кўрсатмоқчи. Унга ярашар ҳам. Бироқ сени қандай жин урди. Студентни кечириш мумкин, нари борса, юз ўгиришинг мумкин. Дарғанинг манманлиги устамонлик билан яширинган, яширган. Ўзига ўзи маҳлиё. Қўлини кўксига қўйиб, раҳматлар айтадиган юзлаб йўловчи — мақтовининг қўли...

— Ҳар нарсани ўзингизга олаверманг. Калака қилаяпти, деб ҳам ўйлаётганим йўқ. Аксинча сиздан миннатдорман. Кимлардир ўшқирдингиз, ҳатто шаънига тегишгача бордингиз. Бу ахир виждонингиз амри, маслагингиз, асло соҳта жиддият эмас. Сал яхшилик эвазига ўзимизни ерга уришга, тиз тўкишга, ўзлигимизни унутишга устамиз. Сиз эса бунга қаршисиз. Шунинг ўзи мустақиллик эмасми? Мустақил, эркин бўлмаган одам ҳеч қачон ўз ҳуқуқини ҳимоя қилолмайди. Унинг елкаси ҳамиша қисиқ, тили қисқа.

* * *

Кема қўлтиққа киргач, лангар ташлади. Қумлоқ соҳилда тизилишиб, бир-бирининг пинжига тиқилишиб турган оқ чорлоқлар ҳавога кўтарилди ва теплоход устида чуввос кўтаришди.

— Мана, манзилга ҳам етдик, — деди Турғун Назар трапдан бирин-кетин тушаётган йўловчиларнинг ташаккурини жиддий мамнуният билан қабул қилаётган дарға ёрдамчиси ёнидан ўтаётиб. — Ҳаммаси ортда қолди: сел ўтди-кетди, тут оқди, жонимиз ҳалқумимизга келиб бақирдиқ-чақирдик. Дарёнинг эса парвойи палак, ҳеч нарса бўлмагандек, ҳеч нарса кўрмагандек.

— Мураккаб олам, мураккаб одам... — Чори Чағон дарё сарҳадлари кўринадиган очиқ жойга чиққач ора йўлда узилиб қолган мавзуга қайтди. — Ҳей, дўстим, ким бўлишимиздан қатъий назар умримиз, ҳаётимиз ана шундай беписанд, камсуқум, дағал, мунофиқ одамлар қўлида эканлигини сезмаймиз. Булар ана шу сиз айтган дарёга ўхшашади. Шовқин-суронсиз ишини қилиб ётибди. Забонсиз уммон. Шуҳратпарастлик, лаганбардорлик, мансабпарастлик уларга етти ёт бегона. Биз эса ана шу буюк қалбга йўлай олмай, кашф этолмай ўтиб кетаётган бадбахт зиёлилармиз... Ҳали капитан бўлмасида йигирма йил бурун босилган китобимни кўрдим. Увада. Бу чироқ, дейди дарға, атрофида юрган одамлар кўриниб турибди...

— Хўш, нима бўпти? — таажжубланди муҳаррир.

— Энди эса кўздан, назардан четда — кўҳна шаҳарнинг пастқам ҳовлиларида кечмиш чиркин турмуш тафсилоти-ю, олди-қочди саргузаштлардан нарига ўтолмай қолдим. Демак умр — алдамчи, беҳуда ақидаларга, мабодо, манманлик, мақтаниш ҳам ақида ҳисобланса, — ютқазилди.

— Ўзлигингизга шафқатсиз экансиз.

— Илгарироқ шундай бўлганда қани эди.

Дарё томондан бешик-бешик долғалар карвони бир-бирини қувлаб келди, жияклари кўпикланган соҳилга сапчилди. Дарё ўртасида теплоход тутун буруқситиб оқимга қарши сузиб борарди. Палубада халойиқ тирбанд. Чори Чағон нотаниш кемада кетаётган йўловчиларга астойдил омонлик тилади, нечундир ҳаяжонланди ва ўпкаси тўлиб-тўлиб, томоғини қирди. Умр, одамлар, мангулик бобида кечган хаёллар Чори Чағон хотирасидан кўтарилганича йўқ эди. Ҳамон олис, унут бўлган, аммо ғоят қадрдон ҳиссиёт олами — одамларга, ҳаётга яқинлик сезар, бир замонлар буларнинг ҳаммасини севганлигини, улар билан эт-тирноқ бўлганлигини эслади. Энди эса орага тушган чоҳ кенгайиб, ўтиб бўлмас даражага етганини ўксиб тан олди. Азиз гўша ота-она қучоғини тарк этиб, узоқларда дайдиб юра-юра таъзирини еб, тавбасига таяниб қайтган шўх фарзанддек ўзини ғариб ва ожиз ҳис этди.

Адибнинг кимнидир илҳақ кутаётгандек бўлиб бир жойда депсиниши Турғун Назарга эриш туюлди.

— Ҳамма кетиб бўлди-ю, нега қаққайиб турибмиз?..

— Мухбир ака, шошмай туринг-излар, ҳозир капитан чиқади, — деб қичқирди ёрдамчи.

Муҳаррир Чори Чағонга ялт этиб қаради.

«Эркин» палубасида тапир-тупур қадам товушлари эшитилди. Дарға ва собиқ маҳбус ўқитувчи кўринди.

* * *

Чори Чағон тўлқин чиқариб ташлаган оқсарғиш ғадир-будур қамиш томирларини боса-боса кемадан узоқлашди. Тик соҳилдан туриб бутун борлиғи билан намоён бўлган дарёга боқди. Дарёда долғалар ўркач-ўркач. Муздек шамол есади. Соҳил шалоплайди. Оғир нафас олаётган дарё тўлқини хуруж қилганида соҳилдаги қўға, хасхашак, шох-шабба, ўсимлик илдизларини қумлоқ соҳил сари суриб келади, сўнгра кўпикланиб ортга қайтади.

Кулранг қанотли балиқчи қуш оппоқ қордек тўшини сувга уради, тўлқинлар устида қийиб-қийиб учади, «чир-роқ», «чир-роқ» деб қичқиради.

Чори Чағон энтикди ва бўтана долғаларга тўш ташлаётган оқ чорлоқдек бўлгиси келиб кетди.

Термиз



О. Восиҳонов чизган расм



А. Губенко фотоси.



Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўзибоқар Синдоров.




Натюрморт.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, РАССОМ САМИҒ АБДУЛЛАЕВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

Натюрморт.





Қишлоқ манзараси.

Гулдаста.





Ширмой нонлар. М. Пенсон фотоси

Бугунги Тошкент. Р. Шагаев фотоси (ЎзТАГ



Қадимий Хева.

Р. Шагаев фотоси
(ЎзТАГ)



ҒАЛАЁНЛИ ИЖОД

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, РАССОМ САМИҒ АБДУЛЛАЕВ ИЖОДИ ҲАҚИДА

Чингиз АҲМАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ рассоми

Уларча болалардек ҳаёт — гўзалликни ёшлигидан севиб, уни расмларда акс эттиришга мойил бўлди. Боғбон отаси Файзулла ака нинг боғидаги турфа хил мевалар, анорлар, ишкомлардаги узумларнинг олтинранг товланишлари, онаси Каромат опа тиккан нақшли сўзана ва дўппилар — қатимлардан бунёдга келган санъатлар, игна-ипакнинг чевар она қўлида юриши... уни расм чизишга қизиқтирган, қоғоз устида қалам юргизишга ўргатган бўлса ажаб эмас.

Отаси жуда эрта, бўлажак рассом олти ёшда эканида вафот этди. Она болаларини меҳнат билан кун кўришга ўргатди.

«Онамиз бизни меҳнат билан нон топишга ўргатди. Узим ўқиган 115-мактабдаги расм ўқитувчим А. Тошкентбоев таъсирида эса тасвирий санъатга меҳрим уйғонди», — дейди рассом бу ҳақда.

Еш Самиғ 4-синфга ўтганида Тошкентнинг Эски шаҳар кўчаларидан бирида расм муаллими ҳар доим ҳикоя қиладиган катта рассом А. Н. Волковга биринчи бор дуч келиб, ҳаяжонланади. У вақтларда ҳали рассомлар союзи йўқ, республика рассомларининг Ташкилий комитети бор эди. Ана ўша Ташкилий комитет қошидаги «Изостудия» раҳбари бўлган А. Н. Волков ёш йигитчада ҳавас уйғотади. Мактабни битиргач Самиғ Тошкент бадиий техникумининг рангтасвир бўлимига ўқишга кириб, А. Н. Волков устахонасида таҳсил топади. Техникумни тамомлаганидан кейин устози раҳбарлигидаги «Изостудия» қошидаги «Пионерлар уйи»га рассом-тарбиячи бўлиб ишга жойлашади.

1938 йили у Қизил Армия сафига чақирилади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қўлига қурол олиб, Халхинголда япон босқинчиларига қарши урушда иштирок этади. Кейин оқ финларга қарши жангга киради. Ўша кезларда ҳам рассомликдан кўнгил узолмай, Москвага йўли тушганда, Третьяков галереясини мароқ билан томоша қилади. Қаерда бўлмасин, ҳамиша тасвирий санъат билан боғланишга ҳаракат қилади. Украина, Қрим, Симферополда хизмат қилар экан, бу шаҳарларнинг бадиий музейларини соғинч билан кезади. Севастополь музейида эса Қрим уруши вақтидаги шаҳарни ҳимоя қилиш тасвирланган панорама олдидан узоқ кетолмай туриб қолади.

Улуғ Ватан уруши бошланганда аллақачон тажрибали жангчига айланган Самиғ Абдуллаев ҳеч иккиланмай Ватан ҳимоясига отланади, оғир ва машаққатли, шиддатли жанговар юришлар, жангу жадаллардан иборат қаҳрамонона ҳарбий ҳаёти бошланади. У эндиликда ҳарбий ҳаракатларнинг ҳар қандайига ярайдиган сапёрлар батальонида қатор юришларда иштирок этади. Машъум кўриниш олган жанг майдонлари, рўй бераётган даҳшатлар, пулемёт, автомат товушлари, бомбаларнинг «гумбур-гумбур»и, шундоққина кўз ўнгингда тутдай тўкилаётган одамлар. Бир оз олдинроқ сен билан ёнма-ён интилаётганларнинг дақиқа ўтмай оёқ-қўлдан ажрагани, ичакчавоғи ағдарилганини кўриб, даҳшат, аянчдан юрагинг увишади, душманга қарши нафратинг ўт олади... Ур-сур, тўполон жангда ошпаз йигит, қўлида овқати бор қозон, жон-жаҳди билан югуриб борар экан, бомба портлаб, калласи чирт узилиб кетади.

«Тавба, гавданинг ўзи инерция — олға қараб ҳаракат ҳолатини сақлаш хусусияти билан ўн-ўн беш десам лофдиру бешолти метргача бориб, кейин қолади. Мабодо ўша ҳолатда имкони топилиб, калла танага қўйилгудек бўлса, ўша одам гўё яна илгаригидек югураверадигандай...»

Самиғ Абдуллаев пешонасига тираб турган бармоқлари орасидан ўйчан қараб сўзлашда давом этади:

«Ҳозир ҳарбий темада бирон портрет устида иш бошлагудек бўлсам, урушнинг бутун даҳшатлари руҳимда қайтадан кўпириб, юрагим жунбушга келади, ўша кунлар изтироблари борлиғимни чулғаб олади...

Самиғ Абдуллаев Улуғ Ватан уруши жанггоҳларидан мардона ўтиб, буюк ғалабани ёруғ юз билан кутиб олди, Ватан ўзининг жасур ўғлони кўксига Совет Иттифоқи Қаҳрамони нишонини тақди. У она юрти Тошкентга кўкси тўла ғурур билан қайтди. Уни вокзалда қариндош-уруғлари, яқинлари билан бир қаторда ўзбек рассомлари ҳам хурсанд кутиб олган эканлар, орадан ҳеч қанча фурсат ўтказмай ўзларига оқсоқол этиб олдилар — у Ўзбекистон Рассомлар союзи Правлениесига раис этиб тайинланди. Бу маҳаллар республика Рассомлар союзи сифатида эътироф этилса ҳам, ҳали ўз қиёфасига эга бўлиб, ҳақиқий ижодий союз тусини олгунча анчамунча тиклаш, ташкил этиш, уюштиришлар зарур эди. Яна ўшандай ишлар билан ўн йил вақт ўтди. 1956 йилдан эса Самиғ Абдуллаев Ўзбекистон ССР Давлат Санъат музейининг директори сифатида жиддий ва муҳим ишлар билан банд бўлди.

1966 йилги табиий офат — Тошкент зилзиласи урушнинг мудҳиш оқибатларидай асоратлар қолдирмаган бўлса ҳам, тошкентликлар учун оғир кўргилик бўлди, катта зарар-шикастлар етди, зилзила вайронгарчиликларини бартараф қилиш учун жиддий, жанглардагидек ҳаракатлар зарур бўлди.

Зилзилада Ўзбекистон ССР Давлат Санъат музейи биноси ҳам дарз кетиб, ундан фойдаланиш хавфли бўлиб қолди. 1967 йили эса музейга янги бино қуриш ҳақида қарор қабул қилинди. Музейни вақтинча Тошкент шаҳрига яқин «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Маданият уйига кўчириб туришга тўғри келди. Бу — осон иш эмас. Кўп машина, ишчи кучи керак. Маданият министрлигининг эса музейдан бошқа ташвишлари ҳам тиқилиб ётибди. Музей директори ўйлана-ўйлана Туркистон Ҳарбий Округининг Бош қўмондони С. Е. Белоножко ва дивизия командири Б. Х. Сирожиддинов — жанговар дўстларига аҳволни тушунтирди. Арзимаган граммлардан 3—4 тоннагача келадиган ўттиз мингга яқин музей экспонатларини колхоз маданият уйига кўчириш ҳамда қайтаришда солдатлар қаҳрамонона меҳнат қилдилар. 1942 йил охири, 1943 йил бошлари Шимолий Кавказни фашист босқинчиларидан озод қилишда 63-танкчилар бригадасидаги танк батальони командири капитан С. Е. Белоножко билан разведкачи сапёрларнинг группа бошлиғи Самиғ Файзуллаевич Абдуллаевлар елкама-елка жанг қилган эдилар. Қаҳрамон дўстлар меҳнат жангида ҳам елкама-елка бақамти турдилар.

Унинг ёруғ ва кенг рассомлик устахонаси бор, устахонаси тўла асар — расмлар бор, чор атрофинг расм. Хонада дастлаб кўзга ташланадиганларидан бири автопортрет. Қарашлари жиддий ва сокин ҳарбий одам, кители кўкрагида қатор орден ва медаллар. Вужуд-борлиғида самимият, қатъийлик узун ва мураккаб ҳарбий ҳаётидан далолат бераётгандай...

«Автопортрет» билан ёнма-ён уй бекаси — аёл портрети — камсуқум, меҳнаткаш, атлас кўйлакдаги оддий ўзбек аёли. У уй-рўзғор ишларида ўзига хос пишиқпухта. Уй тутиш санъатининг — хоналар жиҳозию буюмлар тартиблари, тоза-покизалиги, бозор-ўчару емиш-тамадди ҳозирлашлар... Ва хонадон аъзоларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида муомалалар. Яна ювиш, дазмоллаш, алмаштириш каби ишларнинг барчасига яраймиз, ҳар бир уй бекаси шундай ишларнинг ҳаммасига яраши керак, деб тургандек...

Яна устахона энига чўзилган энли тахта-токчалардаги қатор-қатор, шакллари ҳар хил расмлар. Уларни бир томондан иккинчи томонга ағдариб-ўтказиб кўравериш-кўравериш мумкин. «Аёл», «Генерал Собир Раҳимов», «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қорабой Султонов», «Уста Усмон устахонасида», «Сокин кун», «Қизил гул», «Куз», «Баҳор», «Тошкент комиссарлари» (Х. Сиддиқов билан ҳамкорликда), «Баҳор кўриниши», «Сирень», «Бодом гуллади», «Хотиралар», «Эрта баҳор», «Қримда баҳор», «Тоғдаги пансионат», «Сапун тоғларини озод қилиш», «Генерал-лейтенант Ф. Норхўжаев», «Генерал-полковник С. Е. Белоножко», Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Б. Эргашев, Ш. Умаров портретлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Қ. Синдоров, М. Қосимов, Ж. Кўчиев, уруш ветеранлари Умар Хўжаев, Боқи Қосимов... манзаралар, кенг планли расмлар, натюрмортлар.

Рассомнинг 1986 йили чизган расмлари орасидан стулга тираб қўйилган «Олтин куз» деган манзара-расмга олд-ортга юрган ҳолда жиддий қараш мумкин: шўх шабадада пирпираётган сариқ-қизғиш япроқлар новдасидан чирт-чирт узилгудек. Новда-япроқлар ортида осмон, шитоб оқим, узоқ-яқин манзаралар. Ранглар тиниқ, кескир. Ҳаракат, япроқлар тинимсиз пирпирайди...

Унинг кўп асарлари, хусусан «Эрта баҳор»да рассомнинг жўшқин, шиддатли ҳаёти умумлашиб, рамзийлашиб, оҳангда жанг суронлари, музика садолари янграб тургандек...

— Кўп расмларингизнинг вариантлари ҳам бор эканми?

— Чизганларинг кўнгилдагидек чиқавермаса вариантлар қаторлашаверар экан-да, — жавоб беради у.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, рассом Самиғ Файзуллаевич Абдуллаев асарлари ўз ҳаётидек тиниқ, суронли, ғалаёнли...

Самиғ Абдуллаев гўзалликни боляалигидан севди, умрбод гўзаллик учун курашди, ҳозир қўлида мўйқалам, гўзалликни тасвирлаш билан банд.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ АМАЛДА

КАРТОШКАЧИЛИК НЕГА ОҚСАМОҚДА?

Дастурхонимизнинг файзи ҳисобланган картошка кейинги йилларда камёб сабзавот турларидан бирига айланиб, бозор нархи кескин ошиб кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Суғориладиган экин майдонидан уч маротаба ҳосил олиш мумкин бўлган ўлкамиз шароитида картошка тақчиллигининг юзага келишига сабаб нима? Тўғри, ўтган йилларда ғўза ҳукмронлиги натижасида, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга эътибор сусайиб кетди. Натижада четдан келтириладиган уруғликка ишониб, деҳқонларимиз йиллар синовидан ўтиб, Ўзбекистон шароитига мослаштирилган маҳаллий навларни бой бериб қўйдилар. Шу сабабли картошка экиладиган майдонлардан олинадиган ҳосилдорлик пасайиб кетаяпти.

Масалан, сабзавотчиликка ихтисослашган Тошкент районида ўтган йили 1199 гектар ерга картошка экилиб, ҳар гектаридан 116 ботмондан ҳосил олинди. Бу планда кўзда тутилганидан анча камдир. Инкор этмаймиз, райондаги Охунбобоев ҳамда «Ленин йўли» номли колхозлар бироз дуруст натижаларга эришдилар. Аммо бошқа хўжаликлар сарф қилинган уруғлик миқдорида ҳам ҳосил ололмадилар. Чунончи, райондаги илғор хўжаликлардан ҳисобланган Карл Маркс номли колхоз ҳамда Абдураҳмонов номли совхозда ҳосилдорлик атиги 89 ва 77 ботмонни ташкил этди холос. Бу икки хўжаликда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетганига асосий сабаб, навларни танлаш, ўз вақтида экинга ишлов бериш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, маромида суғориш каби қатор агротехника тадбирларига етарли даражада амал қилинмаганлигидир.

Картошка ҳосилдорлиги ўтган йили Калинин ва Оржоникидзе районида 100 ботмон атрофида, умуман, Тошкент вилояти бўйича 92, жумҳурият бўйича эса бу рақам 90 ботмонни ташкил этди. Ялпи маҳсулот пландаги 414 минг тонна ўрнига атиги 213 минг тоннадан иборат бўлдики, бу аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжини таъминлай олмади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ўлкамизда етиштирилаётган картошка аҳоли талаб-эҳтиёжини фақат 20-25 фоиз миқдорида қондираяпти, холос. Агар бунга четдан келтирилаётган картошкани ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, унда халқни бу маҳсулот билан таъминлаш атиги 50 фоизга бажарилар экан. Ўлкамизда картошка тақчиллигига сабаб бўлаётган қатор омиллар бор.

Биринчидан, бизда маҳаллий уруғчилик ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Хўжаликларимизни таъминлаш учун «Ўзбекистон мева уруғ саралаш» ўлка бирлашмаси орқали РСФСР, Украина ва Белоруссиядан йилига 110—130 минг тонна уруғлик картошка келтирилади. Ва бу жараён йилнинг охирида, ёғингарчилик бошланган кезларда амалга оширилади. Натижада картошкалар сараланмай, қуритилмай палапартиш вагонларга ортилади, 20—30 кунлик муддатда белгиланган омборларга етказилади. Шу сабабли уруғликнинг 30—40 фоизи чиқитга чиқиб кетади. Ишнинг мана шундай ташкил этилиши йилига ўлкамизга 6 миллион сўмлик зарар келтираяпти. Бунинг устига сараланмаган, қуритилмаган картошка ўзи билан полиз зараркунандаларини ҳам олиб келади. Кейинги йилда шошма-шошарлик билан иш кўриш натижасида картошка экадиган хўжаликларда колорадо қўнғизи, парша, нимтада каби касалликлар кенг тарқалиб кетди. Бундан ташқари, энг муҳими, иқлимимизга мослаштирилган «Приекуль эртагиси», «Белорус эртагиси», «Седов», «Фаленский», «Зарафшон», «Лорх» ва «Брлихенген» каби 8-10 хил нав ўрнига бизга тўғри келмайдиган, бунинг устига, кам ҳосилли навлар келтирилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаш лозим. Шунингдек деҳқонларимиз эртапишар, ўртапишар, кечпишар навларни экишда тавсия этилган қўлланмага риоя қилмай, уруғликни кўрсатилган муддатга қадар сақлайдиган совуқхоналари йўқлигидан ҳаммасини бирваракайига, баҳорда экиб юборишади. Бунинг оқибатида мазкур навларнинг палаги дуруст ривожланса-да, аммо ҳосилга кириш муддати куннинг юқори ҳароратли, жазирама пайтга ва ҳавода намлик пасайган вақтга тўғри келиб, ҳосил тугиши тўхтайди. Ўз-ўзидан равшанки, бу аҳволда кўзланган миқдорда ҳосил олиб бўлмайди.

Уруғлик четдан келтирилишининг яна бир салбий томони шундаки, хўжаликлар учун ҳар бир килограмм уруғ 30—40 тийинга тушади. Экиш пайтигача бўлган муддат ичида чиқадиган чиқиндиларни ҳам бу ҳаражатга қўшадиган бўлсак, бир килограмм уруғлик картошка учун хўжалик 60—80 тийин тўлашига тўғри келади. Ваҳоланки, уруғликни ўзимизда етиштириш йўлга қўйилса, унинг бир килограмми 20 тийиндан ошмайди.

Шундай қилиб, картошкачиликдаги энг долзарб, муҳим муаммолардан бири уни ўз муддатида экишга риоя қилинмаётганлигидир. Чунки ҳозирги пайтда умумий план миқдорининг 90—95 фоиз майдонга картошка баҳорда экилмоқда. Ундан етиштирилган ҳосил эса аҳолини беш ой мобайнида картошка билан таъминлашга етади холос. Ҳудди ана шу беш ой давомида бозорларда картошкадан ташқари хилма-хил сабзавот ва кўкатлар ҳам кўпайган бўлади. Октябрь ойидан бошлаб то келгуси йил эртаги картошка етилгунча аҳоли қисман четдан келтирилган картошкадан истеъмол қилиб туради. Ҳудди шу боисдан ҳам маҳаллий картошканинг баҳоси баланд.


Республикамизда аҳолининг картошкага бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва умуман, бу борадаги муаммони ҳал этиш учун, сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-текшириш институтида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, институтнинг етакчи мутахассис-олимлари иштирокида бирламчи уруғликни ривожлантириб, картошканинг «Элита» уруғини етиштириш мақсадида учта жойда тажрибахона ташкил этилди. Уларнинг биринчиси институт тажриба хўжалиги участкасида, иккинчиси Фарғона вилоятидаги, Риштон районининг «Сўх» совхозида, учинчиси Қашқадарё вилоятидаги, Шаҳрисабз районининг Карл Маркс номли совхозида жойлашган. У ерларда етиштирилган элита уруғларини бошқа уруғчилик хўжаликларида тўртинчи ҳосилга қадар кенг кўламда кўпайтириш ва уларни картошка экадиган хўжаликларга тарқатиш картошкачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Бурноғи йили картошканинг 80 кунда пишадиган, иссиққа чидамли ва серҳосил «тўйимли» нави яратилиб, давлат синаш участкасига топширилганлиги ҳам институт олимларининг илмий изланишлари самарасидир. Бу янги нав яқин-орада Тошкент райони колхоз-совхозларига экиш учун тавсия қилинади.

Бу тадбирларни тўла амалга ошириш кўп жиҳатдан уруғчилик хўжаликларида картошкани сақлаш учун совутиш қурилмалари билан жиҳозланган омборлар қуришни тезлатиш талаб қилинади, чунки хўжаликларда махсус омборлар бўлмаса, уруғни ўзида сақлай олмайди. Баҳорда уруғ қидириб дуч келганини экиб, яна ҳосилдорликка путур етказади.

Картошка тақчиллигига барҳам бериш учун аввало хўжаликларни етарли миқдорда уруғлик билан таъминлаш, маҳаллий шароитга мослаштирилган юқори ҳосилли навлар яратиш, картошка экиладиган майдонларга алмаштириб экишни жорий қилиш керак. Агар шу муаммолар тезда ҳал этилса, эл дастурхонини мўл ва арзон картошка билан таъминлаш имкони юзага келган бўлурди.

Музаффар ТУРОБОВ,
Омон НИЕЗОВ

Тошкент райони



Мутолаа...

Н. Шарипов фотоэтюди

ҲАР ЖОЙНИНГ ЎЗ ЎЛЧОВИ БОР

Одатда, бирор бошқа юртда бўлиб қайтганингдан кейин уни туғилиб ўсган она диёринг билан хаёлан муқояса қиласан. Ана шунда ҳар иккала юртнинг эътиборли томонлари ҳам, кемтик жиҳатлари ҳам кўз ўнгингда яққол намоён бўлади. Бошқирдистон сафаридан сўнг бизнинг кўнглимиздан ҳам шундай ҳиссиёт кечди.

БИРОДАРЛИК ТУЙҒУЛАРИ

Тошкент шаҳрининг Киров районига қарашли Марказ — 5 кварталидаги уйлардан бирининг пештоқига «Бошқирдистон» деган лавҳа битилган. Ана шу уй ёнидаги йўлакдан ҳар гал ўтганимда нигоҳим лавҳага тушади. Унга тикиламану, беихтиёр хаёлимдан 66 йил — даҳшатли зилзила йили ўтади. Ушанда зилзиладан қаттиқ талафот кўрган Тошкент шаҳрини бунёд этиш учун бутун мамлакат ёрдамга келган эди. Катта шаҳарнинг бутун сатҳи улкан қурилишлар майдонига айланганди. Бу қурилишларда Советлар мамлакати деб аталмиш улуғ оилага уюшган барча миллатларнинг вакиллари баб-баравар тер тўкар эдилар. Руслар, украинлар, тожиклар, грузинлар, белоруслар, озарбойжонлар, молдаванлар, арманлар, латишлар, эстонлар, татарлар, бошқирдлар, қирғизлар, туркманлар, қўйингки, ҳамма-ҳаммаси зилзиладан вайрон бўлган ўзбек шаҳрини тиклаш учун меҳнат қилардилар. Мана, ўшандан буён йигирма уч йил вақт ўтди. Қардошларимиз кучи билан қурилган азим шаҳримиз ўз кўркини оламга намойиш қилиб турибди. Шаҳримизда «Украина квартали», «Ленинград квартали», «Грузия квартали», «Белоруссия квартали» ва ҳоказо маҳаллалар халқимиз ўртасидаги қудратли дўстликнинг ўзига хос рамзи бўлиб қолди.

Биз бошқирд юртида бўлганимизда ҳам ана шундай биродарлик туйғусининг янги бир кўринишини ҳис этдик.

Уфа шаҳридан йигирма чақирим нарида жойлашган темир-бетон заводида бўлганимизда бу ерда ўзбекистонлик қурувчилар ишлаётганини айтишди.

— Заводимизда уй-жой ва бошқа иморатлар учун турли хил қурилиш материалларини тайёрланади, — деди завод директори Василий Васильевич Голубев корхона шароити билан таништираркан. — Бир йилда 175 минг квадрат-метрлик қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватига эгамиз. Бизда тайёрланаётган қурилиш материаллари узоқ БАМга, турли шаҳарлардаги нефтни қайта қуриш заводларига ҳам жўнатилмоқда. Сиз учун эътиборли томони шундаки, ўзбекистонлик қурувчи йигитлар бевосита заводимизда, Уфа шаҳридаги уй-жой қурилишида фаол иштирок этмоқдалар. Эсимда, 1966 йилда Тошкентда қаттиқ зилзила бўлиб, шаҳрингиз табиий офатдан жиддий шикаст кўрганда, бошқирдистонлик қурувчилар ҳам бошқа қардошлар қаторида зудлик билан ёрдамга борган эдилар. Ҳа, катта оиланинг аъзоларимиз-да. Бир-биримизнинг қувончимизга ҳам, ташвишларимизга ҳам шериқмиз. 1988 йил баҳори қурғоқ келиб, бизда картошка яхши бўлмади. Сизлардан келтирилган эртанги картошка кишиларимизнинг кунига яради.

Суриштириб билсак, жиззахлик Рауф Нарзуллаев, тошкентлик Алишер Содиқов, Сергей Тен, Юрий Иванов, нуроталик Акмал Узоқов сингари ўзбекистонлик қурувчи йигитлар шу темир-бетон заводида ҳамда Уфа шаҳридаги янги уйларни қуришда қатнашаётган эканлар. Бу ҳам Бошқирдистон билан Ўзбекистон халқлари ўртасидаги биродарлик туйғуларининг ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётганидан далолатдир.

ДИМАНИНГ ЧУСТ ДЎППИСИ

Уфа яқинида чоғроқ бир қишлоқ жойлашган. Ундаги уч хонали ёғоч уйлардан бирида 75 ёшар қария Александра Григорьевна Ерохина истиқомат қилади. Ҳамқишлоқлари уни эҳтиром билан «Шура хола» деб аташади. Шура холанинг уйи четдан борганлар учун ўзига хос меҳмонхона ҳисобланади. Солдатлик бурчини ўтаётган фарзандларини кўргани келганларнинг кўплари Шура холанинг уйини ижарага олишаркан. Меҳмонлар орасида Россиянинг марказий шаҳарларидан келганларни ҳам, ўзбекистонлик ва озарбойжонликларни ҳам учратиш мумкин. Бу ерда меҳмон бўлган турли миллат вакиллари Шура холага ва унинг шаҳарда яшайдиган невараларига ҳар хил эсдаликлар қолдиришган.

Шура холанинг Николай ва Иван исмли ўғиллари, Екатерина исмли қизи бўлиб, улар Уфа шаҳрида яшашади. Фарзандлари асосан, баҳорда онасининг томорқасига экинтикин экиш ва кузда ҳосилини йиғиб олиш учун бир неча кунга келишаркан. Шура холанинг тўрт невараси ва саккиз нафар чевараси бор. Улар ота-оналари билан қарияни кўргани келган кун буви учун катта байрам.

— Мана бу дўппи, — дея алоҳида мамнуният билан гап бошлади Шура хола деворда осиғлиқ чуст дўппига ишора қилиб, — ўзбекистонлик меҳмонлардан эсдалик. Бундан икки йиллар олдин ҳарбийда хизмат қилаётган ўғилларини кўриш учун Тошкентдан икки киши келишганди. Ўшанда шаҳарда яшайдиган Дима исмли чеварам ҳам ойиси билан мени кўргани келган эди. Ҳалиги меҳмонлар «Ўзбекистондан совға» дея шу дўппини чеварамнинг бошига кийдиришганди. Мен уни ўзбек қардошларимдан эсдалик сифатида асраб юрибман.

Диманинг чуст дўпписи. Бунда ҳам ўзига хос рамзий дўстлик маъноси ўз ифодасини топган.

Маълум бўлишича, қишлоқда етмиш чоғли хонадон яшар экан. Шуниси таажжублики, бир вақтлар муайян хўжаликлардан бирига қараган бу қишлоқ ўн йилдан ошибдики, бирор колхозга ҳам, совхозга ҳам қарамас экан. Қишлоқ Совети эса ўн километрлар узоқда жойлашган. Қишлоқ кишиларининг эҳтиёжи, айниқса, маданий талаблари билан ҳеч бир ташкилот қизиқмас экан. Ҳар ким қўлидан келганича тирикчилик ташвиши билан банд. Сирасини айтганда, қишлоқ ҳаёти жуда зерикарли. Аллақачон белидан қуввати кетиб, асога суяниб қолган кампирлар ўз кулбаларини сиртидаги тахта ўриндиқда уззукун мунғайиб ўтиришади. Биз у ерда бир ҳафтадан ошиқроқ вақт турган бўлсак-да, бирор хонадонда бешўн чоғли киши йиғилишиб, давра қуриб хурсандчилик қилишганини кўрмадик. Уша тобда биз ўзимизнинг файзли, қувноқ тўйларимизни жуда-жуда қўмсадик. Тўйимизни қўмсаган сари ўша қишлоқ ҳаётининг ғариблигини баттарроқ ҳис этардик.

Уша пайт август ойининг охирлари эди. Ҳамма томон ям-яшил ўтлоқзор. Ўтлоқзорга туташиб кетган ангорларда эса, сомон, хас-хашак уюмлари тўзғиб ётарди. Чамаси, бу табиий бойликларнинг эгаси йўқдай эди. Ахир, шу мўл озиқлар ҳисобига ўша жойнинг ўзида бирорта сўқимчилик фермаси ташкил этилса, бу ишга маҳаллий халқ тортилса, айни муддао бўлади-ку!

Никальско қишлоғида ҳам қолаверса, Уфа шаҳрида ҳам озиқ-овқат хусусан, гўшт жуда тақчил эди. Биз эски бозорлардан бирининг ёнида, санитария қоидаларига мутлақо зид бир шароитда мол гўштидан тайёрланган, маза-матраси йўқ бир сих кабоб 3 сўм 60 тийиндан сотилаётганини кўрдик (эҳтимол, кооперативникидир).

Қайта қуриш масалаларига бағишланган нуфузли йиғилишларда, марказий матбуот саҳифаларида: «Қишлоқларда ер эгасиз қолди. Одамларни қишлоққа, ерга қайтариш керак», деган гапларни эшитиб ва кўриб турибмиз. Очиғини айтсак, бу гаплар ўзбек деҳқонлари учун эриш туюлади. Негаки, бизда ер эгасиз эмас, эгали. Эгали бўлганда ҳам йил-ўн икки ой назоратда. Фақат бизда кўп йиллардан бери пахта ҳукмронлигига, яъни ерларда ҳадеб пахта ўстиришга зўр берилиши, очиғини айтсак, ернинг ўзини ҳам, деҳқонни ҳам чарчатиб қўйди. Фарғона, Андижон, Наманган каби областларда мутлақо ер етишмаганидан ўша жойларда баъзи кишилар оила тирикчилигини кечириш учун эрта баҳордан кеч кузгача Жиззах, Сирдарё ва Тошкент областларига келиб корандалик қилмоқдалар.

Ҳа, «Ер эгасиз қолди, одамларни қишлоққа қайтариш керак», деган ташвишлар асосан мамлакатимизнинг марказий районларига тааллуқлидир. Бу тарғиботни Иттифоқимизнинг ҳамма районларига зўрма-зўраки ташвиқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

ЎЗЛИГИНИ ТАНИГАН

Бошқирдистон автоном республикасининг пойтахти бўлмиш Уфа шаҳрида ҳамма жойда кўчаларнинг номи икки тилда — рус ва бошқирд тилларида битилган. Масалан, улицы Ульяновых — Ульяновлар ўрами... Идоралар, ташкилотларнинг номлари ҳам худди шундай. Кўчаларнинг номларига разм солар эканман: «Фақат биз ўта европача саводхон бўлиб кетган эканмизда», деган фикр хаёлимдан ўтарди.

Биз сиртдан, яъни оммавий ахборот воситалари, тегишли маълумотномалар ёрдамида Уфа шаҳридаги раҳбарий кадрларнинг миллий таркиби билан ҳам қизиқдик. Бу жиҳатдан ҳам улар биздан анча фарқ қиладилар. Бизда эса бу борада номутаносиблик мавжуд.

Партия ва ҳукуматимиз қайта қуриш талаблари асосида миллий муносабатларни ҳал этиш масалаларини кун тартибига қўйган ҳозирги пайтда ана шундай кемтик, ҳал бўлмаган, зарур муаммоларни обдон ўйлаб кўришимиз лозим.

Шомурод СИДДИҚОВ

УЛ ФОНУСДАН НУР ТУШАР БУГУН

Абдулла ШЕР

ҚРИМ ДАФТАРИДАН

* * *

Ошно бўлдим майсазорга яна мен бугун,
Осмонимда паға булут яна елади.
Дунё яшил. Дунё гўзал. Чарақлайди кун.
Майсазордан болалигим иси келади.

Мен ётибман. Олисларда чопар ташвишлар.
Мен ётибман. Олисларда ғингшийди ғийбат.
Етолмайди менга туҳмат, менга олқишлар:
Тоғлар — қалъа, буюк қўрғон менга табиат.

Дафтаримга келиб қўнар, мана, капалак,
Оппоқ варақ титраб кетар бу гўзал шеърдан.
Умр тилаб, омад тилаб жилмаяр фалак,
«Қабринг эмас, онангман!» деб сас келар Ердан.

* * *

Бу боғни ўстирган қўллар қаёқда?
Бу уйни тиклаган билаклар қани?..
Солҳатда, Қафада, Оқмачит ёқда
Меҳрга зор тупроқ кимнинг Ватани?
У қўллар униққан сўнгакдир бу дам, —
Шимолнинг эмани остида ётар,
Сўнгакдир бақувват ул билаклар ҳам, —
Жанубнинг бархани остида ётар.
Қирғинни касб қилган Суворовни ҳам
Бу қатл қошида фариштa дерман.
Абадий бир лаънат ўсар дамо-дам
Ун мурда кўмилган ҳар қарич ердан...

* * *

Бу ўлканинг эртакларида
Кишнамайди бедовлар бугун.
Қоратоғнинг этакларида
Кунлар ўгай, ўгай эрур тун.
Шаҳарларнинг номи ўзгача,
Ет сўз яйрар боғу қасрда:
Одам тугул, оддий сўзгача
Қувғин бўлди қаттол асрда.
Сталин деб ном олган қотил
Томирини кесди Қримнинг,
Масжидларда қурдириб оғил,
Жигарини эзди Қримнинг.
Энди Тарих олисларда хўр,
Энди Тарих — топталган номус.
Туртмасин деб ҳар бир қалби кўр,
Ушлаб юрар қалтираб фонус.
Қора денгиз соҳилларига
Ул фонусдан нур тушар бугун:
Ватанимиз Бобилларига
Ин қурмишдир бойқушлар бугун.
Лекин биз-чи, биз эса жиммиз,
Ул зиёни кўрмаймиз ҳатто.
Биз ким эдик? Биз энди киммиз? —
Бош кўтариб сўрмаймиз ҳатто...

* * *

Искандар Фозилга

Ўйлатади Қрим тоғлари, —
Гоҳ денгизга, гоҳ Ерга сайқал.
Улар гўё бир қитъа нари
Халқ сабрига қўйилган ҳайкал.

Гоҳ елвизак булутлар аро
Бошларида ҳилпирар ҳилол.
Гоҳ бу тоғлар Ялдодан қаро,
Гоҳ туманда сузиб юрар лол.

Гоҳ уларга ёпишиб дайди
Чақинлару бўрон дўқ қилар.
Пинагини, лекин, бузмайди
Муқаддас тоғ, Шайтон чўққилар.

Бу тоғларни Ватан деганнинг
Боши тошдан бўлгуси бешак;
Тирик экан ишқи Ватаннинг
Туғ ясагай қуёшдан юрак!

БЎСАНИНГ СУВРАТИ

ОКТАВАЛАР

I

Бу қизнинг тушида ёз олар нафас,
Дунёнинг оқлиги тўлғониб ухлар.
Бу тўшга бир бора ҳали текканмас
Бўса деб аталган сеҳрли чўғлар.
Шу икки сийнадан шоҳлар бўлгай маст,
Қошида тиғ сингай, эгилгай туғлар,
Ҳозирча улар жим. Сийнабанд, бироқ,
Вулқон ухлаётган икки нотинч тоғ.

II

Бўсада бир сас бор, бир ўтли ҳис бор,
Кўринмас олов бор — дунё ёнадир;
Ҳеч ким исламаган жаннатий ис бор, —
Ислаган ҳар танда жон уйғонадир;
Бўсада мен борман, бўсада сиз бор, —
Бу ўпич аслида бир баҳонадир.
Илоҳий парвоздир ишқнинг ҳаёти,
Икки лаб — инсоннинг икки қаноти.

III

Бахтлиман, ҳар бўсам капалакнамо
Ё юзинг, ё кўзинг, лабингга қўнар,
Гоҳида иккала ҳандалак аро
Қирмизи лоладек дафъатан унар,
Кундуз ҳам бақбақанг остида гоҳо
Уйқулик бахт каби чўғланиб тунар.
Бўсани тинглагил: унда то абад
Тамшаниб яшайди гўдак муҳаббат.

ҚРИМДАГИ ИЖОД УЙИДАН ИККИ РЕПОРТАЖ

1

Бу йил эрта қайтди Кўктепалига
Бултурги совуқ куз, совуқ шамоллар.
Катта шоирларнинг тепакалига
Чиқолмай сирғалар катта хаёллар.

Худди ёрилгандек осмон қовуғи
Емғирлар қиялаб ураверади.
Деразанг рахида туннинг совуғи
Кундуз ҳам безрайиб тураверади.

«Хуршидсиз не даврон бу?» — дейман кулиб
Жилмайиб қўяди Хуршид Даврон ҳам.
Зоҳиджон Обидов аския қилиб.
«Қайта қурилмоқда, — дейди, — осмон ҳам!»

Сўнг осмон ҳақида фикр юритиб,
Инсон ожиз дея гапга тушамиз.
Қайсидир раҳбарни кунда қуритиб,
Кимнидир қайтадан сувга пишамиз.

Хушфеълу мулойим Муҳсин ака чун:
Беҳуда жўшмайди шуаро каби, —
Бир пайтлар жаҳонни титратиб, бугун
Ҳар ёнга илжайган Бухоро каби.

Салоҳиддин ака юрар койиниб
Ошкоралигимиз дудуқлигидан.
Гоҳ баъзи шеър узра кетар тойилиб
Шоирлар фикрининг суюқлигидан.


Шу тарзда эртамиз, индинимизга
Танқидий қараймиз хўп жўшиб-ёниб.
Сўнг кириб кетамиз ин-инимизга
Эртанги қуёшга қаттиқ ишониб.

2

Кузи эрта келган Кўктепалида
Бу йил кўпчиликмиз Ўзбекистондан.
Шунгами, деярли ёз маҳалида
Тинмай оби раҳмат ёғар осмондан.

Аҳд қилдик қуйганда бир шаррос тағин
Ўтмиш сарқити деб ёмғир юз фойиз!
Феодал даврдан қолган бу ёғин!
Ўрнига янгисин топмоқлик жоиз!

Наврўзнинг устидан Абдулла Ориф
Езиб эришди-ку мангу раҳматга,
Биз ёмғир устидан ёзамиз бориб
Литфонднинг раиси Саид Аҳмадга!



* * *

Хафа бўлманг мендан, эй кунлар,
Ғазабланманг, баҳор ойлари,
Ачинмангиз бағри бутунлар,
Мендан кулманг, замон бойлари:

Игна билан қазидим қудуқ, —
Ерман дея алдади тоғлар.
Ул игнамдан сачраган ҳар чўғ
Дафтаримда қолдирди доғлар.

Шеър деб аташ шартми чўғ томган
Шу дафтарим куюкларини?..
Соддагина болангман, Ватан,
Шарафлайвер буюкларингни!

Кўктепали — Ўтуз
1988 йил, август — сентябрь.



Турсун АЛИ

ТУЙҒУЛАР

* * *

Улкан дарахтнинг
барглари,
шохлари
ва бутун вужуди зангори.
Учиб келиб олислардан
унга қўнар,
шохларида ўйнар,
меваларин чўқир,
Турфа хил, турфа ранг қушлар,
Улкан дарахтнинг
Оқ яктакли боғбонин эса,
милтиғи йўқ қўлларида...

* * *

Қарғалар келди,
қанотларидан
қор ҳиди уфурар.
Чўзиқ товушларидан
аччиқ қор ёға бошлар.

* * *

Дардларимни булоққа айтсам,
У шивирлаб деди:
«Бери кел,
Нечун кўрмайсан,
кўзимдан оқаётган ёшларни?..»

* * *

Мен қаёққа кетаяпман,
ўзим ҳам билмайман.
Атрофимда ўрмалар туман.
Ва лекин юрагимда
уйғонмоқда қуёш.

* * *

Мен шу қадар ҳоридим,
Енаётган руҳимда кезар
Беғам одамларнинг қадамлари
Ва совуқ башаралари...
Мен шу қадар ҳоридим,
Гар сен бўлмасанг, муҳаббат,
Йиқилиб кетардим,
Капалак нафасидан ҳам...

* * *

Тушларимга киради дарахт,
Озиб-тўзиб туради маъюс.
Новдалари ғарибу карахт
Шамолларга тағин тутар юз.
Тушларимга киради дарахт,
На кулар у ва на йиғлар у.
Бир сўз демас, гапирмас наҳот,
Юрагимда уйғонар ғулу...

* * *

Тун... Шаҳарнинг қоқ ўртасида
Чирқиллайди яраланган қуш.
Ўкинч-алам ҳазин сасида,
Атрофига тикилар нохуш.

Мажруҳ қушча сўрайди нажот,
Эртасига қараб умидвор.
Худбин шаҳар қўйнида наҳот
Топилмаса бирон халоскор?..

Украина дафтаридан

КРИШАТИК

Не сўз билан тилга олай бугун
улуғ номингни,
Не сўз билан куйга солай, айт-чи,
буюк шонингни.
Ашъорларга мавзу бўлган ҳар лаҳза,
ҳар онингни,
Хаёлимни зумда тортган энг гўзал
томонингни,
Киевдаги машҳур маскан, эй азиз
Кришатик,
Инсон меҳри билан ўсган, эй, тенгсиз
Кришатик!
Кўҳна номинг авлодлардан авлодларга
ўтади,
Сенда юрган тўлқинланиб, фахрланиб
кетади.
Кўз нуридай асраб сени эҳтиётлаб
тутади,
Баҳра олиб эъзозлайди ва қадрингга
етади.
Тиллар узра достон бўлган,
эй, буюк Кришатик,
Зеб-зийнатни кўз-кўз қилган,
эй, етук Кришатик!
Созу сўлим қучоғингда яйраб-яйраб
кездим мен,
Шому саҳар ўзгинамни қушдай
енгил сездим мен.
Сенга атаб мисраларни юрган оним
тиздим мен,
Қучоғингда кўчанг бўйлаб қайиқ каби
суздим мен,
Юрагимга яқин бўлган, эй, обод
Кришатик.
Яша, яшна, яна гулла, қулоч от,
Кришатик.
Одам билан лиқ-лиқ тўлган
кечасию кундузинг.
Осмон ўпар кўп қаватли бинодан
узмам кўзим,
Қизил майдонинг борки, у Украина
юлдузи,
Ленин ҳайкалидан уқдим унинг
даъваткор сўзин.
Жойларнинг энг чиройлиси, гўзали
Кришатик,
Ҳар шоирнинг дилдан севган ғазали,
Кришатик!
Кафтдек текис асфальт йўлинг
кўзимга ўт кўринди,
Метроингда юрган сари янги
фикрлар унди.
Илҳом завқи симоб каби юрагимга
қуйилди,
Туғён урган фикрларим Десна
сувидек тинди.
Мангу ўчмас из қолдирган тарихий
жой, Кришатик,
Украин қизларидек ол чирой, Кришатик.

Жўра РАҲИМ



ТОШКЕНТ КЎЧАСИ

Дарница райони кўҳна ва кўркам,
Панжага тақилган узукка ўхшар,
Улкан Днепрнинг шўх суви ҳар дам
Унинг жамолига жамолин қўшар.
Бу ерда нима кўп, кўча кўп, сўлим,
Тоғлар тизмасидан ястанган бино.
Осмонга тик қараб кетгандир бўйи,
Завқландим мен уни кўриб ҳамоно.
Бир гўзал кўринди «Тошкент»
кўчаси,
Бутун бўйсундириб эътиборимни.
Кундузгига ўхшар ҳатто кечаси,
Тоғсимон кўтарди шу пайт
кўнглимни.
Дарахтлар қўшибди ҳуснига-ҳусн,
Ҳар хил магазинлар ростлашибди қад.
Одамлар қатнови бир ёқда турсин,
Транспорт юриши гавжумдир беҳад.
Қанча мақтов айтсам келади айтгум,
«Тошкент» кўчасининг кўринишига.
Чексиз ташаккурни бугун бахш
этгум,
Шу номни кўчага қўйган кишига.

ДАРАХТЛАР

«Гидропарк»да кўплаб дарахтлар,
Тизим тишдай илдизи очиқ.
Кўкаришган қайси бир вақтлар.
Тупроқларни атрофга сочиб
Кексайишган. Шохлари ҳам йўқ,
Лекин кўринишар хўп тетик.
Бир-бирига суяниб қолган,
Ажралишса қулаб кетгудек...
Юрагимга завқ-шавқ тўлдирди
Улардаги бу хил аҳиллик,
Украина, аҳиллар юрти,
Дўстлигимиз минг-миллион йиллик!

Наманган

КЎЗЛАРИМДАГИ ҲАЯЖОН

* * *

Қалдирғоч, ин қуриб унинг уйига
Эртаю кеч ўқийсан валфажр.
У сени тингламас, қулоғигача битган жир.

* * *

Мунча баландга ин қурмасанг, лайлак,
Ёхуд рангдор қушлар ичра,
Кўринмай қоларми бўй-бастинг?!

* * *

Менинг йиғлагим келди жуда,
Бироқ йиғлолмадим,
Йиғлаётган булутлар олдида.

* * *

Товушимни баланд қўйдим,
тоғлардан келди акси.
Бироқ, сен эшитмадинг.

* * *

Сенга дуч келсам,
Ситилиб кетади
ярадор кўксим.

* * *

Тили кесик шамолнинг,
Қушлар чирқирар,
Қаёқларга кетдинг, дарахт?..



Эврил ТУРОН (Мамадали Маҳмудов), Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Орол ўлаётир. Бунга ким сабабчи? Турғунлик даври сабабчи, ўзимиз сабабчимиз. Бир неча амалдорларимиз ўзларининг юмшоқ курсиларини ўйлаб Оролга хиёнат қилдилар. Яъни, кўрпага қараб оёқ узатмадилар; остонагача пахта экдирдилар. Пахта — элнинг ризқ-рўзи. Меъёр қонуни — улуғ қонун. Меъёр бузилиб, Оролга Сирдарё билан Амударё оқмай қўйди. Шўрлик денгиз она кўкрагидан ажралган гўдакдек ҳалокатга йўлиқди. Қорақалпоқ, Хоразм воҳаларини шўр, қум босмоқда, бу хавф бутун Ўрта Осиёга таҳдид солмоқда. Бойлик ортидан қувиш ва эртани ўйламаслик оқибати шунга олиб келди. Мана энди, эл-юрт қанчадан-қанча зарар кўраяпти, бундан кейин ҳам кўради.

Ер, Сув, Ҳаво ишдан чиқаётир. Бунга ким сабабчи? Яна турғунлик даври сабабчи, ўзимиз сабабчимиз. Бир тўда одам ўз шон-шуҳратини кўзлади, «Янги ерлар очамиз!» шиори остида иш тутди. Яъни, ўрмон, тўқай, чакалакзорларни қирқтирди, қуш, ҳашорат, ҳайвонларни қирдирди. Ҳаммаёқ яланғоч бўлиб қолди. Дунёда ўрмонсиз юрт борми? Рус, украин, кавказ, болтиқбўйи ўрмонлари чексиз-чегарасиз. Уларни кўриб киши ҳайратланади, қувонади, роҳатланади. Нега биз ўзбеклар уларга эргашмадик? Шунинг учун ҳам табиатнинг мувозанати бузилди. Бу ўз навбатида меъёр қонунини бузди. Янги ерларга ариқ, сой, дарё сувлари етмай қолди. Минг-минглаб насослар ер ости сувларини сўриб ола бошлади. Ер, Сув, Ҳаво, Одам, хуллас, жами мавжудот бутифос каби кимёвий дорилар билан заҳарланди. «Ҳой, бунинг оқибати ёмон бўлади», деган киши балога қолди, «пахта душмани» деган сўзлар билан қораланди. Натижада эл-юрт орасида бундай гап тарқади: «Пахта одамдан азиз».

Болаларни далада ишлатиш — жиноят. Бунинг олдини тез олмоқ керак. Акс ҳолда бу халққа, давлатга катта зарар келтиради. Агар пахта экини фақат Ўзбекистонда эмас, ҳосил етиштириш мумкин бўлган бошқа республикаларда ҳам экилса, нур устига нур бўларди. Масалан, Арманистон билан Жанубий Украинага пахта экиш мумкин-ку. Шунда давлат учун ҳам яхши бўларди. Ўзбекистон эса беда, буғдой, макка каби бошқа экинлар ҳисобига ерни бироз соғайтириб оларди, дарёларини денгизга оқизарди.

Яна, Кубанга мўл-кўл пахта экса бўлади. Кубан пахтаси Иваново тўқимачилик комбинатини таъминларди, бу иш давлатга ҳам фойда келтирарди. Зарафшон, Фарғона, Сурхон, Хоразм, Жиззах воҳаларида эса Ивановодагига ўхшаш тўқимачилик комбинатлари очмоқ зарур. Умуман, РСФСРдан ўрнак олган ҳолда ҳар бир вилоятда завод-фабрикалар очилса, миллий ишчилар синфи шаклланиши тезлашарди. Иттифоқнинг ҳар ёғидан келаётган ўртоқлар шаҳарларда эмас, пахта далаларида тер тўксалар, эл-юртга кўпроқ фойда берардилар, бу эса, студент ва мактаб болаларини меҳнатдан озод этишда ҳам қўл келарди. Пилла чиликдаги оғирликни... ҳам РСФСР, Украина, Кавказ, Молдавия каби ўлкалар ҳисобига енгиллатмоқ керак. Бундан халқ, давлат фақат фойда кўради...

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одати бор. Бироқ энди бу урф-одатлар аста-секин йўқолаётир, тўғрироғи, битта шаклга кираётир. Тил, тарих, уст-бош, феъл-атвор, маданият, санъат ҳам шу тақдирга йўлиқаётир.

Бунга ким сабабчи? Бунга ҳам турғунлик йиллари сабабчи, ўзимиз сабабчимиз. Гўёки оқ, қизил, сариқ... хуллас, жами гуллар ўрнига фақат бир гул бўлишини истаётирмиз. Аслида, чинакам гулдаста турли гуллардан ҳосил бўлишини унутмаслигимиз керак. Турли гуллар ўзига хос тарзда ўсиб ривожланади, ҳеч қачон улар бир гулга айланмайди, зеро, бу табиатнинг ўлмас, ўзгармас қонуни, зотан унинг гўзаллиги, кучи, сири ҳам шунда. Ўзбек ўзбекча, рус русча, эстон эстонча, хуллас, ҳар бир халқ ўзига хос урф-одатини сақлаб яшагани маъқул, шунда дунё ўз рангини, ўз файзини, ўз маъносини йўқотмайди. Бу ҳақда рус файласуфи Белинский яхши фикрлар айтган:

«Ҳар бир халқ ўзига хос тарзда яшасагина, жами халқлар хазинасига ўз улушини қўша олади».

«Урф-одатлар халқнинг қиёфасидир, уларсиз халқ — қиёфасиз образ, беҳуда ва амалга ошмайдиган хаёлдир».

Партия ва ҳукуматимиз «ҳалол бўл», «тинчтотув яша», «тўғри ишла», деб насиҳат этадилар.

Ленин айтган: «Ҳеч қандай миллатга, ҳеч қандай тилга бironта ҳам имтиёз берилмаслиги керак» (В. И. Ленин, ТАТ 19 т. 77-79-бет).

Бироқ сталинизм даврида ва ундан кейинги турғунлик йилларида бу улуғ назария оёқ ости қилинди, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий каби истеъдодлар шу даврнинг қурбони бўлдилар. Марксизм-ленинизмни тушунмайдиган, адабиётдан «адаб» сўзини билмайдиган бир тўда нодон одам партияни қурол қилиб, партиянинг шаънига доғ туширди.

Баъзи бировлар гуржулларнинг «Тавба-тазарру» кинофильмидаги Варламдек ўттизинчи-эллигинчи йилларда роса «иш кўрсатганлар». Шундоқ экан, саксонинчи йиллар варламларидан ҳам эҳтиёт бўлмоқ зарур. Саксонинчи йиллар варламлари... Наҳот, саксонинчи йилларнинг ҳам варламлари бўлса?! Бор. Мана «Тавба-тазарру»нинг режиссёри Тенгиз Абуладзенинг гапи:

«Бундай (Варламдай) қаҳрамонларни истаган даврда, истаган мамлакатда топиш мумкин... Улар одамийлик ниқобини қалқон қилиб зимдан иш кўрадилар, ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай разилликдан тоймайдилар» («Шарқ юлдузи», 1987 й. 7 сон, 172-бет).

Сталин давридаги варламларни эслайлик: улар қанча-қанча кишиларнинг ёстиқларини қуритмадилар?! Узоққа бормай, ўзимиздан мисол келтирайлик: қани Фитрату Чўлпонлар?! Энди орадан кўп йиллар ўтган бир замонда, ўша машъум йилларнинг хатолари тузатилмоқда. Нега ўшанда бунинг олди олинмади, варламлар янчиб ташланмади?! Қўрқоқлик, соддалик, гўллик, ишонувчилик панд берди. Варламлар шундан фойдаландилар, элпарвар, юртпарвар одамларга «халқ душмани», «юрт душмани» деб айб қилдилар. Ҳа, эл-юрт учун жонини куйдириб хизмат қилган киши «эл-юрт душмани» деб аталди!

Модомики, шу ҳақда гап очилдими, табиий равишда шундай савол туғилади: бош миллатчи ким эди ўшанда? Шубҳасиз, Сталин! Қорачой, болқар, чечан, ингуш, нўғай, қримтатар ва туркларни ким бадарға қилди? Сталин!.. Наҳот бутун-бутун халқлар айбдор бўлсалар?! Бунинг илдизига етмоқ керак. Бунда Сталин ўзининг маккор миллатчилигини сездириб қўйган. Худди шу Сталин Қутайба мисол, халқлар ўз тарихини билмасин, деган ёвуз ниятда алфавитларни ўзгартирди...

Н. С. Хрушчев даврига келиб эркинликка қисман йўл очилди, жумладан, адабиётга ҳам... Мадҳ, қофиябозлик, риторика... хуллас, аравани қуруқ олиб қочиш замонлари нисбатан чангда қолди. Рус халқи биринчи бўлиб ибратли ишлар қила бошлади. Бу ҳақда Чингиз Айтматовнинг гапи бор:

«Рус ёзувчилари, адабиётшунослари каттакатта ишларни амалга ошираяптилар. Кимнингдир субъектив фикри туфайли тарих қатида анчадан буён қолиб кетган бир қатор ижодкорларнинг, жумладан Гумилев, Хлебников ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди.

Дейлик, Бунин. Унинг ёзганлари орасида Улуғ Октябрь социалистик революциясини қораловчи «Лаънати кунлар» асари ҳам бор эди. Агар рус биродарларимиз бу адибга нисбатан ҳанузгача кек сақлайверишганда эди, биз Буниндек улкан ёзувчининг бирорта ҳам асарини ўқий олмаган бўлардик» («Шарқ юлдузи», 1987 йил, 7 сон, 10-бет).

Ҳақ гап. Кек сақланса, фақат ютқизилади. Бу борада руслардан бағри кенгликни ўрганиш лозим. Борис Пастернак, Александр Набоков, Ходосевич, Анна Ахматова, Марина Цветаева, Михаил Булгаков каби атоқли адиблар қанча-қанча жабр-зулм кўрдилар. Охири ҳақиқат қарор топди. Халқ уларнинг асарларини севиб ўқимоқда. Ичи ковак, ғаразгўй, талантдан «т» ҳарфи йўқ варламлар эса номнишонсиз йўқолдилар.

Энди кўзни катта очиб ишламоқ, саксонинчи йиллар варламларидан эҳтиёт бўлмоқ керак. Варламлар... Улар — инсон қиёфасидаги махлуқлар...

Тил — миллатнинг жони, деймиз, тилини йўқотган миллат ўзини ҳам йўқотади. Тил ҳақида Э. Юсупов ўринли фикр юритган:

«Тилни қадрлаш — миллатни қадрлаш демакдир. Миллатлар ўртасидаги муносабатларга ҳам таалуқлидир» («Тошкент оқшоми», 1987 йил, 5 ноябрь).

Шу нуқтаи назардан қаралса, ҳатто ҳозирги кунда ҳам Она тилга эътибор етарлича эмасдек туюлади. Ҳар бир ўзбек фарзанди ўз миллатини, ўз тилини севишни, улуғлашни руслардан ўрганиши керак. «Тилга эътибор — элга эътибор», деган мақол бор. Ким ўз Она тилини қанча севса, элини ҳам шунча севади. Миллат сони билан эмас, сифати билан белгиланади. «Миллатнинг муҳим бойлиги — миллатнинг маънавий қиёфасидир», деб Н. Г. Чернишевский бежиз айтмаган. Туркий тилларнинг бир тармоғи бўлмиш — ўзбек тили — бой, гўзал, бутун рангларга тўла тилдир. Бироқ, Она тилимизга эътиборсиз қарамоқдамиз. Мактабларда «Ўзбек тили» кам ўтилаётир. Тўққизинчи, ўнинчи синфларда эса «Она тили» ўқитилмаяпти. Институтларда-ку «Ўзбек тили» дарсини фақат орзу қилмоқ мумкин. Шу сабабли ҳам мутахассислар, олимлар ўз тилларида ёзиш-ўқишни унутиб қўймоқдалар. Кандидатлик, докторлик ишлари ҳам рус тилида ёзилаётир ва буларнинг тақдири Москвада ҳал бўлаётир. Киноценарийлар ҳам шундоқ. Ҳатто Ўзбекистон ССР Агросаноат Давлат комитетида деҳқонларга тавсиялар рус тилида чиқарилаяпти. Сувчи, ҳайдовчи, теримчи, чўпон, ўроқчи... хуллас, оддий қишлоқ хўжалик кишилари бундай гапларни ўз тилларида ўқишлари керак. Мабодо мутахассис олимга: «Ўзбекча ҳам ёзинглар», деб айтсангиз улар: «Ўзбекчага қўлимиз келмайди», деб жавоб қайтаришади.

Шуниси ачинарлики, мактаб программалари деярли қотиб қолган, уларда узоқ йиллардан бери бир хиллик ҳукм сурмоқда. Бу ҳаёт қонунига зид, ҳаёт қонуни ҳамиша ривожланишда, акс ҳолда унинг кўлмакдан фарқи қолмайди. Шу сабабли ҳам мактаб программаларини Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Ҳусрав Деҳлавий, Низомий Ганжавий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Жамшид, Қозизода Румий, Наршахий, Шарафиддин Али Яздий, Шахобиддин Насавий, Мирхонд, Хондамир, академиклар Ҳабиб Абдуллаев, Яҳё Ғуломов сингари аждодларимизнинг номлари билан бойитмоқ керак. Шунингдек, мактабларда тасвирий санъат, унинг мағизи ва тарихи ҳақида дарс бермоқ керак. Утмишда Самарқандда, Тожмаҳалда, Ҳиротда рассомлар академиялари бўлганлиги, уларда Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Самарқандий, Боғишамолий каби ўнлаб улуғ рассомлар ўлмас ишлар қилганликларини унутмаслик зарур. Самарқандда тасвирий санъат академиясини қайтадан тикласа бўлмасмикан?

Яна бир гап: Бартольд, Бертельс, Греков, Якубовский, Гумилев каби шарқшунос олимларнинг асарларини, Ал Мутаннабий, Гегель, Шеллинг, Кант, Фейербах сингари файласуфларнинг китобларини ўзбекчалаштирмоқ лозим. Бу борада ҳам руслардан ўрганмоқ керак. Архаик сўзларни ҳам зийрак кўз билан қараб чиқмоқ зарур... Хулоса қилиб айтганда, мактаб, институт программалари юқорида қайд этилгандек бойитилса, «Ўзбек тили» ва «Ўзбек тили стилистикаси» қувват билан ўқитилса, мутахассис олимлар ўз тилларида ҳам ёзиб-ўқий оладилар. Қолаверса, мактабларда араб тили ҳам ўқитилиши керак. Чунки тарихимиз шу тилда ёзилган. Аслида тарихимиз ва маданиятимизни кенгроқ ўрганмоқ учун аввалги имломизга қайтадиган вақт келди — бу марксизм-ленинизмга мос иш бўлади. Бунинг учун олимларимиз, ёзувчиларимиз, хуллас бутун халқимиз жон куйдириши керак...

Исломдан бир неча юз йиллар олдин Самарқандда қоғоз ҳам ишлаб чиқарилган. Бироқ Қутайба ўз қўшинига шундоқ буйруқ берган:

«Туркларнинг бойлигинигина эмас, юрагини ҳам эгаллаш керак. Турк ёзуви, тили, тарихи, адабиёти, санъати, маданияти ва урф-одатини оёқости қилиб, ўзларини қириб, исломни ўрнатмоқ ва бу юртни бошдан-оёқ араблаштирмоқ керак».

Шундоқ қилинди ҳам. Ким Қутайбага бўйсунмаса, яъни исломни қабул этмаса, унинг бошини кесишди, бола-чақасини ўлдиришди, мол-ҳоли, ер-сувини тортиб олишди ва Туронни араблаштиришга киришишди. Ҳатто туркий отларимизгача ўзгартиришди. Мана, Наршахий билан Берунийнинг битиклари:

«Кимки урушга яроқли бўлса, ҳаммаси ўлдирилди, қолганлари асир қилиб олинди, шундай қилиб Пайкандда ҳеч ким қолмади».

«Қутайба ибн Муслим ал Воҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдирганлари сабабли улар саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига таянадиган бўлдилар».

Қутайба биринчи галда туркий ёзувни йўқотди. Турк ўз тарихини ўқий олмай қолди. Сабаби, энди турк араб ёзувида ўқимоқда эди.

Сталин эса, араб имлосини ҳам ўзгартирди. Натижада, энди араб босқинидан кейинги тарихимизни ҳам ўқий олмай қолдик.

Дунёда «тоза тил» йўқ, тилларнинг бир-бирига таъсири бор. Бироқ, барибир ҳар киши ўз тилининг тозалиги учун қайғуриб курашмоғи керак. Ушбу сатрлар муаллифи ўзбек, туркман, озарбойжон каби туркий қавмларнинг отлари асосан арабча ва қисман форсча эканлигини ҳисобга олиб Уйғон, Қўзғол, Кунтуғди, Ойтўлди, Чекилма, Бирлаш, Қўрқмас, Турон, Жайхун, Сайхун, Ииқит, Севил, Ўзар, Тикла, Қутлуғ, Эрк, Ёнар, Ерит, Эврил, Олиш, Қирқар, Титрат, Ярат, Узгармиш, Кураш, Еқар, Етказ, Тингла, Ўрган, Қайтма, Етуқ, Чекинма, Етакчи, Аланга, Оқла, Сўнма, Кучайт, Ечар, Аяр, Оқой, Кучли, Кескир, Ейил, Элчи, Туташ, Тиниқ, Енгар каби ўн мингга яқин туркий отларни тўплади ва уни китобча шаклида элюртга ёйиш ниятидадир.

Ҳар бир миллат кишиси ўз тилининг тозалиги учун курашмоғи зарур ва бу ҳеч ҳам миллатчиликка кирмайди. Ким аксинча ўйласа, демак унинг нодон одамдан фарқи қолмайди, демак унинг ўзи миллатчидир. Ҳар бир киши ўз тилини қон-қони, жон-жони билан севса, шундагина у ўзлигини теран англаган бўлади. Бироқ, қадам суст.

Миллий туйғу — дунёда энг нозик туйғудир. Унга тиниқ кўнгил билан ёндошилмаса, халқлар ўртасидаги меъёр қонуни бузилади. Шубҳасиз, Ўзбекистонда ўзбеклар кўп яшайдилар ва шунинг учун ҳам бу юртнинг номи Ўзбекистон. Демак, ҳақли равишда, ҳамма соҳада китоблар ўзбек тилида ҳам чиқиши ва ишлар ҳам ўзбек тилида олиб борилиши керак. Кўча, магазин, иш жойи, хуллас, ҳамма-ҳамма ерда ёзувлар ўзбек, рус тилларида ёзиб қўйилиши лозим. Бу миллатчиликка кирмайди! Ўзбек ўз миллатини, ўз тилини, ўз юртини бошқалардек севолсагина оламшумул ишларни қилишга кўпроқ қодир бўла олади. Бошқа халққа ошиқча суянган халқнинг мустақил фикр юритиши қийин. Ленинча миллий сиёсат бунга қарши ва шунинг учун ҳам халқлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик мавжуд.

Ўзбеклар рус тилини биладилар, бироқ нега Ўзбекистонда яшовчи рус ва бошқа миллатлар ўзбек тилини деярли билмайдилар? Мамлакатнинг Европа қисмидан келган, келаётган кадрлар балки жуда ишчан, қобилиятли кадрлардир, бироқ улар ўзбек тилини, ўзбекнинг ўзига хос урф-одатларини билармиканлар? Бу ўринда олим Эркин Юсуповнинг: «Янги раҳбар кадрлар маҳаллий шароитлар, имкониятларини яхши билиб, халқнинг урф-одатлари, маданияти, тилини ҳурмат қилган тақдирдагина муваффақиятли иш олиб боришлари мумкин», деган фикрга тўла қўшилмоқ керак. Қолаверса, етмиш йил ичида маҳаллий ўзбек, рус, татар каби миллатлардан ҳам муносиб кадрлар етишиб чиқдилар. Зеро, улар бир-бирларининг тилларини ҳам яхши биладилар. Тил ўрганиш фақат фойда беради. Мана юнон файласуфи Пифагор (Эр.олд. 580-500 й.й.) билан нидерланд ёзувчиси Эразм Роттердамскийнинг (1469—1536 й.) фикрлари:

«Қайси халқнинг урф-одатини билай десанг, аввало унинг тилини ўрган».

«Тил — дўстлик, ҳамжиҳатлик воситаси».

Карл Маркс: «Ҳар қандай миллат бошқа миллатлардан ўрганади ва ўрганиши ҳам керак», деган. Демак, ўзбек халқидан ўрганиш учун унинг тилини билмоқ лозим.

Маркс билан Энгельс: «Тил — онг каби қадимийдир», деб айтишган. Ҳар бир миллатнинг тили замонлар оша ўз гўзаллигига гўзаллик, ўз кучига куч, ўз бойлигига бойлик қўшиб боради ва доим шундоқ ривожланишда бўлади. Ривожланиш эса материя каби чексиздир. Бироқ қайси тил ўзини «Улуғ», «қудратли» деб мақтаб, ўзга тилни «қашшоқ», «дағал» деб камситса, шубҳасиз, у нафрат ва қарғишга йўлиқади! Шунинг учун ҳам немис драматурги, театр арбоби Г. Лаубе (1806—1884): «Халқнинг тилига ҳужум, унинг юрагига ҳужумдир», деб айтган.

Шубҳасиз, эл-юртни севиш керак, бундай туйғудан маҳрум кишининг маҳлуқдан фарқи бўлмайди, бироқ эл-юртни севиш туйғуси самимий бўлиши керак. Ким ўз Ватанини, ўз халқини, ўз тилини, ўз урф-одатини севмаса, у бошқа миллатни севолмайди. Байроннинг мана бу гапи фикримизни яққол тасдиқлайди:

«Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нарсани севолмайди».


Жуда тўғри гап. Ўзини севмай, ўзгани севиш мумкин эмас. Бироқ ўзини севиш, ўзгани ерга уриш ҳисобига бўлса, бундай севги сохтадир.

Бу Маркс, Энгельс, Ленин таълимоти асосида келиб чиққан мушоҳададир. Бироқ, масалан, «Освобождение Европи» кинофильми шу таълимотга жавоб бера оладими? Кинофильмнинг оти, мазмуни яхши. Лекин унда байналминаллик руҳи етинқирамайди. Фильмда ўзбек, туркман, қирғиз, эстон, озар, қозоқ, абхаз... каби миллатларнинг ўғлонлари ҳақида ҳатто бир оғиз ҳам гап йўқ... Аслида, СССР халқ ва элатларининг бирлиги босқинчиларни енгди. Буни унутиш — марксча-ленинча байналминалликдан узоқлашиш демакдир.

Тағин шуни айтмоқ жоизки, Москва, Ленинград, Курск каби шаҳарлар ҳақли равишда қаҳрамон шаҳарлардир. Бироқ уруш учун моддий негиз вазифасини ўтаган Урта Осиёнинг лоақал бирор вилоятига шундай ном берилса бўлмайдими? Ахир, Ўрта Осиё фуқароси Улуғ Ватан уруши йилларида ўзи оч-яланғоч қолиб, топган-тутганини жангчиларга жўнатган, етим-есирларни ўз бағрига олган эди-ку. Бу, қайси қаҳрамонликдан қолишади?

Қуёш, Сув, Ҳаво, Ерсиз ҳаёт йўқ. Тарихсиз юрт, миллат, тил йўқ. Тарих халқнинг ўзлигини танитгувчи ва уни ботирликка, тўғриликка, ватанпарварликка ундовчи улуғ кучдир. Ўзбекнинг тарихи ҳам қадим ва бой. Бироқ, мактабларда бу хазинанинг миллиондан бир бўлаги ҳам ўтилмаётир. Тўққизинчи, ўнинчи синфларда бўлса Ўзбекистон тарихи ўқитилмаяпти. Институтларда тарих дарсини фақат орзу қилиш мумкин. Ҳатто дорилфununнинг журналистика факультетида бу фандан сабоқ берилмаётир. Қани, айтинг-чи, ўз тарихини, қолаверса, дунё тарихини билмай туриб журналист бўлиш мумкинми?


Сўнгги йилларда «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг тўрт томи нашр этилиб, хайрли иш қилинди. Бироқ минг-минг йиллик тарих бир китобга жо бўлганлигини қандоқ тушунмоқ керак? Нега ўтмишимиз тўғрисида том-том китоблар чиқмаяпти? Тарихимизни холис ёритадиган вақт келиб етди.



АДОЛАТНИНГ ЗАНГ БОСГАН ТАРОЗИСИ



ЁКИ ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИШИДАГИ НОМУТАНОСИБЛИКЛАР



Раул МИРҲАЙДАР

«Комсомольская правда» газетасида чоп этилган «Хонадонни тунаш» деб номланган мақолани ўқиб ўтириб, ўзимни алланечук сездим. Буни қарангки, хўроз ҳамма ерда бир хил қичқирганидек, ўғирликлар ҳам бир хилда кечар экан. Ўйлайманки, эндиликда бу ҳақда баралла гапириш, жиноятчиликни миридан сиригача фош этиб ташлашнинг пайти келганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Мамлакатимизда жиноятчилик шу даражада авж олиб кетдики, сўнгги икки-уч йил оралиғида у ёки бу ҳолда жиноятчиларнинг зуғумига дуч келмаган оила кам бўлса керак. Фикримизнинг асосли чиқиши учун турмуш тарзимизнинг «барометри» — матбуотимиз саҳифаларига разм солайлик. «Известия» газетаси мамлакат бўйлаб сохта пуллар бемалол «сайр» этиб юрганини, давлат аслаҳалари эса уларни керагидан зиёд босиб чиқараётганини ёзади. Худди шу мақоланинг қуйироғида Бокудан тайёра олиб қочилганлиги ҳақидаги хабарни ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Қозоғистон ССРнинг Олға шаҳрида музофот ички ишлар бўлимига талончиларнинг бостириб киргани ва пўлат сандиқдан 14 та жиноий иш ҳужжатлари ўғирланганини эшитганингиздан сўнг тамоман ҳушингизни йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас.

«Ташкентская правда» газетасида «Хавфли чизиқ ёнида» сарлавҳали мақола ҳам жамиятимизда туп қўйиб, томир отаётган иллатдан дарак беради. Мана ўша мақоладан бир парча:

«Ўтган йили жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан 169 та жиноятчилар тўдаси фош этилган. Бу тўдалар 1 минг 740 та жиноят содир қилганлар. Шулардан 22 таси қотиллик, 11 таси жинсий зўрлаш, 108 таси талончиликдан иборат.

Жумҳуриятимизда ташкил этилган махсус бўлинма уюшган жиноятчиларга қарши курашда сезиларли даражада фаоллик кўрсатди. Уларнинг иштирокида 1 минг 730 та жиноят фош этилди. Утган йилнинг ўзида учта «Қонун муҳофаза қилган ўғрилар», 15 та ўта хавфли, 33 та «обрўли» жиноятчилар жавобгарликка тортилди. 6 мингта ҳар хил тоифадаги жиноий ишларнинг олди олинди. 5 миллион сўмлик қимматбаҳо буюм, 94 та отадиган ва совуқ қурол, 75 килограмм заҳригиёҳ, 48 та автомашина...»

Нималар бўлаяпти ўзи?

Мамлакат бўйлаб жиноий жавобгарликка тортишнинг янги қонуни лойиҳаси муҳокама қилинаётган кезда бу ҳақда жиддий фикрлашиб олишимиз зарур. Тўғри, лойиҳа муҳокамасида асосан ана шу соҳанинг пирлари — ҳуқуқшунослар, назариётчиларнинг фикрлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шу нарсани таъкидлаш керакки, қабул қилинаётган қонун лойиҳасида «уюшган жиноятчилик», «мафия»лар назарда тутилмаганлиги муҳокама жараёнида маълум бўлди. Гўё мамлакатимизда бундай жиноятчилар умуман йўқдай.

«Юность» журналининг шу йилги учинчи сонида ҳуқуқшунослик фанлари доктори Г. Хохряковнинг «СССРда мафия: ўйлар, фикрлар, далиллар» деб номланган мақоласи чоп этилди. Уқиб, бу яқин орада осойишта умр кечиришнинг иложи йўқ экан-да, деган фикрга келади киши. Бизнинг қонунчиларимиз эса, ҳали ҳамон қоғозлар исканжасидан халос бўла олмай юрибдилар. Кўнгилни кенг қилиб, мамлакатимизда юзага келган мавжуд аҳволдан журналистларимиз, ёзувчиларимиз орқалигина хабардор бўлаётганимизни тан олайлик. Аслида бу ҳақда Ички ишлар министрлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, Ҳуқуқшунослик министрлиги, Олий суд ва прокуратура, партия, комсомол, касаба союз ҳамда депутатларимизнинг катта қисми ва бошқа мутасадди ташкилотлар биринчи бўлиб мавжуд вазиятдан кенг оммани хабардор қилишлари лозим эди.

Халқ хўжалигида юзага келган иқтисодий, моддий, ғоявий парокандалик жиноятчиликка қарши курашадиган ташкилотларнинг фаолиятида ҳам содир этилганлиги эндиликда аён бўлиб қолаяпти. Бугунги кунга келиб биз гражданларнинг деярли ҳамма томонлама, ҳатто ҳуқуқий жиҳатдан ҳам муҳофаза қилинмаганлигини англай бошладик. Бўлиб ўтган сайлов жараёнини кузатиб, ўйланиб қоласан киши. Буни қарангки, мамлакатда ҳуқуқ-тартибот муҳофазаси шу қадар ночор аҳволга келиб қолгани барчага маълум бўлгани ҳолда ҳурматли депутатларимизнинг аксарияти ўз режаларини баён қилаётиб мазкур масалани четлаб ўтдилар.

Уртоқ Михаил Сергеевич Горбачев шу йил апрель ойида матбуотда эълон қилинган зиёлилар билан суҳбатида «Жамоат тартиби ёмонлашди, ҳатто айрим жойларда тартиббузарлар ва жиноятчилар ҳаддиларидан ошиб кетаяптилар», деб алоҳида таъкидлади. Бу хусусда атрофлича гапиришнинг пайти етилди. Шу муносабат билан ўз қарашларимни таклиф сифатида таъкидлашни лозим деб ўйлайман:

1. Аввало мамлакатда жиноий ишлар СССР Олий Советининг янги сессияларидан бирида ёки махсус пленумда алоҳида масала сифатида кўрилиши шарт.

2. Агар биз гражданларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазаси ҳақида қайғурар эканмиз, аввало буни амалда исбот этишимиз зарур: шу сабабдан таланган, тунаб кетилган, жабрланган ва ҳоказо инсонларга аниқ муддатда зарар кўрган миқдорда ҳукумат тўловини жорий этиш лозим. Шундагина жиноятчиларга қарши курашиш давлат аҳамиятига молик иш даражасига кўтарилади. Ички ишлар министрлигида ишлар жонланади, жиноий ишлар ўз муддатида очилади, жойларда жавобгарликка тортиш ишининг ташкилий жиҳатдан самарадорлиги ва моддий манфаатдорлиги ошади. Ниҳоят, жиноятчилар ҳукумат билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар.

Ҳозирги аҳволда, масалан, ойлаб, йиллаб емай-ичмай оиласининг тирноқлаб йиққан жамғармасига сотиб олган машинасини ўғирлатган одам жиноятчи ҳукм этилган жойдан ойига кўпи билан 5 сўм миқдорида товон пулини дўқ-пўписали мактуб билан қўшиб олишга маҳкум. Аслида ҳар қандай давлатда мана шундай ҳақоратомуз хат учун янги жиноий иш қўзғатилиши керак. Бизда эса бунинг акси — жиноятчилар доимий равишда жабрланганларни ҳақоратлаш, ҳатто ҳуқуқ-тартибот ташкилотларини муттасил чалғитиш билан шуғулланиб келишади.

Мабодо ғарб мамлакатларидаги қонунчиликка нисбат берадиган бўлсангиз, азиз ўртоқлар, уларнинг турмуш шароити, имкониятлари, иқтисоди, оладиган маошлари ўзларига хос-да, деб тушунтириб қўядилар. Айтайлик, ўша томонда хонадони талаб кетилган одам узоғи билан бир-икки йилда ўз моддий аҳволини тиклаб олиши мумкин. Бизда эса (бу кўргиликни ҳеч кимнинг бошига солмасин) йиллар кетидан йиллар ўтса ҳам жиноий ишлар очилмай қолиб кетаверади.

Бунга жумҳуриятимиз вилоятларидан ва шаҳарларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жойлардан келаётган шикоят хатларидан кўриниб турибдики, том-том жиноий ишлар ниҳоясига етказилмай қолиб кетаяпти. Вақти-соати билан бу масала даврнинг долзарб масаласига айланиб қолиши, шубҳасиз. Чунки амалдаги ҳуқуқ-тартибот муҳофазаси қонунлари бу муаммони мустақил ҳал этишга ожизлик қилиб келаяпти.

Бунинг устига кейинги пайтда жабрланганлар бир четда қолиб, маҳкумларга қайишиш, раҳмшафқат кўрсатиш тарғиб қилинаяпти. Балки, шундай қилиш тарбиявий жиҳатдан ўзини оқлар, аммо бу билан содир қилинажак жиноятларнинг олдини олиб бўлармикан?

Гапнинг индаллосини айтганимизда, қонун аввало жабрланганларни қатъий ўз ҳимоясига олиши ва шу нуқтаи назардан жиноятчига нисбатан жазо белгиланиши керак. Ахир жабр кўрганлар ҳеч вақт ўғридан келиб, менинг хонадонимни тала, машинамни ўғирла, қизимни зўрла, ўғлимнинг бошини ёр, ўзимни тепкилаб, майиб қилсангчи, деб илтимос этмайди-ку!

Қуйидаги воқеани эшитинг. Икки ўсмир қишлоқ томошахонаси ёнида бир йигитни дўппослаб кетишган. Калтакланган йигит бир умр ногирон бўлиб қолди. Жиноятчилар 5 йил озодликдан маҳрум бўлдилар. Икки йилдан сўнг давлат авфи билан қамоқдан озод этилдилар. Хўш, энди ҳалиги ногироннинг аҳволи нима кечади? Бир челак сувни ҳам кўтаришга ярамай қолган шўрлик бир умр қирқ сўм атрофида нафақа олишга маҳкум. Еш умр хазон этилди.

Адолат юзасидан фикрлайлик, эҳтимол, жиноятчилар қилмишига яраша жазо олди ҳам дейлик. Шу билан ора очиқ бўладими? Масаланинг айнан шу нуқтаси ҳал қилувчи тарбиявий

рол ўйнаши керак. Жиноятчиларнинг гарданига ана шу ногиронни бир умр боқиш, кийинтириш, соғлиғини асраш қонун йўли билан юклатилганда эди, бу сингари жиноятни содир қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмас эди.

Қолаверса, нима учун давлат, яъни сиз билан биз қайсидир безбет безорининг айби билан ногирон этилган одамни ўз ҳиссамиздан боқишимиз керак? Бу фикрни айтиш майдакашлик эмас. Инсонийлик нуқтаи назаридан шундай бўлиши шарт. Чунки ҳуқуқли ҳокимиятда қонун аввало сиз билан бизнинг манфаатимизни ҳимоя қилишга қаратилган.

Яна инсонпарварлик ҳақида. Эндигина 16 ёшга қадам қўйган ўспирин қотиллик қилиш жиноят эканлигини билмайди, деб ўйлайсизми? Бу тушунча ёш ғўдакка ҳам маълум гап-ку! Ғарбга эргашавериш керак эмас. Мабодо қаерлардадир Олий жазога маҳкум этиш бекор қилинган бўлса бордир — уларнинг йўли бўлак. Келинг, майли жиноятлар миқдорини таққослаб кўрайлик: 1988 йилда бизда 17 мингга яқин, АҚШда эса 20 минг қотиллик содир бўлди. Кўриниб турибдики, ораликдаги фарқ ҳеч қанча эмас. Ваҳоланки, бизнинг давлат тузумимизда инсонга меҳр-муҳаббат улуғланади, бунинг устига мамлакатимизда АҚШдаги каби қурол-яроқларнинг очиқ савдоси йўқ. Тасаввур қилиб кўринг, агар қурол-яроқлар савдоси йўлга қўйилган бўлганида ҳолимиз нима кечарди?!.

Агар биз АҚШ билан соғлиқни сақлаш, турмуш тарзимиз сифати бўйича баҳслашсак бунинг аҳамияти бўлакча эди. Афсуски, далил-исботлардан юз ўгириш мумкин эмас.

Кейинги пайтларда матбуотда қуролни тортиб олиш мақсадида милиционерларга қилинаётган ҳужумлар ҳақида кўплаб хабарларни ўқиётибмиз. Яширибгина нима қиламиз, жиноятчилар тобора яйраб бораяптилар. Хонадонларни туновчилар, чўнтаккесарлар, талончилар, фоҳишаларнинг ўртача ёши 12—13—14 дан ошмайди. Ишонаверинг, уларнинг кўпчилиги пионер ёшида!

Аёл зотининг жиноятчилигига нима дейсиз? Табиати нозик, ҳатто атрофидагиларнинг доимий мулозаматига, ҳурматига сазовор бўлиб келаётган аёл қайси мамлакатда шунчалар тубанлашиб кетган? Демак, хотин-қизлар орасида жиноятчиликнинг ўсиб бораётгани — алоҳида масала. Бу тўполончи хонимчаларнинг жиловини ортиқча бўш қўйиш ярамайди.

Жиноят оламининг ўз назариётчилари, тарғиботчилари бўлади. Улар бизнинг лоқақдлигимиздан, сусткашлигимиздан, иккиюзламачилигимиздан тез ва соз фойдалана оладилар. Биз эндигина уюшган жиноятлар ҳақидаги маълумотларга дуч кела бошладик. Аслида бу — янгилик эмас. Улар бизга нисбатан уюшқоқроқдирлар. Айниқса, кейинги йилларда миллионлар қўлдан-қўлга ўтиб турган кезда бунинг ҳайрон қоларли жиҳати йўқ. Оддий қиморбознинг бир кечада миллион сўм ютиб ёки ютқазиб турганини кўз олдингизга келтиринг.

Жиноятчилар орасида меҳнатни ташкил этиш аллақачон мукаммал йўлга қўйилган! Ҳар бирининг ўз вазифаси аниқ — хонадон талончилар, ёлланган қотиллар, йирик талончилар...

Биттаси жараённи ипидан игнасигача ўрганади, жараён режасини тузади, ижро этувчилар эса, қўлида изига қайтиш учун учоқпатта тайин ҳолда четдан келиб, ишни амалга ошириб кетади. Шунга қарамасдан, қонунларимиз жабрланувчиларга эмас, жиноятчиларга қайишаверар экан, ишонаверинг, янги-янги жиноятлар содир қилиш имкониятлари очилаверади. Чунки бизнинг раҳмимиз келаётган ўша 14-15 ёшли ўғриваччаларнинг орқасида тоғдай суянчиқлари — ҳақиқий жиноятчилар турибгина да! Ёшларни бу ишга жалб қилиш, ўз орқаларидан эргаштириш, керак бўлганида рағбатлантириш учун уларнинг имконияти ҳам, қудрати ҳам етарли. Бизнинг ҳуқуқ-тартибот ишимиздаги номукаммалликни яхши билган, кўнгилчанлигимиздан хабари бор жиноятчи ўзининг сувдан қуруқ чиқишига ишонади.

Олижаноб замонимизда хотин-қизларга нисбатан раҳм-шафқат қилинишини яхши билган жиноятчилар уларнинг хизматидан самаралироқ фойдаланадилар. Мана шу тариқа жиноятчи хонимчалар кун сайин кўпайиб бораяптилар. Айниқса, давлат авфи муддати яқинлашаётганда жиноят содир қилиш кўпайиши кузатилмоқда.

Узоқ йиллардан буён биз қолоқ, қўпол, ўта маданиятсиз одамларгина жиноятга қўл урадилар, деган тушунчага ишониб келардик. Адашган эканмиз, улар ўта ҳаддибурон, ўта сезгир ва ҳушёр ҳамда узоқни ўйлаб иш тутишга моҳир бўладилар. Бир жиноятчи: «Биз ҳамиша сизларнинг ландовурлигингиздан фойдаланамиз», деган экан.

Бизнинг қонунларимиз жиноятчиларни талтайтириб юборгани етмагандай, турмушимиздаги мавжуд нарсалар: уйимизнинг лойиҳасидан тортиб (гўё атайлаб ўғри киришга қулай бўлсин учун) то қоғоз эшикларимизгача уларга хизмат қилади. Қулф ишлаб чиқариш-ку худди ўғри билан келишилгандай — у калит тушмаса буниси тушаверади.

Ҳадеб ички ишлар ходимларини танқид қилавериш билан иш битмайди. Мавжуд аҳвол олдида улар ҳам ожиз. Вақтдан ютқазиб қўйдик, чамаси. Фикримиз тасдиғини яна ўша «Хавфли чизиқ ёнида» мақоласидан излайлик. Шундай қилиб Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг жиноят қидирув бошқармаси бошлиғи, полковник В. В. Гордиенко бу ҳақда шундай фикр билдиради: жиноятчиликнинг авж олаётганига таъсир кўрсатаётган биринчи муаммони ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг ўзидан излаш керак. Ички ишлар ташкилотлари ошкоралик вазиятида ишлай олмаслиги кўриниб қолди, дейди у. Шошилинч чора кўрувчилар, терговчилар, прокурорлар хато қилиб қўйишдан чўчиб, масъулиятни ўзларидан соқит қилишга, подадан аввал чанг кўтаришга тушиб қолдилар... Полковник шундай мисол келтиради: ҳатто ўта катта жиноят содир қилган гумондор шахсни ҳам уч кундан сўнг ҳеч қаерга кетиб қолмаслик ҳақида тилхат олиб қўйиб юборишга мажбурмиз. Имкониятдан фойдаланган жиноятчилар тилхат берганларига қарамай жуфтакни ростлаб қоладилар. Ўтган йили 10 минг граждан худди шундай «огоҳлантирилди», бу эскича иш усулидан воз кечишимиз зарур. Тўғри, масалан, тўсатдан машинаси билан одам уриб кетган ёки билибдилмай жиноят содир қилиб қўйган шахсларга шундай йўсинда муомала қилиш ўзини оқлар, аммо қип-қизил ўғрилар учун бу усул мулозамат қилишдан ўзга нарса эмас. Тилхат олиб, қўйиб юборилган талончилар чўнтаккесарлар ёки катта миқдорда жиноят содир қилганлар уч кун оралиғида нималар қилишга улгурмайди, дейсиз. Аввало улар гувоҳлар билан «шуғулланадилар» ёки гадой топмас жойларга қочиб кетадилар. Бундан ташқари, жиноятчилар жазосиз қоладиган ҳолатлар ҳам талайгина. Қисқаси, бунақа тажриба бир томондан жиноятчиларга қўл келса, воқеани кўриб-билиб турган аҳолида ҳуқуқ-тартибот идоралари ишига нисбатан ишончсизлик пайдо қилади.

Тергов ва прокуратура ходимларининг кишилар кўз ўнгида ҳатто жиноий ишларни фош этишнинг дастлабки босқичидаёқ масъулиятни ўзларидан соқит қила бошлаши жиноятга қарши фаол кураш олиб бориш ишига ярашмайди. Афсуски, инсонпарварликка қаратилган жиноят қонунчилигини янги лойиҳасида жабрланувчиларнинг ҳамда жамиятнинг манфаати ҳимоясига кам аҳамият берилган. Мутахассислар лойиҳанинг кўпгина ижобий жиҳатларини умуман инкор этмаган ҳолда унинг инсонпарварликка оид янги асосларида жазолашнинг муқаррарлиги билан мустаҳкамланмаганлиги хусусида анчагина ташвишланмоқдалар.

Иккинчи муаммо милициянинг ўзига тааллуқлидир. В. В. Гордиенконинг айтишича, ички ишлар бошқармаси ходимларининг кўпчилиги малакасиздир. Бу ҳол ташвишли бўлиб, милициянинг обрўсизланишига олиб келади. Шунингдек, уларнинг моддий аҳволи ҳам қониқарсиз, бунинг устига иш вақти ҳам деярли чегара билмайди. Хизмат транспортининг камлиги ёки ёқилғи етишмаслиги ҳам жиноят қидирув иши олдидаги жиддий тўсиқдир. Республикада 825 нафар жиноят қидирув ходими етишмайди. Тошкентнинг ўзида уларнинг сони 250 кишидан иборат. Бу ҳақда ким жон куйдиради?

Милиция моддий техника билан таъминланмас экан, бу шармандали аҳволдан чиқиш амримаҳол. Ўйлаб кўринг, бир машинага 10 литр ёнилғи берилади. Жиноятчининг омади чопгани шу-да! Машиналар носоз, эҳтиёт қисмлар тақчил, бу аҳволда уларни тутиб бўладими? Кинолавҳалар учун ёзув жиҳозлари, зарур магнитафон ва фотоаппаратлар етишмайди. Ҳозирги пайтда кучли ва режали суратда тараққий этаётган жиноят оламидаги уюшган жиноятчилар тўдасига милиция қарши тура оладими? Шунинг учун ҳам рақиблар қаршисида ҳатто ип ҳам эшолмай қолаётганимизни тобора сезиб қолаяпмиз. Бу жуда ташвишли ҳолдир.

Милиция ходимлари шаънига ҳаққоний танқидлар ёғилиб турибди, буни ички ишлар идоралари раҳбарлари ҳам инкор этмайдилар. Шунга қарамай, ноқулай шароитда ўз вазифасини ўтаётган милиция хизмати ҳақида илиқ гаплар айтиш мумкин. Масалан, улар ўтган йили ана шундай вазиятда 1987 йилга қараганда 4306 та кўп жиноий ишни фош этдилар. Уларнинг 182 таси қасддан одам ўлдириш, 204 таси оғир тан жароҳати етказиш, 352 таси талончилик, 2057 таси ўғирликдан иборат эди. 3971 жиноятни қидириб топилди ҳамда бедарак йўқолган 2976 киши аниқланди.

Жиноий тўлқин кучланиб тургани сари ўтган йилларда очилмай қолган ишлар устига янгилари келиб қўшилмоқда. Бунинг устига милициянинг кунлик маълумотлари ҳамон ташвишлидир. Ўртача, бир кеча-кундузда 130-160 жиноят содир бўлаётир. 10829 та очилмай қолган, аммо аллақачон излари йўқолган жиноий ишларни ҳам эътиборга олсак аҳвол янада танглашади.

Жиноят олами кескин ўзгариб кетди. Журналистлар билан бўлган учрашувларнинг бирида гиёҳвандликка оид улкан рақамлар қайд этилди. Ўтган 1988 йили республикада гиёҳвандлик билан боғлиқ 1692 та жиноий ишни очиш учун 7000 милиция ходими жалб этилди. 1000 дан ошиқ машина, мотоцикл ва вертолётлар (улар вазифани бажариш учун 896 соат учди) ишга солинди. 400 та ГАИ пости ҳушёр турди. 24,8 гектар яширинча кўкнори экилган майдон аниқланди. Демак, «қора бозор» бир неча миллион сўмлик маҳсулотдан маҳрум этилди. Вазият янада жиддийлашди. «Қора бозор»да кўкнори нархи икки баравар ошиб кетди. Бу эса гиёҳвандларнинг пул топиш йўлида янги-янги жиноятларга қўл уришга олиб келди. Жиноят оламида хуфия савдо йўлга қўйилган эди. Кейинги икки-уч йил ичида 700 га яқин ана шундай гуруҳ аниқланди.

Ҳали «совиб улгурмаган далиллар»га таяниб, шуни айтиш мумкинки, ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан жиноят содир қилиш 31,8 фоизга кўпайди. Ўта оғир жиноятлар 58,7 фоизга, талончилик 52 фоизга ортганини алоҳида таъкидлаш керак. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз ички ишлар министрлиги бу ҳақда жамоатчиликни хабардор қилишни лозим топди. Чунки, энди бу ҳақда сукут сақлаб бўлмасди. Бу уюшган жиноятчиларга қарши курашишни фақат милицияга ташлаб қўйишнинг ўзи жиноят. Бизнингча, энг тўғри йўл бу ишга партия ошкора сиёсат олиб бораётган кезда иши бироз енгиллашган Давлат хавфсизлик комитетини ҳам жалб этиш зарур.

Уларнинг структураси пухта, ташкилий жиҳатдан мустаҳкам, энг асосийси ҳамиша ва ҳар ишга шай. Халқимиз уларнинг сафларини мустаҳкамлаш учун кўп йиллардан бери ўзининг мард фарзандларини сафарбар қилди. Энди ўз навбатида уларнинг ёрдамига муҳтожлик сезилмоқда.

Икки ташкилотнинг ҳамкорликда иш олиб бориши милиция фаолияти учун фойдадан холи бўлмайди. Шунингдек, бу ҳамкорлик халқнинг кўз ўнгида ўзини обрўсизлантириб қўйган, порахўр ички ишлар ходимларидан ҳам бир йўла халос бўлишини тезлаштиради.

Сайловолди кунларида барча номзодларга қуйидаги саволлар берилди: нима учун бошқарув идорасининг айрим табақалари ўзлари номуносиб имтиёзлардан энг аввало: махсус дўконлар, буфетлар, дала ҳовлилари, касалхоналар, истироҳат-шифохоналардан фойдаланишади? Назаримда, кўзга яққол ташланиб тур-

ган айнан шу имтиёзлар жиноятчиликка кенг йўл очиб бераяпти. Қаердаки, юқори табақага мансуб шахслар яшашса, уйлар ва ҳатто бутун бошли мавзелар махсус посбонлар томонидан қўриқланади. Махсус форма ва граждан кийимидаги одамлар кечаю кундуз бу уйларни ҳушёрлик билан қўриқлайдилар. Мана шунинг учун ҳам бу жойларда машъум хонадон талови кам. Содир бўлганда ҳам бошқача тугайди. Шундай бир воқеа кўпчиликка маълум. Собиқ раҳбарлардан бирининг хонадонидан қимматбаҳо тақинчоқлар ўғирланган. Шунда нафақат бутун милиция, балки жиноятчилар оламининг «энг кўзга кўринган» бошлиқлари ҳам оёққа турдилар. Бир ҳафтадан кейин жабрланган аёлга катта кумуш лаганда ўғрилардан тортиб олинган жавоҳирларни олиб келиб: «Кўрингчи, буларнинг орасида қайси бири сизники экан»,— деб сўрашди. Ўша нуфузли амалдорнинг хотини ўйлаб ўтирмасдан, «ҳаммаси меники», деб тақинчоқларни патниси билан олиб қўяди. Мана сизга маънавият...

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи биносида Жумҳурият ички ишлар министри билан бўлган учрашувларнинг бирида ёзувчи Ўктам Ҳакимали «Тошкентдаги чўнтаккесарларга қарши қандай кураш олиб борилаяпти? Ахир бутун бошли шаҳарни улар тақсимлаб олишган-ку! Трамвайларда бизлар уларни тез-тез учратиб турамизу, шаҳардаги тартиб ўрнатувчилар наҳотки уларни кўрмасалар?» деб савол берганида ҳақ эди.

Тошкентни нафақат райком ва ижроия қўмиталари бўлган районлар, балки ўғрилар ҳам ўз тасарруфларига бўлиб олишган.

Ахир аввалари ўғриликлар ва зўравонликлар тунда содир бўларди. Энди эса куппа-кундуз куни, аҳоли гавжум жойларда хотин-қизларнинг қулоғидан зиракларини қулоғининг қонини оқизиб юлиб олишади, бўйнидаги олтин тақинчоқларини узиб оладилар. Шуниси даҳшатлики, жабрланганлар ҳеч қаерга арз қилиб бормайди. Чунки милициянинг қудрати ва имкониятига ишонмай қўйишганига анча бўлди.

Хизматдан қайтаётган ҳар бир киши хонадонимни ўғри уриб кетмадимикан, деб хавотирланиши табиий ҳолга айланиб қолган. Кўчага бемаҳалда чиқиб кетган боласидан хавотирланмайдиган киши йўқ ҳисоби. Негаки, бири-биридан нохуш кўнгилсизликлар одамларни ана шундай чўчитиб қўйган.

Шундай экан, жиноятчига нисбатан бугунги кунда олижаноблик қилишга ёки олий жазони бекор қилишга бирон-бир асос борми?!

Бир неча йиллардан буён жиноят муаммолари билан шуғулланаман. Бултур ана шу мавзуга бағишланган «Пиёда сайрлар» номли романим босмадан чиқди. Роман мафия ҳақида — ҳуқуқ-тартибот ва партия идораларининг маълум қисми муроса қилиб келган жиноят олами ҳақида эди. Махсус юридик нашрларда чоп этилган тақризларга кўра, роман фақат китобхонлар учунгина эмас, балки ички ишлар идорасида хизмат қилаётган одамлар учун ҳам кутилмаган ҳодиса бўлди. Асаримга ёзилган тақризларга асосланиб, ана шундай фикрга келдим.

Роман эълон қилингандан кейин кўплаб мутахассис ҳуқуқшунослар билан суҳбатлашдим. Уларнинг аксарияти ҳам жиноятчилар оламининг кенгайиб, жипслашиб бораётганидан қаттиқ ташвишдалигини айтишди. Бу олам-даги ана шундай зўравонлик ўз бошимдан кечди. Роман босилиб чиққач оила аъзоларим билан ниҳоятда махфий ва даҳшатли машина ҳалокатига учрадик. Ҳаммамиз яралар бўлдик. Ҳозир турмуш ўртоғим ногирон, ўзимнинг умуртқа суягим, саккиз қобирғам, оёғим синди. Ўғлим ҳам шикастланган. Жиноятчилар эса, сувдан қуруқ чиқиш арафасида.

Худди Адолат маъбудасининг тарозисини занг босиб қолгандай...

Жамиятда янги муносабатларни вужудга келтирар эканмиз, ўтмишни асло унутмаслигимиз лозим. Зеро, инсон ҳамма нарсани бир-бир таққослайди. Ажаб эмаски, жиноятчилик шу қадар бетизгин бўлиб қолган бир пайтда одам демократия ҳақида эмас, метиндек мустаҳкам ҳокимият ҳақида орзу қилади.

ОЙ — НАЙЗА БЎЙИ

(ТУРКУМДАН)

* * *

Худди емакхона — стол, курсилар,
Дарча ойнасига сингмиш улкан ой.
Қорамтир мусаллас, қаҳва сузилар,
Куйга бериламиз...
Лекин ҳойнаҳой...

Девордан мўралар гуллаган бутоқ.
Бунда бир тотлилик юракка ҳамроҳ:
Сўлмас атиргулу токнинг тенги кам,
Такрор билмагувчи хушбўйлиги жам...

Ато этди Ватан бизга манзилгоҳ.

* * *

Ҳилол Чоржўй қовунининг тилими монанд
Деразамга қўнганида, димиққанда тун,
Осмон зангор япроқ каби ўз сеҳрига банд —
Этиб уйни, яширганда қўйнига бутун,
Сопол кўза муздек сувдан жунжиккан палла,
Болаликда ёнганидек қўмсаб парвона —
Тунни қувиб порлаганда шамим мардона,
Сукут қаҳ-қаҳ урганида тингламай сўзим —
Ногоҳ недир ўрлаб, чиқиб, йўқолар шу зум
Рембрандтнинг руҳи ҳоким қора бурчакдан,
Аммо бундан на дил чўчир, на титрайди тан...
Қора мушук юз йилларнинг кўзидек боқар,
Танҳоликнинг тутқунида юрагим болқар,
Ердам бермас — ойнадаги аксим ҳам турғун.
Ширингина ухлагайман, хайрли тун, тун.

* * *

Етти юз йил бўлмабман фақат,
Ўзгармабди ҳеч нарса аммо...
«Юксак» сўзин паст билган самo
Ўша-ўша ёғдирар раҳмат;

Юлдузу сув жаранги ўша,
Ўша-ўша кўк тоқи қора.
Уруғ сочиб шамол овора,
Алланинг ҳам оҳанги ўша.

Осиёий уйим пойидор —
Ҳар қандай хавф хаёлдан холи...
Бот келурман. Гуллайбер ҳовли,
Мавжланабер, эй ҳовуз бедор.

Анна АҲМАТОВА



* * *

Жавдираган кўзинг, Осиё,
Неларнидир кузатди менда,
Сўнг сукутдан туғилган ўшал
Термизона саратон монанд
Толғинлигу вазмин ва чигал
Недир қўзғаб дилни этди банд.
Эриб кетди тилсиз кучлардан
Хотиралар ташлаб ёдимни;
Гўёки мен ёт ҳовучлардан
Симирардим ўз фарёдимни.

ГУЛЛАЁТГАН ТОШКЕНТ

Гўё қудрати-ла олий фармоннинг
Тўсатдан шаҳарга қуйилди нурлар —
Хаёлий шарпадек ҳар хонадоннинг
Қону ўпкасига сингиди улар.
Уларнинг нафаси сўзу имодан
Аниғу ва лекин маҳкум бир пасда
Зангори оловдек ёнган самодан
Ариқлар тубига чўкмоққа аста.

* *
*

Мангу олқиш нурига шоён
Ул серюлдуз азиз гўшани
Ва қирққокил жувонлар шодон
Аллалаган чақалоқларни
Унутмагайман.

Абдулла ШЕР таржималари



Жума ШОМАТ

ОНАЛАР

Сиз бўлсангиз кўнгил тўқдир,
қайғу йўқдир, оналар,
Бўлмасангиз қалблар вайрон,
ҳувиллайди хоналар.
Руҳим тетик ўйласам гар
нуроний чеҳрангизни,
Фарзанд ишқи билан ёнган,
меҳрибон парвоналар.
Она билан обод дўстлар,
гурунглар,
анжуманлар,
Файзлидур остоналар,
қасрлар, кошоналар.
Аёлларда меҳр чексиз,
оналарда жамулжам,
Куйламоққа таърифлар етмас,
ғазалу тароналар.
Турсунойчи қизлар кирса,
пахтазор пайкалларга
Болалардай эркаланиб,
ғазаллар ҳам шоналар.
Она борки, инсоф бордир, ҳамжиҳатлик
муҳайё,
Йўқса, билинг, инсон аҳли
бир-биридан тоналар.
Яшаш қанча ширин бўлса,
сиз эса ундан ширин,
Тинчлик бўлсин бахтимизга,
оналар-замоналар,
Сиз бўлсангиз кўнгил тўқдир,
қайғу йўқдир,
оналар,
Бўлмасангиз қалблар вайрон,
ҳувиллайди хоналар.

ЎХШАЙДИ

Ер кезмоқда боғим, боғ ободга ўхшайди,
Бахт дунёси қаршимда чин бунёдга
ўхшайди.
Билмадим, вафо рамзин кўрсатмоққа
келдими,
Кўриб менинг қувончим олам шодга
ўхшайди.
Ишва қилиб зебо қиз ёнимда парвонадир,
Бу кўнгил орзусига ёр қанотга ўхшайди.
Дилимга берар ором муҳаббат сеҳри билан
Ҳар қадамда меҳр-ла чин нажотга ўхшайди.
Беҳад шодман давримдан юракда севгим
билан,
Дўстлар, севги дунёси гул ҳаётга ўхшайди.
Эй, Ниҳолий, ҳамиша севгини тошиб куйла,
Шунда сенинг қўшиғинг чин ижодга
ўхшайди.

Редакция почтасидан

ТЎСИҚЛАР БЎЛМАСИН

Уруш ғалабамиз билан тугаган бўлса-да, оғир йиллар кечарди. Халқнинг ижтимоий турмуши жуда ночор бўлиб, «Ўқимаганнинг ҳам куни ўтади», деган қашшоқ фалсафа ҳукм сурар, ўқиётганларнинг кўпчилиги тирикчилик илинжида ишлаб чиқаришга ўзини уриб кетар эди.

Тўйчи Илёсов мана шундай оғир йилларда илм йўлини танлади. Унинг тенгдошлари бугунига шукрона айтган ҳолда, афсус билан: «Оғир йиллар эди, ўқиёлмай қолдик», дея ўтмишларини ўкиниб эслашади. Ўз касбининг устаси бўлган бу кишилар, имкони бўлганида, эҳтимол, бири математик олим, бири лойиҳаловчи, бири мунажжим бўлармиди. Баъзи ҳамкасбларимиз ёзганидек, уларнинг ҳаммаси ҳам ўз касбига ёшлигидан меҳр қўйгани ёки «болалигидан чўпон бўлишни» орзу қилгани йўқ. Уларнинг кўпчилиги орзулари анчайин завол топган авлодлардандир...

Тўйчи Илёсов 1946 йили Тошкент Давлат Медицина институтининг даволаш факультетига кириб ўқиди. Эндиликда ўзи таълим олган даргоҳда бўлажак мутахассисларга табобат илмидан сабоқ бериб келаётир. Медицина фанлари кандидати, доцент Т. Илёсовнинг шахсий варақасига кўз югуртирар эканмиз, бутун фаолияти давомида у тинимсиз изланганлигининг гувоҳи бўласиз. Энг сўнггиси (ҳозирча албатта), 1976 йили марксизм-ленинизм дорилфунунини тугатиб, олий сиёсий маълумотга эга бўлди. Аввалига ҳайратландим, меҳнат фаолиятининг кўп қисмини, умрининг энг жўшқин бўлагини ёшликдаги барча ғайрат-шижоатини табобат — мадади Сино (медицина)га бағишлаган киши қарилик гаштини суриш чоғларида сиёсий ўқувга ўзида эҳтиёж сезса.

— Бу менинг кўп йиллик орзуим эди, — дея тушунтирди Тўйчи Илёсов биз билан суҳбатда. — Узоқ йиллар уни амалга оширолмай қийналиб юрдим. Қолаверса, сиёсий маълумотни оширишнинг эрта-кечи йўқ. Ҳақиқатни бор овозда айтиш даврида яшаяпмиз, — дейди Илёс ака. — Ростини айтадиган бўлсак, турғунлик йилларида табобатга ниҳоятда суст эътибор берилди. Ўша йилларда янги дастгоҳ ишлаб чиқаришга уч-тўрт йилда жорий этилса, янги табобат асбоб-ускунаси баъзан беш-олти йилда ҳам жорий этилмасди. Бир сўз билан айтганда, халққа фаровонлик ваъда қилсакда, энг олий фаровонлик, халқ айтганидек, туман бойлик — саломатлик эканини унутиб қўйган эдик. Аниқ мисол билан фикримни далиллай. Шифокорлар учун қўлланма — китобимни нашрдан чиқариш учун бир неча йил югурдим, зеро бу давр орасида қанчадан-қанча кераксиз рисолалар нашрдан чиқарилди. Менингча, табобат адабиётларини чоп этиш учун тўсиқлар бўлмаслиги керак...

Яна бир ачинарли мисол: ўша талаш бўлган Ибн Синонинг асарларини неча марта, қанча нусхада нашр этганмиз? Мен шу билан қизиқдимки, ҳамма хонадонда ҳам унинг «Тиб қонунлари» китоби йўқ. Бўлса зарар қилмасди. Медицина институтимизда ҳам оғир муаммоларнинг бири тил масаласи бўлиб, кўпчиликни қийнаб келаяпти. Илгари дарслар фақат рус тилида олиб борилларди. Ҳозир бошланғич курсларга ўзбек тилида дарс ўтилаётир, катта курсга ўтгач эса, яна рус тилида ўқитиш кўзда тутилмоқда. Бу ишни жорий этганлар шу билан муаммони ҳал этдик, деб ўйлашар шекилли. Ваҳоланки, бундай иш услубидан аҳвол оғирлашса-оғирлашдики, лекин енгиллашгани йўқ. Шу сабабли таклифим институтдаги дарсларнинг барчасини ўзбек тилида ўтишга кўчириш лозим. Маълумки, жумҳуриятимиз аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида яшайди. Уларнинг рус тилини яхши билмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, биз уларга рус тилини пухта билган шифокорни юборгандан кўра, даволаш сирларини яхши ўрганганларни жўнатайлик-да. Агар дарсликларнинг таржимаси масаласи бунга тўсқинлик қилаётган бўлса, буни ҳал этишни тезлаштириш зарур. Менинг бу гапларимдан рус ёки бошқа тилда ўқиганлар ҳам ўзбек тилида ўқиши керак экан-да, деган маъно чиқмаслиги лозим. Ҳар бир курсда 10-15 та группа бор. Уларни қайси тилни қай даражада билишига қараб жамлаштириш ҳеч гап эмас. Агар шундай қилинсагина бўлажак шифокорлар ўз соҳалари устида кўпроқ бош қотирадилар. Ҳозир эса на тилни, на бўлажак касбини эплолмай аросатда қолишаётир. Кейинги йилларда жамиятимиз тараққиётига тўсқинлик қилаётган ҳар қандай муаммолар атрофлича ўрганилиб, ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Ўйлайманки, институтимиздаги ўқитиш муаммоси ҳам давр талабидан келиб чиқиб, ўз ечимини топади. Зеро, мадади Сино шундай соҳаки, унга ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги керак.

Темур ЭШБОЕВ


Ҳар тўғрида бир шингил

АЛВИДО, ФИЛЛАР...

Баъзан айрим суратларни кўриб, ёввойи одамлар мамонтга ҳужум қилган пайти акс эттирилган бўлса керак, деб ўйлайсиз. Йўқ, мамонтлар ер юзидан қирилиб битганида ҳали суратга олиш одат тусига кирмаган эди. Ривожланган атом асрида ҳам одамзотнинг ёвузлиги қолмади. Энди навбат филларга келди. Эндиликда эса, бир гуруҳ табиат қароқчилари (браконьерлар) ёш филларни тутиб сўйишмоқда. 1980 йилда Африкада 1 миллион 300 минг фил ҳисобга олинган эди. Бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 750 мингтага тушиб қолди. Каркидонларнинг ҳоли бундан ҳам хароб: атиги 8 мингта. Аҳвол шу тариқа давом этса, 2005 йилга бориб Африкада умуман филлар йўқолиб кетади. Улар қароқчиларнинг дастидан миллий қўриқхоналарда ҳам, ҳайвонот боғларида ҳам жон сақлаб қололмаяптилар. Филларнинг бошига уларнинг дандон тишлари ана шундай кулфат солаяпти.

САДОҚАТЛИ ИЛОН

Борнео оролида яшайдиган Карин исмли уч ёшли болакайнинг етти газли илон билан иноқлиги унга шуҳрат келтирди. Болакайнинг отаси бундан олти йил муқаддам ана шу илончани топиб олган эди. Карин дунёга келгандан сўнг илон уни «ўз ҳимоясига олди». Эндиликда илон бола билан ёнма-ён ухлайди, сайрга чиққанида қўриқлайди, ҳатто қўлбола ҳавзада бирга чўмилади!



—Дугонажон уй вазифамга қарашвор...

Н. Шарипов фотоэтюди

СЎНГГИ ЖАСОРАТ

ҲИКОЯ



Ўктам ҲАКИМАЛИ

Бир тўда оппоқ асов тойчоқлар оламни ларзага солгудай кишнашиб, шиддат билан турли томонга чопиб ўтишди... Тун бўйи юрак ҳасталигидан тўлғаниб чиққан чол беихтиёр сесканди, диққат-эътиборини бир жойга жамлаб, тусмол билан хира ёришган деразадан ташқарига назар ташлади. У назарида тойчоқларнинг чимирилган оппоқ қулоқчалари, катта очилган оғизлари, текис, оппоқ тишлари, керилган бурун катакларини, елпинаётган ёллари, думларини, пайлари тортилган ингичка оёқларини, ерга қаттиқ босилган туёқларини аниқ тасаввур қилиб турди. Ҳур тойчоқлар етмиш беш ёшли, қўл-оёқлари мутлақо мадордан кетиб, кўзлари аллақачонлар хиралашган, боши ари уясидай тинимсиз ғувирлаётган, суяклари бўғин-бўғинларидан сочилишга етай деб қолган чолни ўзлари билан чексиз-чегарасиз зангори уфқ сари кетишга ундаётгандек эди. Ҳа, ҳаётнинг бугунги қонуни, яъни хаста юраги шуни тақозо қиларди. Томирлари торайиб, қон оқиши сусайган, қовоқ ва бўйин терилари шалвираб, қовоқлари ичига тортиб, юз суяклари ғуртиб чиққан чол ниҳоят кафтларини ерга авайлаб босди-да, қўзғалди.

У бир сония ҳам вақтни қўлдан бой бермай ҳур тойчоқлар ортидан югуриши, сўнгги бор жасорат кўрсатиб, сўнгги йўлини босиб ўтиши, сўнгги манзилга етиши керак. Қанча тез бўлса шунча яхши. Кейин шу билан у болалигида бувисидан севиб тинглаган қадимий «Арғумоқ» ҳақидаги ўзбек қўшиғини сўнгги бор тинглайди... Изсиз йўқолганини — кетганини ўчоқ бошида ивирсиб қозон ковлаётган камғап, салгина ғам-ҳасратдан ҳўнграб йиғлайдиган, салгина шодликдан қаҳ-қаҳ отиб куладиган қизи, ҳамма нарсага бирдай лоқайд, ҳистуйғусиз куёви ва меҳрибон набиралари билмагани маъқўл. Ҳар ҳолда, бояқиш қизига қийин бўлади... Соддадил, олижаноб қизгинаси эрта тонгдами, шомдами еру кўкни титратиб йиғлайди...

Шиддаткор тойчоқлар! Оппоқ, ҳур тойчоқлар! Асов тойчоқлар ҳамон икки олам — еру осмонни ёриб юборгудай асабий кишнашар, оёқларига зўр беришар, чолни теран бир бўшлиқ томон бошлашар эди. Тубсиз бўшлиқ... Мана, кўз олди хиёл ёришди. Чолнинг сепкилли, серажин бармоқлари бирдан юлқиниб чўзилди-да, ён чўнтагини ковлаштирди. Бармоқлари қаттиқ, шилдироқ қоғозларни қидириб топди. Бу гал у пулларни сараламади. Тусмол билан биттасини кафтига сиқди-да, қолганларини кўрпача устига ташлади. Бу қизига. Бояқишнинг болалари кўп, ишламайди. Эри барибир бегоналигига боради, отадек меҳрибон бўлолмайди. Иложи борича хотинидан кир қидиради.

Чол туртина-суртина пайпаслаб охири эшикни топиб очди. Фаолияти сусайган гавдасини лапанглатиб зинадан тушар экан, кучли бир иштиёқ билан қизини кўрмоқчи бўлди, кўролмагач, тор ҳовлидан ўтиб кўчага чиқди-да, катта йўл бўйлаб пастлай бошлади. Мана, у қишлоқ остидаги Қизилсойни, болалигида ўт, тезак, ўтин ташиган тор сўқмоқни ҳам ортда қолдирди, Саид ота тепалигига ҳам кўтарилиб олди. Пешонасига «Озиқ-овқат» деб ёзилган дўконга кирар экан, ҳар галгидай сотувчига қарамасдан қўлини чўзиб пул узатди.

— Қизилиданми? — олтин тишларини кўрсатиб тиржайди бўйдор сотувчи йигит чолнинг бесаранжом кўз ва чеҳрасига термулиб.— Чол, ҳали ҳам...

— Сенга барибир эмасми, тилла тишли болам, — тўнғиллади чол қаҳр-ғазаб билан, — сен кириминг ҳақида ўйла.

— Қайтимингизни олинг. Нимага тўнғиллайсиз? Илгари бунақа эмасдингиз-ку... Миясини еган чол. Пулнинг ҳам қадрига етмайди...

Чол ташқарига чиқиб чапга — ташландиқ қабристон томон бурилди. Дарвозадан кириб, нафасини ростлаш учун бир нафас тўхтади, сўнг шишани очиб, лабларига яқинлаштирди, қултиллатиб ичди. Яна икки бор дам олиб шишани бўшатди-да, ерга улоқтирди. Шу аснода пайларининг тириши бироз ёзилганини, бироқ юраги кучлироқ қийнала бошлаганини ҳис этди. Юрак оғриғининг, танаси ташналигининг босилишини кутди. Дарди хиёл енгиллашгач, қўлларини чопони бағрига суқди-да, битта-битта босиб йўлида давом этди.

У шошарди, лекин қаёққа шошаётганини ўзи ҳам билмас, фақат бу ерлардан мутлақо бош олиб кетиш ҳақидаги ўй миясида қалқиб турар эди. Бундан бу ёғи чексиз-чегарасизлик... бўшлиқ... чуқурлик... йўқлик... Зангори уфқ, ер, осмон эса ортда қолаверади. Оҳ, одамлар кимларни сўнгги манзилга жўнатишмаган...

Сойликнинг икки томони жигарранг жарликлар эди. Ортда юксак, оппоқ қорли тоғлар! Эртага эрталаб эса ўша ҳайбатли чўққилар ортидан нурафшон қуёш кўтарилади. Лекин унга қуёшни бошқа кўриш насиб этмайди! Кўрди нима, кўрмади нима, барибир эмасми? Етмиш беш йил саломсиз, аликсиз кўришгани етмайдими. Ундан кейин қизи, ўғли, набиралари кўради-ку.

Чолнинг фикри, тасаввури чалкашиб кетди. Ароқ кайфи узоқларга қувиб юборган тойчоқлар қайтадан ёнига яқинлашди. Жисмсиз шу тойчоқлар зулмат аро тинмай чопишар, бир-бирларига ҳамла қилишар, бир-бирларини ғажишар эди. Чол илгарилари, тойчоқлар эса турли томондан уни сиқиб келишарди. Юқори ва пастки оламни бирдай ҳиссиз зулмат қоплаб ётарди, атрофда эса игна учли изғирин тентирарди, чийилларди, кекса қалбни кўрқувга, тахликага соларди.

У танҳо юриб борарди. Шу икки олам билан танҳо учрашиш ва абадий қовушиш — мазмун-ечилгунга қадар атиги етмиш беш йил сарфлабди. Икки оламнинг ўзи учун эса бу — киприк қоққудек қисқа муддат. Баҳор, ёз, куз, қиш. Ҳисобга солса, гўдак тирноғига жой бўладиган рақам...

Зулмат қуюқлаша бошлади, изғирин ҳам заптига олди. Ҳадемай юқори олам булутлари пастки оламга оппоқ қорларини ҳадя этади. Мана ҳадя ҳам этди. Оҳ, қандай яхши-я! Қандай даҳшатли-а! Ҳадемай чол мана шу юқори олам «ҳадя»си остида абадийликка кўмилади. Кейин эса ажойиб-ғаройиб бир ҳаёт — «борликдан йўқликка» ўйини юз беради-ю масала осонгина ечилади. Чол зарраларга айланади. Бу зарраларни сукунат абадий босиб ётолмайди. Аввалига вужудда даҳшатли силкиниш юз беради. Силкинишгача бўлган сонияда мия, қон, суяк, тери оғриғидан қутулиш учун фаолиятсизликка қарши ҳислар қисқагина жанг бошлайди. Оғриқлар ҳам вужудда ҳаёт давом қилаётганидан дарак бериб туради. Кейин ҳаётга қайтиш учун бўладиган сўнгги уриниш ҳам бекор эканлигини англагач, ер юзидаги жамики одамларни ёрдамга чақириш ҳақидаги тушунчани ҳам тарк этади.

Оппоқ қор элаб-элаб ёғар, совуқ кучайгандан кучаяр, оппоқ тойчоқлар ҳам бирдай тезлик билан чолни қуршаб, кузатиб боришар эди. Шу тойчоқлар қачонлардир чолнинг отаси — чуваккина, юзини сепкил босган косиб-этикдўз Усмоналининг ҳам тушларига кириб чиқмаганмиди. Шу тойчоқлар Усмоналини ҳам вақт етиб қирчиллама йигитлик палласида ана у ўғлига ўхшаш сўнгги манзилга кузатиб қўйишганди-ку. Дунёнинг бевафолигини кўп теран тушунган Усмонали узоқ вақт тойчоқлар ҳақидаги тушунчага чап бериб — бир игна, бир жуволдиз олиб, елкасига хуржун ташлаб жаҳонгашталик қилди.

Чолнинг онаси — Сора ёш тул қолди ва Усмоналидан ёлғиз ёдгорини акаси Иброҳимга ташлаб, иккинчи турмушга чиқди, иккита қиз туғди. Кейин... замин инсонга саховат кўрсатмади — очлик даври бошланди. Хўш? Усмоналининг отаси-чи? Ўша Эрназар исмли валломат инсон катта ер, ҳисобсиз сигир-бузоқ, қўй-эчки, мўмай пуллар орттирди. Хотинининг сонини тўрттага етказади. Астасекин у ҳам тириклар рўйхатидан ўчди... Бас! Етар! Шундай экан, олдинга интилишнинг нафи, ҳожати борми?! Икки олам аро бундан бўлак бирон бир янгилик бўлмагани каби эскилик ҳам йўқ-ку! Эски ҳаммом, эски тос!

Чол ўзи тенгиларни, яна кўп куч-қудрати тенгсиз шер йигитларни эслади. Яктагининг енгини, иштонининг почасини ҳимариб, ҳўкизларнинг қадамларига тоқат қилмай, қўлларига кетмон ушлаб ернинг танобини тортган ўша шер йигитлар чиндан ҳам уни узоқ муддат ҳайратга солиб келган эди. Икки елкасига икки одам бемалол сигадиган, мушаклари диркиллаб, болдирлари лорсиллаган Ҳасан исмли йигит кўпроқ унинг фикрини қарам этганди. Тушгача бир таноб ерни кетмон билан ағдариб ташлаб, уйига қайтгач, онаси ёпган бир тандир нонни сувга ботириб пок-покиза туширадиган ўша Ҳасан чиндан ҳам таҳсинга сазовор инсон эди. Ўша Ҳасангина ўлими олдидан тенгсиз бир жасорат кўрсатганди. Кулбасини ташлаб ғойиб бўлганди, уч кундан кейин уни даладан жон-

сиз ҳолида топиб келишганди. Бобоси Эрназар, отаси Усмонали ва яна кўп одамлар сўнгги манзилларига жўнашдан олдин кулбаларидан жилишмади. Чунки, охирги дақиқаларда одамлар кўмаклашишини — оғизларига сув томизиб, энгаклари танғилишини, оёқлари боғланишини истаган эдилар. Фақат қондошларинг тепангда белларини боғлашиб, кўзларини ёшлашиб, фарёдлар чекиши, «Арғумоқ» ҳақидаги қўшиқни куйлаши оғир...

Кетганлардан бирортаси ҳам қайтмаган, бирон бир хабар ҳам бўлмаган — номаълум у дунёда нима ҳам бўлиши мумкин?! Охират, жаннат ва дўзах ҳақидаги тушунчалар хаёлпарастлик, холос. Бас! Етар! Навбат жасоратга! Эртага, борки салдан кейин эндигина оёққа турган бола ҳам эрмак қилиши мумкин бўлган мурдангни топиб оладилар-да: «Вой, отам! Вой, бовам! Вой, жигарим!» қабилида уввос солиб йиғлайдилар. Умр бўйи кўнглингни гумиртирган, юракни сиқкан кулбангга олиб борадилар, дарҳол оппоқ кафанга ўрайдилар. Кейин десангиз, гижинглаб турган тулпор — тобутга миндирадилар. Шу тариқа сен ҳақингда турли-туман ёлғон-яшиқ мақтовларни тўқиб чиқарадилар, тобут елкаларга кўтарилади. Яна йиғи-сиғи, дод-фарёд. Маъракангда лаззатли таомлар ейишиб, сенга жаннатдан жой сўрашади. Энди бу ёғидаги томошани кўр: унутиласан. Етмиш беш йил — бир йил билан ниҳояланди. Ўғлинг, қизинг ё набиранг туфайли баъзан тилга олинишинг мумкин.

Мана, ниҳоят, қабристон, Саид ота тутзори ҳам ортда қолди. Чол Қизилсой соҳили бўйлаб борарди, юрак уриши тобора сусаярди. Юрак! Қонларни ҳайдовчи, тана фаолиятини таъминловчи юрак! Итлар ҳуриши авжга чиққан колхоз молхонасини босиб ўтаётганда чол юраги хасталиги оғирлашганини ҳис этди.

У Қорамозор тепалигига етгач, чап томонга бурилди. Қор ҳамон элаб-элаб ёғарди, совуқ заптига олганди, хаёлидаги асов тойчоқлар эса жанг-жадал билан чолни кузатиб боришарди. Чол Кўктурли ота жарлигига етгач, нафас олиши оғирлашиб, беихтиёр ўтиришга мойиллик сезди. Шу билан йўл тугаб, сўнгги манзил остонасига қадамини қўйди. У катта ва ясси бир тошни пайпаслаб топди-да, тусмол билан устига чўкди. Чол қўлларини тиззаларига тираб бошини кўтарди, зулмат қаҳрига узоқ ва жиддий, айни вақтда синовчан назар билан термулди. Қоп-қора тун. Ажабо, бу олам яралганидан буён чўкаётган нечанчи тун экан?

Чолнинг кўз олди ҳам, мияси, тушунчаси, ҳисси ҳам бирдай қоронғи эди. У зулмат орасида беҳол мудрарди. Фақат пешонасига, юзига эринмай қўниб, сўнг бир нафас ўрнини совутиб, аста эриётган қорнигина аниқ сезаётган эди. Чол болалик кезлари шу ерларда ўт ўрган, тезак терган, баъзан тенгқурлари билан катталарга тақлид қилиб, эшакда улоқ ҳам тортишганди. Бу — ўтмиш эди. Ўша ёш, навқирон йигитча ана у тойчоқларни унда тушларида кўрарди. Чол тирсакларини тиззаларига тираб, кафтларини иякларига қўйиб, назари билан зулмат қаҳрини жиддий кузата туриб, тушунчаси сусайгани, аъзолари ҳам раъйига бўйин бермаётганини аниқ ҳис этди. Худди шу пайт чолнинг қалбида қуёш, ой, юлдузларни, ёз пайтлари буғдойлар шовиллаб, чайқалиб ётадиган қирларни кўриш иштиёқи туғилди. Қани энди бирданига атроф ёришсаю...

Ана у ерда — чолдан салгина нарида даҳшатли жанг кетаяпти. Бу жанг бир-бирига гуп-гуп урилаётган туёқлар зарби, киртқирт санчилаётган тишлар ва тойчоқларнинг кўкраклари билан ерга йиқилишлари орқали англашилаяпти. Яна аллақандай маҳлуқ-маҳлуқотлар бир-бирларига ташланиб, гўштларини нимталаб, узиб, ютиб ҳам юборишаяпти. Бу жангда бирор тирик жоннинг омон қолиши маҳол кўринади. На чора! Табиат ўз қудратини намоён қилаяпти.

Чол ана шундай телба қиш, аёвсиз изғирин, даҳшатли жанг — табиат кечмишларига бир неча бор дуч келганди. Лекин мана бу — қаршисидагидек жангни кўрмаган эди. У ўн тўрт ёшни тўлдирганда илк бор бахт излаб қишлоғини ташлаб шаҳарга кетмовдими? Кетувди. У шаҳарга келиб Соли исмли бойга қўшчи тушганди, қишлоқдан йўқолганди. Қишлоқда: «Отаси тузсиз одам эди, ўғли ҳам отасига тортди», деган миш-мишлар тарқалди. Эр тушунчаси етти ухлаб тушларига кирмаган, унинг лаззатидан бебаҳра ўша одамлар узоқ вақт у ҳақда шунақа фикрда юрдилар. Кўп ўтмай инқилоб бўлди. Ўн етти ёшли йигитча ҳам оқимга қўшилди. Саводсизликни тугатиш курси, билим юрти, сўнг Самарқанд дорулфунуни уни истиқболига чорлади. Дорилфунунни битирибоқ қишлоғига қайтди. Унинг ягона мақсади муаллимлик қилиб, ҳамқишлоқларига маърифат тарқатиш эди. Мақсадига эришди. Ҳамқишлоқлари энди: «Отаси бамаъни одам эди, ўғли ҳам бамаъни чиқди», дея бошлашди. Шу кундан эътиборан муаллимнинг «Меҳнат дафтари»га хизмати қайд қилинаверди. Бироқ, қишлоқда илк бор мактаб очишда ташаббус кўрсатгани, етим-есирларни опичлаб келиб ўқитгани, ўз ҳисобидан қоринларини тўйдиргани ўша дафтарга ёзилмай қолди. Ёзишнинг иложи ҳам йўқ эди-да! Меҳнат дафтари бадиий асар ёзиладиган қат-қат қоғозлар эмаски, саҳифалари мўл бўлса. Меҳнат дафтарининг саҳифалари ҳисобли. Унга йил, кун, исм-шарифи, туғилган даври ва ўлими муҳлати саналари, қисқа умрида бажарган хизмати ёзилиши зарур.

Қишлоқда Орифа исмли икки қизи билан тул қолган аёл бор эди. Тақдир экан, шу аёлга уйланди. Бир қиз, икки ўғил кўрди, кичик ўғли дунёдан норасида кетди ва отаси юрагида кучли оғриқ қўзғатди. Жафокаш муаллимни кутилмаганда районга чақиришди, у ердан Москвага жўнатишди. Мана, сенга бахту мана, сенга толе. Калинин қўлидан «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени олиб қайтгандаги шодлиги-чи! Ўша куни ҳамқишлоқлари уни шодликдан ҳўнграб кутиб олишганини яқин-яқинларгача ҳаяжон, титроқ билан эсларди. Аста-секин қишлоқда янги туғилган болаларга «Ҳаким» исмини қўйиш шарафга айланди. Унинг меҳнат дафтарчасига ўзгартиш киритилди. Муаллимлик хизмати постига «райижроқўм раиси муовини» деган ёзувлар тиркалди. Кейин ногаҳоний унинг юраги қаттиқ оғриди. Уни уруш бошлаган ёв оғритди. Оташин ватанпарвар, халқпарвар Ҳаким район раҳбарларининг қаршилигига қарамай ўз ихтиёри билан ҳарбийга ёзилди.

Меҳнат дафтарига яна қалам тегди — район халқ маорифи бўлими мудири, мактаб директори, яна муаллимлик... Аммо ўзи биринчи ўқитгани, илк бор тилини «Ота-она», «Ватан», «Халқ» сўзига келтирган Миролим исмли тўқим табиат муаллим тутиб ургани, қийинчилик йиллари саводини чиқариб, муаллимликка кўтарган яна бир Мурод исмли одам уни муштлагани, Еқуб исмли шогирди ёқасидан олгани ҳам меҳнат дафтарига ёзилмай қолди... Ахир буларни меҳнат дафтарига ёзиш осонмас-да.

Лекин қизини унутиш осон бўлмаяпти. Мазифа исмли ўша қизи чиндан ҳам соддадиллиги, кўнгилчанлиги билан ибтидоий давр аёлларини эслатади. Ўғли! Ўғли ҳақида бундай деёлмайди. Тўғри, ўғли ҳам кўнгилчан, олижаноб, бироқ ўта ҳиссиётли, болалигиданоқ зўравонликларга лоқайд қаролмайди. Қучлилиги, мардлиги, шиддати билан ўша Ҳасанни эслатадиган шу ўғли чиндан ҳам телба табиат чиқди. Танти, бечорапарвар фарзандни севмасликнинг иложи йўқ-ку, ахир! Яғрини кенг, пешонаси очиқ ва дўнг, бош деган ҳалигидай... Томирлари ёрилмагунча, тирқираб қон отилмагунча муштлашадиган, мағлубиятдан кўра ўлимни афзал кўрадиган шу ўғли зарур бўлса отаси, опаси, умуман ҳалол, виждонли одам учун бошини болта остига қўйиши тайин. Бунга у иккиланмайди. Мактабни битирди-ю, шаҳарга жўнади ва қишлоққа қайтмади. Юраги ташналигини шаҳарда қондирди чоғи. На шуҳрат, на мол-мулк билан иши бор унинг. Сотқинликни асло кечирмайди. Ғирт китоб жинниси. Тун-кун фалсафа билан шуғулланади. Маркс, Афлотун, Навоий, Сино, Жек Лондонни ўрганармиш. Чол ўғли ҳақида ҳам бир пайтлар: «Отаси ҳалигидай эди, ўғли ҳам ҳалигидай...» қабилидаги гапларни эшитганди. Орадан сал кун ўтмай газета-журналларда ҳимоясиз жониворларга бағишланган ҳикоялари босила бошлади. Ўша одамлар яна: «Бўладиган бола эди, отасига ўхшади», дея кўкларга кўтариб мақташга ўтишди. «Ҳайвонлар ҳақида ёзма, сендан ёзувчи чиқмайди, сен адабиётга муштумзўрлик билан кираяпсан», дегувчи ўртоқлари ҳам бошларини эгиб қолишди. Ҳар ҳолда шу ўғли одамлар учун кўп эзгу ишлар қилиши тайин. Бир пайтлар исмини болаларига қўйишган, сўнг назардан тушган отасининг номини ҳам шу ўғли абадийлаштирса ажаб эмас. Тун-кун ёзади. «Сенинг адабиётга алоқанг йўқ», деганларга қасдма-қасдига ёзади. Ҳа, ўғлининг миясини китоб ғажиб ташлаган. Ҳозир ҳиссиётга берилган. Аёлларга мойиллиги кучли, роса кучга тўлган, ароқ ичмайди. Ана у оппоқ тойчоқлар эса тушларига кириб чиқадиган ўша ўғли отаси олам билан видолашаётган кезда етиб келди нима-ю, келмади нима...

Бу ёғига жасорат кўрсатса бас.

Чолнинг қулоқлари остида асов, шиддатли тойчоқларнинг даҳшатли кишнашлари қайтадан жарангладию, миясига қадалди. Мана, тойчоқлар ёнгинасида кишнашаяпти. Ана у нима? Наҳотки маёқ?! Ана у олдиндаги — яйдоқ тойчоқдаги ким экан? Назарида, бош яланг, яланг оёқ бир аёл тойчоқларни бошқараяпти. Аёлнинг сочлари, қошкиприклари ҳам оппоқ... Аёл ўнг қўли билан от ёлини тутиб, чап қўли билан чолни ёнига чорлаяпти. Мана, аёл чолга яқинлаша бошлади.

— Қани, бегим, — мурожаат этди аёл ғамгин, — тура қолинг. Естиқдошингизни кўпдан бери зериктириб қўйдингиз. Энди олдинга интилишнинг ҳожати йўқ, ўзингизни қийнаманг. Инсоннинг инсонийлиги ҳам орқага қайтмаслигидадир. Чол, ўзингиз севиб, доим такрорлаб юрадиган «тириклик»-дан мамнун яшадингиз.

— Нимасини айтасан, Орифа бону, — шивирлади чол беихтиёр. — Кўп ва кўп яшадим. Бу кўз нималарни кўрмади, қулоқлар нималарни эшитмади.

— Уларни қўйинг! Қани, ҳаракатингизни қилинг. Оппоқ тойчоқларга навбатма-навбат миниб, кўпдан бери изингиздан қувиб юрибман. Олти йил муқаддам мени ҳам шу ёш асов тойчоқларда кузатиб қолган эдиларинг. Уғлимизни ўзим яширинча суннат қилдирдим. Ўзингиз олиб берган тикув машинасидан орттирган маблағ билан қизимни ҳам турмушга чиқардим. Энди, бу ёғига мардлик кўрсатинг...

— Бир оғиз сўзингиз-да, бону, — жавоб қилди чол. — Биби Фотиманинг севикли қизлари — Орифа. Сиз ҳам эрингизни олти йил ёлғиз ташлаб қўйдингиз, зериқдик. Бу ёғига мардлик қилмасдан чорамиз йўқ-да...

— Қўрқманг. Қоп-қоронғу зах тупроқ остида ётиб, қурт-қумурсқаларга ем бўлиш — бироз кўнгилсиз ҳол. У муттаҳамлар лаззатли таомлар билан меҳмон қилган, ардоқлаган, эъзозлаган танамизни безбетларча теп-текис, пок-покиза туширишади. Лекин уларда дин, руҳ, эрксизлик азоби ҳақидаги қўрқув, тушунча йўқлиги учун ҳам гўштларингни ейишларига рози бўласан. Ахир туғилмоқ ҳам, ўлмоқ ҳам ҳақ. Табиатни биз еймиз, бизни эса табиат ейди. Жин урсин ҳаммасини. Қани, чол, бўла қолинг.

— Мана, мана, бону, ҳозир, — тажанглик билан шивирлади чол.

— Мен кетдим, кутаман, — деди аёл гўё чолнинг тасаввуридаги тойчоқнинг жиловини орқага бурди ва оппоқ ранглар орасига сингабошлади. Сингани кез оппоқ тойчоқлар ҳам еру кўкни ёриб юборгудай кишнашди. «Ҳинг... ҳинг!» Ана, тойчоқлар оғизларини катта очишиб, қулоқларини чими-




«Бахмал» совхозининг чўпони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Неъмат Назаров (ўртада) чорвачилик соҳасида катта ютуқларга эришаётир.

К. Жумаев фотолари



Совхоз яйловида.





ришиб, суза-суза чол томон яқинлашаяптилар.

Чол аста-секин сурилиб тош устидан тушди-да, белидаги белбоғини ечиб, бошини, қулоқлари оша айлантириб энгагини танғиди. Ўнг қўлини юзига ёстиқ қилиб чўзилар экан, ўнг оёғини хиёл йиғди, чап қўлини эса оёқлари устига ташлади. Худди шу пайт чолнинг юраги қаттиқ, жуда қаттиқ силкинди-ю, икки олам аро даҳшатли чинқириқ кўтарилди. Чинқириқ, фарёд тобора кўтарилиб бораётган кез чолнинг тушунчасида учар думли юлдузлар, улар қолдирган оловли излар, ойнинг сўниши, қуёш сатҳидаги олов гирдоби, яна аллақандай рангли тошлар тўқнашуви ва тўқнашув асносида юз берадиган чақин, гумбурлашлар, бир-бирларига урилиб қарс-қурс синаётган муз кўчкилари, дарахтлар, ер юзини қоплаётган сув тўлқини намоён бўлди. Мана, нотинчлик аста-секин тинчиб бораяпти. Жанг майдонида яна Эрназар, Усмонали, Сора пайдо бўлди-да, сал ўтмай четга чиқиб кетишди. Улар ўрнида хотини Орифа, ўғли Эркин, қизи Мазифа кўринди. Мана, улар ҳам сафдан чиқдилар. Фақат қаршисида кўкракдор, кенг кўкракли ва очиқ пешонали ўғли туриб қолди. У отаси — тугаётган чолнинг қўлларидан тутиб кўтарар экан, ёш сизиб турган қовоқларини юмди:

— Сени тўй қилмадим, уйлантирмадим, деб ўкинманг, — дея мурожаат этди.

— Ширинм, шакарим, мени бошқа безовта қилма, — аранг шивирлади чол. — Фақат, фақат душманларингдан ўзингни асра...

Юрак ўз бурчини бажариб бўлай деб қолди. «Бу қандай овоз», чол бошини кўтарди ва қаршисида турли-туман, тиришган-буришган хунук ёқимсиз башараларни кўрди.

— Етар! Томоша тугади! — чолнинг лаблари сезилар-сезилмас қимирлади ва жимиб қолди. Кишнашлар, қаҳ-қаҳалар сўниб бораётган он ҳам чолнинг кўзлари қорачиғида, хиралашаётган тушунчасида яқиндагина таъқибга учраган ўғли қотиб турар, совиётган вужудига қоришиб борарди.

Чол руҳга айланиб аста-секин ўғлининг кўзларига, вужудига кўчди. Икки олам ораси тинчиди. Устки олам Пастки оламга ҳамон оппоқ қорларни инъом этарди. Чол — ўтмиш Пастки оламдан абадийликка — ер остига кўчган, энди унинг ўрнида келажак — ёлғиз ўғли сукутга толиб турарди. Атрофни «Арғумоқ» ҳақидаги қадимий қўшиқ — фарёд тўлдириб борарди.

Чопқир-чопқир арғумоқни,
Чопиб-чопиб ташладилар...
Учқур-учқур арғумоқни,
Қизил қонга бўядилар...



Сургутдаги юзлаб мана шундай кўп қаватли уйлар Самарқанд лифтларига муҳтож.



Суратда: корхона директорининг лифт талаб қилиб жўнатилган телеграмма ва хатларга тўлиб кетган иш столи.

Р. Ғофуров фотолари (ЎзТАГ)

ФОТОАЙБНОМА

Буюртмачиларга ўз вақтида жўнатилмаган 600 дан зиёд маҳсулот Самарқанд лифт ишлаб чиқариш корхонаси ҳовлисида тирбанд бўлиб турибди. СССР Электртехникаси саноати министрлигига қарашли Арманистоннинг Ленинакан ҳамда Еревандаги корхоналари лифт қурилиши учун ниҳоятда зарур бўлган жиҳозларни етказиб бера олмагани учун мана шундай аҳвол юзага келди. Натижада РСФСР, Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларида ўнлаб даҳалардаги қуриб битказилган бинолар лифт йўқлиги сабабли фойдаланишга топширилмади. Демак, минглаб оилаларни тураржой билан таъминлаш иши орқага сурилди. Самарқандлик лифтсозлар юзага келган вазиятдан халос бўлиш учун йўл-йўриқлар излашаяпти. Йўл қурилиши министрлиги, Тошкентдаги электр жиҳозлари, кабель заводлари корхонага зарур электр техник жиҳозлари етказиб беришни ўз зиммаларига олдилар.



Йўлакдаги тўла йиғилмаган лифт қисмлари уюми.



БЎЁҚ СИРИ

Мактаб ўқувчилари, рассомлар ва чизмачиларга яхши таниш бўлган тушь таркиби жуда оддий: қоракуя, ўсимлик ёғи ва елимдан иборат. Юз йиллар давомида унинг тайёрлаш усули жуда кам ўзгарган, авваллар қурум тайёрлаш учун игнабаргли дарахт ёқилган бўлса, эндиликда нефть ва нефть маҳсулотлари ёқилмоқда. Қисқа қилиб айтганда, тушь бўёғини уйда тайёрлаш ҳам қийин эмас. Лекин қадимги Хитойда уни тайёрлаш хаттотлар учун сир сақланган. Тайёрлаш усулини фақат маълум бир одамларгина билишган. Бизнинг эрамизгача бўлган 900 йилда уни қуйидагича тайёрлашган: 600 грамм (оғирлик бизнинг ўлчовимизда) қурум, 85 грамм янчилган садаф, 28 грамм майдаланган жадеин, 28 грамм кофур ва қолгани лак. Бу аралашмани юз минг марта янчиш керак эди.

ХАЗИНАТОПАР ЧАҚМОҚ

Францияниг Бордо шаҳрига яқин бир черковнинг қўнғироқлари яшин уриши натижасида ёна бошлади. Уз вақтида етиб келган ўт ўчирувчилар оловни тезда ўчиришди. Қўнғироқ бўлакларга ажратилаётганда, унинг ичидан иккита тилла хоч, қимматбаҳо тошлар билан безатилган безаклар ва бешта кумуш маросим идишлари топилди.

ЎЛИМ ВОДИЙСИ


Бу манзаралар Камчаткада суратга олинган. Уларни Кроноцк қўриқхонаси ўрмон назоратчисининг ёрдамчиси Виталий Николаенко фотоплёнкага туширган. Бу нодир суратлар биринчи марта эълон қилинмоқда. Уларда Кихнинич вулқонининг этагида жойлашган Ўлим водийси деб аталувчи жарлик акс эттирилган.

Бу ерда ҳайвонлар ва қушларга ўлат тегаётганини зоолог В. Каляев ва вулқоншунос В. Леоновлар 1975 йили аниқлаган эдилар. Фожиа рўй бераётган сой бўйида жигарранг тошлар кўринади, аслида улар ўлиб ётган айиқлардир. Уларнинг териси олтингугурт кукуни билан қопланган.

Вулқоншуносларнинг биринчи тажрибаларидан маълум бўлдики, ўлим майдони шамолсиз — ҳаракатсиз ҳавода вулқондан чиқаётган газлар аралашмаси, хусусан водород сульфиди ва карбонат ангидрид гази билан тўлиб қолар экан. Яъни, ер сатҳида умуман кислород йўқ. Шундай газлар «тузоғига» тушиб қолган жониворлар дарҳол ўлади.

Сиз кўриб турган фототасвирлар илмий аҳамиятга эга. «Ўлим водийси» вақти-вақти билан текширилиб турилмоқда, қурбонлар сонини кўпайтирмасликка ҳаракат қилинмоқда.





Чақир-чиқанак

ОХУНЖОН ҚИЗИҚ

ҚИМОРБОЗ

Кўчада турган учта қиморбоз менинг эътиборимни ўзига тортди. Бири — Алим қиморбоз, ўнг елкасини чиқариб, чап елкасини пасайтириб олган. Чопонининг ўнг енги ичида бедана. Иккинчи киши — Долим чиппак, сувга тушган мушукдек шумшайган. Учинчиси — Райим бачкана, афтидан хурсанд ҳам, хафа ҳам эмас.

Алим қиморбоз Райим бачканага буйруқ берди:

— Ма, бу пулни ол! Дарё бўйида ош тайёрла, ёнида тўртта конъяк ҳам бўлсин.

Менга кўзи тушиб:

— Ҳў қизиқ, бақа ке! — деди.

— Лаббай, тақсир? — дарҳол қиморбознинг ҳузурида пайдо бўлдим.

— Сен ҳам ошга етиб бор, хўпми?

— Хўп бўлади, тақсир, хўп бўлади!

Бу воқеадан бир ҳафта кейин мен яна Алим қиморбозга йўлиқиб қолдим. Қиморбознинг ранги-қути ўчган, икки елкаси баробар — туянинг ўркачидек диккайиб, қулоғини беркитиб турибди. Мен майда қадам билан секин унинг олдига келиб, атайин қулоғига пичирладим:

— Бугун ҳам ош бўладими, тақсир?

Алимбойвачча қимордан ютқазиб қайтаётган эди. Менинг гапим дард устига чипқон бўлди. Қиморбоз, аччиғидан мени қулочкашлаб ташлайман деган эди, қўлидаги бедана «пир» этиб учиб кетди.

— Ана, — дедим кулиб, — бедана ғам-андуҳдан, сиз ташвишдан озод бўлдингиз.

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ

ТЕРАК ЭГИЛДИ

Идорага бошлиқ бўлиб Отабоев,
Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилди койиб.
Ўзича у билимдону гумроҳ бошқа,
Шу ўлчовда қарор доим кекса-ёшга.
Теракдайин тикка келиб, тикка кетар;
Салом берсанг, эриниброқ алик этар.
Унинг боши гўё тўла, илм лим-лим,
Сал эгилса тўкилармиш барча билим.
Сенсирайди кексаларни укасидек,
Танқид қилган кишиларга сақлайди кек.
Ёқмагандан кир излайди — этиб ков-ков,
Сиркаси сув кўтармайди — ўта мижғов.
Ўз нуқсонин тўғри дея, туриб олар, —
Хатосини кўрсатса ким, гапга қолар.
Кўча-кўйда санаб босар қадамини,
Гаплашади топиб керак одамини.
Иши тушса эгилади — терак андак, —
Баъзиларга гоҳо бўлар ковуш-патак...
Қайта қуриш бошланди-ю, бўлди ошкор, —
Сир очилди — баҳор келиб, эригач қор.
Бўлганида муҳокама бошлиқ иши,
Айбин очди сўзга чиққан ҳар бир киши.
Янги раҳбар сайлагани бўлиб сайлов, —
Паттасини қўлга олиш бўлди сийлов.
Ўша-ўша терак одам эгилади, —
Шундай қилиб Отабоев енгилади.



Сўзсиз сурат.
А. Ҳакимов чизган расм

ЛАТИФАЛАР

Насриддин афанди автобусда бир жувоннинг оёғини босиб олиб, узр сўради. Тилла тишли жувон «зарари йўқ» дейиш ўрнига автобусни бошига кўтариб шанғиллади:

— Маданиятсиз, айиқ полвон!

Афанди жувонга киноя билан деди:


— Асли оёғингни эмас, тилингни босиш керак экан сенинг!

* * *

Афанди тўйда уч-тўртта олма арчиб, пўчоғини ёнида ўтирган бир олим йигит ёнига суриб қўйди. У таажжуб билан елкасини қисган эди, Афанди изоҳ берди:

— Телевизорга чиқиб, мевнинг витамини пўчоғида бўлади, деб илмий гаплар қилиб турасиз, марҳамат, тановул қилаверсинлар, иним.

КРОССВОРД



ЭНИГА: 3. Таниқли тожик хонандаси, СССР халқ артисти. 8. Саломатлик поспони, мутахассис. 9. Ставрополь ўлкаси таркибидаги Автоном областда яшовчи халқ. 11. «Нурхон» музикали драмаси қаҳрамонларидан бири. 12. Заргарликда ишлатиладиган, рангли қимматбаҳо тош. 14. Автоном республика пойтахти. 16. Ер қуррасининг тирик организмлар тарқалган қисми. 18. Муссавирлик ашёси, бўёқ. 20. Маълум бир корхонага ёлланиб, хонадонда ташкил этилган меҳнат усули. 23. Жанубий Осиёдаги давлат пойтахти. 26. Ошпазлик анжоми. 28. Сунъий ҳосил қилинган сув йўли. 29. Қуёшнинг тикка кўтарилган пайти. 30. Ғарбий Европадаги дарё. 31. Ўрта Осиёлик машҳур қомусий олим. 32. Техника мутахассиси. 33. Совет партия ва давлат арбоби, Совет ҳокимияти учун кураш қатнашчиси.

БЎЙИГА: 1. Юқори натижага эришиш учун олиб бориладиган беллашув. 2. Маҳаллий усулдаги бинонинг иккинчи қавати. 4. Белоруссия ССРдаги область маркази. 5. Чехословакиядаги йирик шаҳар. 6. Рус совет адиби, «Полк ўғли» қиссаси муаллифи. 7. Митти қуш. 10. Ўзбек маърифатпарвар шоираси. 13. Баъзи турлари доривор, хушманзара чалабута ўт. 15. Усимликдан олинадиган бинокорлик ашёси. 17. Кўчат етиштиришдаги жараён. 19. Тожикистон ССРдаги область. 21. Билимни синаш, текшириш. 22. Таниқли Америка ёзувчиси. 24. Сайлаш учун кўрсатилган шахс. 25. Украин классик шоираси, драматурги ва публицисти. 26. Марказий Қизилқумдаги тоғлар. 27. XIX аср рус инқилобчиси, ёзувчиси ва файласуфи.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

5-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: . Карки. 6. «Диёримсан». 9. Газанда. 10. Коший (Жамшид ибн Масъуд). 14. Возиқ. 15. Хоруғ. 16. Бобур. 21. Биология. 22. Ковул. 23. Улка. 26. Асад. 27. Чайир. 28. Аспирант. 31. Борат. 32. Ханой. 33. Тилчи. 36. Коряк. 37. Гилвата. 39. «Модарихон». 40. Ҳафта.

БЎЙИГА: 2. Аэродром. 3. Кимё. 4. Титан. 5. Мажоз. 7. Жалилов (Тўхтасин). 8. Бизон. 11. «Томошабоғ». 12. Жувоз. 13. Муаллақчи. 17. Обкаш. 18. Бисау. 19. Курси. 20. Тарту. 24. Сифат. 25. Беҳишти. 29. Ғаров. 30. Қобилият. 34. Ляхов. 35. Овлоқ. 38. Даҳа.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ва «Юный техник» журналидан фойдаланилди.

Босмахонага туширилди 18.04.1989 й. Босишга рухсат этилди 18.05.1989 й. Р — 00338. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 144.010. Буюртма № 560. А — 126. Баҳоси — 35 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.





Бойсе — лучшая камера
в Америке сегодня.
(Стр. 41)

Баҳоси 35 тийин.
Индекс 75233.

